

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

С.А.ҲАЙДАРОВ

**“ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МИНИАТЮРА САНЪАТИ: ТАРИХИ
ВА ТАРАҚҚИЁТИ”**

“Lesson Press”

Тошкент – 2021

УЎК: 75.056(575.1)

КБК: 85.1

С.Хайдаров “Темурийлар даври миниатюра санъати: тарихи ва тараққиёти” монография. Т.: “Lesson Press” МЧЖ нашриёти, 2021. – Б. 119.

Мазкур монографияда тарихий миниатюраларни ўрганиш, “Темурийлар даври миниатюра санъати: тарихи ва тараққиёти”, Ўзбекистон тарихи дарсларида фойдаланишнинг педагогик талаблари, дидактик имкониятлари, миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқилган.

Шунингдек, монография халқимизнинг миниатюра тарихига бефарқ бўлмаган, уни ўқиши, ўрганишни истаган барча тадқиқотчилар, талабалар ва ҳамда китобхонлар оммаси учун мўлжаланган.

Маъсул муҳаррир:

А.П.Сулаймонов – педагогика фанлар номзоди, доцент

Тақризчилар:

- 1. Т.А.Хотамов.** ЎзХИА доцент, тарих фанлар номзоди
- 3. И.Аслонов.** ТошҶЎАУ, доцент, психология фанлар номзоди

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий кенгашининг 2021 йил 29 ноябрдаги 8 - сонли йигилиши қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

ISBN: 978-9943-7712-0-8

© “Lesson Press” нашриёти, 2021 й.

КИРИШ

Дунёда таълимни замонавий талаблар асосида ташкил этиш, унинг мазмунини миллий анъаналар, қадриятлар асосида такомиллаштириш орқали самарадорликка эришиш, янги технологик ёндашувларни қўллаш, тарихий қадриятлар, анъаналарнинг дидактик имкониятларидан оқилона фойдаланиш таълим ислоҳотларининг асосий йўналишларини ташкил этади.

Бу соҳада тарихий манбалардан фойдаланиш ҳам алоҳида долзарблик касб этади. Таълим-тарбия соҳасидаги ишлар кўламининг ортиши билан бирга унинг сифати ва самарадорлигини ошиши масаласи замонавий таълимнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Давлат таълим стандарти ва ўқув дастуридаги ўқувчиларнинг компетенцияларига қўйиладиган талабларда ўқувчилар маданий ҳаёт, меъморчилик, санъат, хунармандчилик тўғрисида билимга эга бўлиши уларда «тарихий жараён ва ҳодисалар ҳақида маълумот беришда қўшимча адабиёт ва манбалардан фойдалана олиш» лозимлиги белгилаб қўйилган.

Шарқда миниатюра санъати жамият тараққиётига мос равища даврнинг ижтимоий тасвирий талқини сифатида ривожланган. Шу боис ҳар бир тарихий даврнинг талқинига оид манбалардан фойдаланиш ўқувчиларнинг шу даврга оид тарихий билимларини бойитиш имконини беради. Шунинг учун ҳам тарихий тасвиirlар, деворий суратлар, миниатюра асарлари, шунингдек, замонавий рассомларнинг тарихий мавзудаги асарларини ўрганиш орқали ўқувчиларнинг тарихий билимларини ошириш жараёнида муҳим омил сифатида тадқиқ этишни тақозо этади. Бу борада тарихий воқеликнинг реал ифодаси сифатида эътироф этилган «Бобурнома» ҳамда «Зафарнома» асарларига ишланган миниатюралар тарих таълими учун ноёб манба сифатида аҳамиятлидир.

І БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ТАЪЛИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МИНИАТЮРА САНЬЯТИ АСАРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишида миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш муаммосининг педагогик назария ва таълим амалиётидаги ҳолатининг таҳлили.

Узоқ давом этган тарихий жараёнда ўзбек миллатининг ўзига хос хусусиятлари шаклланган. Ўзбекистон тарихи негизига буюк ўтмишимиз билан боғлиқ бўлган миллий дунёқарашни асос қилиб олиш, бунинг учун эса бир қатор омиларга таянишимиз лозим.

Биринчидан, тарихий ва маданий анъаналарга, буюк миллий қадриятларга асосланган ҳамда улуғ аждодларимиз томонидан юксак қадрланган урф-одатлар, уларнинг жаҳоншумул, умуминсоний маданий жараёнига қўшган ҳиссаси.

Иккинчидан, тарихимиз, миллий меросимиз тўғрисидаги аждодларимиздан қолган нодир китоблар, улар томонидан қурилган меъморий биноларни биздан кейинги авлодларимизга асраб-авайлаб қолдиришимиз даркор. Улар ҳақидаги тарихий маълумотлар кўплаб ёзма манбалар билан бир қаторда миниатюра санъати асарларида ҳам ўз аксини топган.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, баъзи мамлакатларнинг жадал тараққий этишларининг асосий сабабларидан бири – ўз вақтида миллат тарбиясини тўғри ташкил этиб, амалга оширганлиги ҳисобланади. Шубҳасиз, Ўзбекистонда ҳам шунга ўхшаш пухта ўйланган таълим тизими мавжуд. Бироқ, уни амалга оширишнинг асосий мазмuni таълимнинг барча соҳалари, биринчи навбатда, тарих таълимини тўғри йўлга қўйишни, жумладан, тарихий меросимиздан тўғри фойдаланишни, тарихий билимлар орқали ўқувчиларнинг ижтимоий-сиёсий билимларига доир тасаввур ва тушунчалари тизимини кенгайтиришни талаб этади. Шу маънода тарихий миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш таълим тизимини мазмун жиҳатидан бойитади. Муҳими, тарих ўқитувчиси тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларини танлашда унинг

таълим-тарбиявий жиҳатдан қиймати, тарихий ҳодисаларнинг нақадар ҳаққоний, реал ва илмий ёритилганлигига эътибор қаратиши лозим.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида республикамизнинг бир гуруҳ тарихчи олимлари А. Асқаров[36], А. Мухамаджонов[95], Р. Муқминова[99], Ҳ. Бобобеков[43] ва бошқалар томонидан умумий ўрта таълим тизимида тарих фанини ўқитиш ва ўрганишни такомиллаштириш мақсадида бир қатор дарсликлар чоп этилди.

Тарих фанини ўқитиш методлари тизимини ташкил этган кўргазмали ва оғзаки матнлар воситасида таълим бериш ҳамда амалий методлар бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғланган. Улар ўртасидаги боғланиш ўқитиш усуллари ва уларга мувофиқ фикрлаш фаолият турларининг ўзаро алоқаси ва бир-бирига кўрсатган таъсирига асосланади. Бу борада тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари тарих фанини ўқитиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча ва ишончли дидактик имконияти сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Рангтасвир бошқа санъат турларига нисбатан ҳаёт ҳодисаларини ранг, нур, соя ва чизиқлар орқали кўрсатиб беради. Рангтасвирда одамзодни ёки уни ўраб турган атроф-муҳитни бадиий образ сифатида кўрсатиш мумкин. Рангтасвирда энг кўркам гўзал асарлар яратилади. Тарихий тараққиёт давомида санъатнинг ҳар хил турлари пайдо бўлади: архитектура, ҳайкалтарошлиқ, рангтасвир, декоратив-амалий санъат, графика ва бошқалардир. Миниатюра санъати икки жиҳатига кўра, яъни юқоридаги санъат турлари синтетик тадбиғининг яққол мисоли сифатида ва реал тарихий воқелик тасвирига бағишланганлиги билан тарих дарсларида фойдаланиш учун муҳим манба ҳисобланади. Қолаверса, миниатюра санъати асарлари визуал восита сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Тарихни ўқитишнинг кўргазмалилик воситаларининг дидактик аҳамияти Н.В. Андреевская, В.Н. Бернадскийлар томонидан қуйидагича тавсифланади: «Кўргазмали образларсиз ўқувчиларда ўтмиш тўғрисида мазмунли тасаввур яратиб бўлмайди. Ўқитувчининг сўзи, ҳужжатлардан олинган парча ёки тарихий роман, ёзувчи бадиий тасвирлари қанчалик ёрқин ва равшан

бўлмасин, ўқувчилар онгига ўтмиш замонлардаги ҳаёт тўғрисида тўғри ва аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун сўзнинг биргина ўзи кифоя қилмайди»[34, 182-183]. Шу маънода тарих ўқитувчисининг муайян мавзунинг баёнида мазмунига мос миниатюра санъати асарлари намуналаридан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишнинг ишончли омилидир. Зоро, К.Л. Тарасовнинг фикрича, «Тасаввурнинг тўла бўлиши учун ўқувчига манзарани фақат оғзаки гапирибгина қолмай, балки унга ҳақиқий манзарани тақдим қилиш керак».[125, 6]. Демак, тарих дарсларида юқори даражада кўргазмали методдан фойдаланиш самарали бўлади.

И.В. Гиттас ўзининг «Тарихдан бошланғич таълим методикаси» асарида «Фақат кўз билан қўриб тушунишгина тарихий образнинг ҳамма хусусиятлари билан биргаликда ҳақиқатни аниқ ва тўғри бўлишини таъминлайди», – деб таъкидлаб ўтган[51, 62].

Кўргазмалилик оғзаки методга, оғзаки метод кўргазмали методга асосланганидек, ўқувчиларнинг мустақил фикрлашларини шакллантиришга йўналтирилган амалий фаолияти ҳам ўқитувчининг оғзаки ва кўргазмали тасвиirlарига суюнади.

Ўқувчиларнинг ўқув-амалий фаолияти оғзаки-кўргазмали ўқитиш усули билан боғлиқ ҳар хил жиҳоз ва механизмлар воситасида қиласидиган ишлари, ҳар хил топшириқларни бажаришлари, ижодий тадқиқот ишлари ва ҳ.к.лардан иборатdir. Бу эса тарих дарсларида амалий метод асосида амалга оширилади. Ўзиди аниқ тарихий воқеликларни акс эттирувчи миниатюра санъати асарлари, жумладан, қадимий миниатюра санъати намуналари кўргазмали восита кўринишидатарих ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишда бир қатор дидактик имкониятларга эга.

Тарихий воқеа ваҳодисаларга ҳаққоний баҳо бериш кўникмалари ўқувчининг қалбида ватан тарихига муҳаббат ҳисси пайдо бўлишини таъминлаш механизмлари тадқиқ этилди ҳамда асосий ҳолатлари илмий асосланди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов таълим соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишнинг аҳамияти хусусида тўхталиб, «Энг аввало бизнинг таълим тизимига бўлган муносабатимизни ҳам тубдан ўзгартириш керак. Таълим ислоҳоти бизни демократик

ўзгаришлар, янги жамият барпо йўлидан дадил етакловчи, барчамизни ҳаракатлантирувчи ички куч бўлмоғи зарур. Ҳар биримизга аён бўлсинким, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, одамлар онгини, демакки, уларнинг турмуш тарзини тубдан ўзгартириш мумкин эмас», [65, 84] – деб таъкидлаган эди.

Шу маънода тарихий манбалар, қадриятларга муносабат ўқувчиларнинг тарихий онгини ҳаққоний тарзда шакллантириши лозим бўлади. Шарқ миниатюраларида тасвиirlанган тарихий воқеликни ҳикоя қилиш ўқувчиларнинг тарихга оид билимларини мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Педагогик таълимга оид адабиётларни таҳлил этиш асносида ўқитиш жараёнида амалий методдан фойдаланиш ўқувчиларга берилаётган маълумотларни тез, мукаммал ва осон ўзлаштиришларига сабаб бўлиши ҳақидаги назарияни тасдиқлайди. «Ўқувчига берилаётган билимлар кўриш ва эшлиши орқали етказиб берилса-да, – деб ёзади А. Минавваров – аммо айнан амалий метод орқали маълумотларни тўлиқ эгаллаш ва мукаммал эслаб қолиш имконини беради» [91, 61].

Демак, юқоридаги фикрлардан келиб чиқсан ҳолда таъкидлаш мумкинки, тарих дарсларининг самарадорлигига ўқитувчининг кўргазмали, оғзаки ва амалий методлардан юқори даражада ва маҳорат билан фойдаланиш имкониятларига таянилгандагина эришилади.

Тарихий миниатюралардан мактабда тарих фанини ўқитища фойдаланишда таълим-тарбиявий вазифалар ва мазмунини билиш, тарих ўқитишининг илмий асосларини эгаллаб олишнинг ўзи кифоя қилмайди. Тарих фанини ўқитиш, шунингдек, ўқувчиларнинг тарихга оид материалларни ўзлаштириши дарсдан ташқари машғулотларда давом этади. Шу маънода тарихий миниатюраларда тасвиirlанган тарихий воқеликларни мустақил тарзда ўрганиш, ўзлаштириш тарих фанини ўқитишининг яна бир дидактик имконияти сифатида эътиборлидир. Тарих дарслари тизимига, хусусан, тарих дарсларининг у ёки бу турини танлашга тарих дастури материалининг ғоявий мазмуни, унинг таълимий ва тарбиявий вазифалари ва синф ўқувчиларининг умумий тайёргарлиги асос қилиб олинади. Бинобарин, тарих дарсларининг ҳар хил турларидан

фойдаланиш зарурияти тарих дастури мазмунининг бой ва хилма-хиллигидан ҳамда таълимий қонуниятлардан келиб чиқади. Тарих ўқитиши методикасида тараққиётнинг ҳозирги босқичи назарий томондан асослаб берилган, илғор ўқитувчилар тажрибасида синаб кўрилган тарих дарслари тизимининг хилма-хил турларидан фойдаланиш мактаб тарих курсининг таълим-тарбия вазифаларини муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради. Тарих дарсларини турларга бўлиш муаммоси тарих ўқитиши методикаси тараққиётининг турли босқичларида методистлар томонидан турлича талқин этиб келинди.

Педагогика тарихида дарсларни турларга бўлиш масаласида икки асосий йўналиш мавжуд эди.

Биринчи йўналиш тарафдорлари ўқитиши жараёнининг қонуниятларига асосланиб, дарсларни турларга ажратадилар.

Иккинчи йўналиш вакилларидан бири педагог И.Н. Казанцев дарс турларини классификациясига асосан дарсни ўтказиш усулларини асос қилиб олади. [73, 126] Аммо шундай шароитда ҳам илғор ўқитувчилар тарих ўқитиши соҳасида қўлга киритилган тараққийпарвар метод ва усуллардан, хилма-хил дарс турларидан муваффақиятли равишда фойдаланиб келган.

Мактабда тарих таълимининг янги мазмuni ва ўқувчиларнинг билиш фаолиятини янада фаоллаштириш вазифалари тарих ўқитишининг шакл ва методларини такомиллаштириш учун катта имкониятлар очиб беради. Тарих фанини ўқитиши мазмунан бойиди, ўқишининг мавжуд шакл ва методлари такомиллашди, янгилари юзага келди.

Дарс турларини тавсифлашда таълим жараёнининг қонуниятлари, уларнинг асосий босқичлари (ўқувчиларни тарихий воқеаларни идрок этишга тайёрлаш, материал билан таништириш, уни таҳлил қилиш, умумлаштириш, мустаҳкамлаш, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, олган билимларидан амалий фаолиятда фойдаланишга ўргатиши) асос қилиб олинади. Тарихни ўрганишнинг ҳар бир босқичида материалнинг мазмунига қараб мувофиқ шакл танланади.

Тарих дарсларини классификация қилиш, унинг хилма-хил турларидан фойдаланиш ўқитувчининг шахсий хоҳишига эмас, балки мактаб тарих курсининг мақсади, таълим-тарбиявий вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш заруриятидан келиб чиқади ҳамда тарих таълимининг асосий қонуниятлари билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ўқитувчи дарс турларини танлашда ўрганиладиган мавзунинг ғоявий мазмунни, характеристери, янги таълим жараёнининг асосий қонуниятлари ҳамда ўқувчиларнинг онгли ва пухта ўзлаштиришини асос қилиб олиши лозим. Дарс турини бу йўсинда танлаш эса мактабда тарих ўқитишининг таълим-тарбиявий вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш ҳамда ўқитиш методлари ва усуллари ҳақидаги масалаларни ижодий ҳал қилишга ёрдам беради.

Тарих ўқитиша таълимий жараённинг асосий ташкилий шакли дарс эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, ўқувчилар дарс материалининг асосий мазмунини синфда ўзлаштирадилар. Албатта, ўқувчиларнинг тарих дастури юзасидан ўрганиши зарур бўлган билим ва малакаларининг ҳаммасини ҳам синф-дарс машғулотлари доирасига сифдириб бўлмайди. Бунинг устига тарихий билимлар, илмий ва сиёсий янгиликлар ҳажми ҳам кенгайиб, муттасил ошиб бораётган шароитда ўқувчилар ўз билимларини тинмай ошириб боришлари учун синфдан ташқари ишларни яхши йўлга қўйиш даркор. Таълимнинг бу шакли тарихий мавзудаги қўшимча материаллар, шу жумладан, тарихий миниатюра асарларидан фойдаланиш учун қулай шароит яратади. Айни пайтда таъкидлаш жоизки, тарихий миниатюра асарлари Ўзбекистон тарихи дарсларида фойдаланиш учун тайёр манба эмас. Бу жараёнда, табиийки, муайян таълимий қонуниятлар, дидактик талабларга амал қилиш лозим.

Ўқитувчи тарих дарсларида тарихий миниатюра санъати асарларидан фойдаланишда:

- мактаб дастурида кўзда тутилган тарихий воқеаларнинг жонли тасвирига;

- тарихий шахслар, давлат ва жамоат арбоблари ва халқнинг турмуш шароитини кўрсатишга;

- муҳим тарихий воқеалар бўлиб ўтган жойларни ва уерларнинг аниқ шароитини тасвирлашга қаратилган асарларни танлаши зарур бўлади.

Сиёсатшунос Н. Жўраев ўзининг «Тарихий хотирани тиклаш ва уни яратиш концепцияси»да тъкидлагандек, «... тарихни англаш орқали ҳётни англаш, инсоннинг инсонийлигини англаш қобилияти шаклланади» [58, 43].

Бу жараёнда Захиридин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарига ишланган миниатюралардан фойдаланиш яхши самара беради. Бобур ўзининг мазкур асарида Мовароуннахрнинг турли вилоятлари, шаҳарлари, туманлари ва қишлоқларини тасвирлаб, уларинг географик ҳудуди, табиати, об-ҳавоси, ўсимликлари, ҳайвонлари тўғрисида фикр юритади. Шунга мувофиқ тарзда миниатюра санъати асарларида улар тасвирий образларда тақдим этилган.

Хулоса қилиб айтганда, «Бобурнома»да давр, турмуш тарзининг барча кўринишлари хаққоний тарзда тасвирланган [45, 17].

Масалан, ўқитувчи Бобур Мирзо ҳётини тушунтирас экан, Бобурнинг «Бобурнома» асаридан фойдаланса ва мавзуга оид расмларни танлаб, кўрсатиб тушунтиrsa, ўқувчининг шу даврни ҳис қилиши осонлашади. Чунки, айrim ҳолларда ўқитувчининг маъruzаси таъсирли, образли бўлса-да, айrim тарихий ҳодисалар, фактлар ўқувчи тасаввурида маълум даражада мавхумлигича қолади. Айнан шунинг учун ҳам тарихий миниатюра санъати асарларининг таълимий аҳамияти катта. Масалан, 7-синфдаги 32-мавзу – «Амир Темур – марказлашган давлат асосчиси», 33-мавзу – «Амир Темур салтанатида давлат бошқаруви ва ҳарбий тизим», 34-мавзу – «Амир Темурнинг ташқи сиёсати», 35-мавзу – «Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни», 36-мавзу – «Темурийлар давридаги сиёсий жараёнлар», 39-мавзу – «Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва бунёдкорлик» каби мавзуларни ўтаётганда Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарига ишланган тарихий миниатюра асарларидан фойдаланилса, ўқувчиларнинг шу даврдаги ҳарбий жанговар қўшиннинг душман устига юриши,

уларнинг жанг усуллари, Амир Темурнинг ҳарбий саркардалик маҳоратини яхши ҳис қилишларига ёрдам беради.

Муайян дидактик талаблар асосида танлаб олинган тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари, жараённинг дидактик имкониятлари қўйидагиларда ўз ифодасини топади:

- тарихий билимларнинг асосий манбаларидан бири бўлиб хизмат қиласди;

- ўқув материалларининг таълим-тарбия вазифаларини муваффақиятли амалга оширишда ёрдам беради;

- ўқитувчи ўқув материалини аник, образли ва эмоционал баён қилишига ёрдам беради;

- ўқувчиларнинг ўқув материалини ўрганишга қизиқишини оширади ва уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради;

- ўқитувчи баёнини ва дарсда қўллаган бошқа ўқув усулларини ўқувчилар томонидан тушуниб олишини енгилаштиради;

- ўқувчиларнинг фикрлаш фаолияти ва ижодий қобилиятини ўстиради;

- ўқувчиларнинг тарихий билимларини аник, чуккуроқ ва мустаҳкамроқ бўлишини таъминлайди.

Тарихий миниатюра асарлари ўзининг мазмуни, тарихий образларининг характери, уларнинг тайёрланиш техникаси ва фойдаланиш усулларига қараб қўйидаги турларга бўлинади:

- тарихий ёдгорликлар, эсадалик жойлар, хўжаликка оид ва бошқа курилишлар, меҳнат қуролларининг расмлари;

- ўқиша фойдаланиш учун ишланган тарихий картиналар ва альбомлар, бошқа турдаги санъат асарлари;

- шартли кўрсатмали қуроллар, тарихий карталар.

Тажрибалар, таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон тарихи таълимида тарихий миниатюра санъати асарлари мактаб тажрибасида кам фойдаланилади. Аслида тарих дарсларида қўлланилиши мумкин бўлган манбалар, адабиётлар ва тасвирлар жуда кўп.

Жумладан:

- реал тарихий воқеликларга оид ҳужжатлар асосида, тарихий жараёнлар даврида яратилган тарихий миниатюра асарлари,

шунингдек, «Зафарнома» ва «Бобурнома»га ишланган миниатюралар;

- илмий жиҳатдан асослаб, реконструкция қилинган архитектура ва бошқа ёдгорликларнинг расмлари, рассомлар томонидан яратилган тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари, масалан, академик Г. Пугаченкованинг қадими тарихий меъморий обидалар ҳақидаги фундаментал илмий асарлари, шунингдек, А. Алиқулов, З. Фахриддинов, М. Набиев асарлари. Улардан фойдаланиш дидактик имконият сифатида тарих дарслари самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

«Тарих ўқитища, – деб ёзди Н.В. Андреевская, – тарих фанида кўргазмали қуроллардан фойдаланиб ўтиладиган дарснинг хусусияти ва аҳамияти шундаки, бу ҳолда ўқитувчи ўтмишни идрок этиши орқали тегишли хулосаларга келиш имкониятига эга бўлади. Ўқитувчи ўқувчиларни ўтмиш билан таништириш учун оғзаки ифода қилинган образларни асос қилиб олиб, ўқувчиларни расмларда тасвирланган образлардан фойдаланиб, «бошдан кечириш» ва «ҳис этиш»дан тортиб то ўтмишни тушунишгacha олиб боради» [33, 192-193]. Тарих фанида ўқитишининг кўрсатмали усулини қўллаш, ўқув материалини баён қилиш вақтида кўргазмали қуроллардан фойдаланиш ўқитувчи баёнининг кўргазмали бўлиши, ўқувчиларнинг тайёр образларга суюниши, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириши ҳамда уларнинг ўрганилаётган тарихий фактлар, воқеа ва ҳодисаларнинг айнан ўзини ёки тасвирларини кўриш ёрдамида ўрганиши учун хизмат қилиб, катта таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Тарихий ҳужжатлар ва тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш ўқитувчи маъruzасини образли қилиб кўрсатса, кўргазмали қуролларни қўллаш натижасида ўқувчиларда ўтмиш тўғрисида ёрқин ва аниқ тасаввур ҳосил бўлади, ўқувчиларнинг эшитиш фаолиятига кўриш ва бошқа сезги органларининг фаолияти ҳам қўшилади. Шу билан ўқувчиларнинг тарихий воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги тасаввурлари реаллашади, конкрет образлар воситасида аниқлаш эвазига уларнинг билимлари

янада чуқурлашади ва мустаҳкамланади, яъни бу омил тарих ўқув фанини ўқитиши самарадорлигини оширишнинг муҳим дидактик воситаси сифатида намоён бўлади.

Тарих фанида тарихий миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти ҳақида бир неча бор таъкидлаб ўтилди. Аввало, миниатюра санъати асарлари билим олишда муҳим манба бўлиб хизмат қиласи, ўқитувчининг маърузаси тўлиқ бўлганда ҳам ўқувчиларнинг воқеалар тўғрисидаги тасаввурлари тўлиқ бўлмаслиги мумкин. Масалан, «Зафарнома» асарида XV асрдаги миниатюраларда Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти тўла-тўкис очиб берилган. Унда тасвирангдан Амир Темурнинг ҳарбий юришлари, ўтказилаётган маросимлар ва бошқа ҳодисалар ифодаланган тасвиirlарни ўқувчи кўрмай туриб аниқ тасаввур эта олмайди. Шунингдек, тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланмай туриб ўрганилаётган даврнинг тарихий манзарасини ҳам аниқ ва чуқур тасаввур қилиб бўлмайди.

Тарихий миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг тарихий тасаввурларига аниқлик киритиш ва бу тасаввурларини аниқлаштиришга ёрдам беради. Тарихий миниатюра санъати асарлари тарихий факт ва ҳодисаларни фақат ташқи кўринишинигина эмас, балки уларнинг ички моҳиятини ҳам очиб беради. Ўқувчиларнинг билим олишда кўз билан кўриб, идрок этиш эҳтиёжининг юқорилиги тарих дарсларида тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг муҳим таълимий самарасининг педагогик кафолати эканлигидан далолат беради. Шунинг учун дарс ўтишда матн ва барча иллюстрациялардан кўргазмали восита сифатида фойдаланиш методлари билан билим олишни ташкил этиш асосий усул саналади. Масалан, баён этилаётган мавзу матни ўқувчи кўз ўнгидага намоён бўлиши учун ўша давр муҳитидан келиб чиқсан ҳолда ишланган миниатюра санъати намуналари асосида бойитилади. Бу эса ўқувчида ҳам билим олиш, ҳам қизиқиш туйғуларини кучайтиради.

Тарихий миниатюра санъати асарлари ўқувчиларда тарихий тушунчаларни шакллантиришга, уларнинг назарий хуносалар ва умумлашган якунларни ижтимоий ривожланишнинг объектив

қонуниятлари ўзаро алоқаларини яхшироқ тушуниб олишларига ёрдам беради. Шунингдек, ўқувчиларни эстетик жиҳатдан тарбиялашнинг муҳим воситаси бўлиб ҳам хизмат қиласди.

Тарихий миниатюра санъати асарлари, жумладан, миниатюра намуналари орқали қўриш органлари иштирокида мушоҳада этиш ва улар ҳакида аниқ тасаввур ҳосил қилиш билан чегараланмайди. Мураккаб тарихий ҳодисаларнинг объектив қонуниятларини ўзартирмай миниатюра асарини иллюстратив намуна сифатида беришда аниқ ва асосланган манбаларга мос муҳит акс эттирилган миниатюра санъати асарларини мавзуга монанд тарзда матнга киритиш лозим. Чунки ўқувчи миниатюрада акс этган лавҳани қўриб ўша давр муҳитидан келиб чиқиб, матнни ўрганиш учун берилаётган билимларни осон ўзлаштириб олишлари таъминланади. Айниқса, ўқувчига матнда берилаётган маълумотга илова тарзидаги тасвир – кўргазмали восита тарихий воқеликларни тез ва мукаммал ўрганиш имконини беради. Бу омил ҳам Ўзбекистон тарихи дарслари самарадорлигини оширишда тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларининг дидактик имкониятларини кўрсатади. Табиийки, бу жараёнга муайян дидактик талабларга амал қилинган ҳолда киришилади.

И.В. Гиттас тарихий расмлардан фойдаланиш босқичларини қўйидагилар этиб белгилаган:

1. Дастрлабки тайёргарлик даври, яъни ўқувчиларни тушуниб олишга тайёрлаш босқичи.

2. Расм кузатиш, яъни асар сюжетини тўла тушуниб олиш босқичи. Бу босқичда ўқувчилар суратни тинч ва сокинликда кузатишлари талаб этилади.

3. Асарни «ўқиши» босқичи. Бу босқичда ўқувчилар ўқитувчининг раҳбарлигига суратнинг ҳамма тафсилотларига тўлиқ аҳамият берган ҳолда ўрганиб чиқадилар.

4. Асарни изоҳлаш босқичи. Бу босқичда ўқувчилар ўқитувчининг савол ва топшириқлари асосида суратда қандай мазмун ифодаланганлиги ҳакидаги ўз тасаввурлари, мулоҳазаларини баён этадилар. «Ўқитувчининг ўқувчиларга берадиган савол ва топшириқлари ўқувчиларни суратга диққат билан қарашга, унинг

мазмунини тўла билиб олишга мажбур қилиши лозим. Ўқувчиларни диққат билан текшириб чиқиш асосида эмас, балки ўзларида бор маълумотларгагина асосланиб жавоб беришларига имкон берадиган савол беришдан сақланмоқ керак» [51, 70-71].

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, одатда, тарихий миниатюра санъати асарлари, жумладан, миниатюра асарларида воқеликни тасвирлашда қўп элементлилик принципи Шарқ мусавирларининг эстетик ёндашувлари бўлиб, унда персонажлар (қўп фигурали композиция) ва элементларнинг кўплиги (табиат, меъморий кўринишлар, кийим, қурол-аслаҳа, ҳайвонот олами ва ҳ.к) уларни идрок этишни бироз мураккаблаштириши мумкин. Иккинчи томондан, айнан қўп элементлилик тарихий далилларнинг, тафсилотларнинг тўлиқлигини таъминлайди. Бу омил тарихий миниатюраларнинг дидактик имкониятлари кенглигини англатади. Мовароуннаҳр миниатюра мактабининг бошқа мактаблардан фарқи умумлаштириш, шаклнинг ихчамлиги, кийим ва безакларнинг аниқ ҳамда йирик ишланиши, бўшлиқнинг бир текис тузилиши, меъморий тасвир ва заминнинг соддалаштирилиши каби хусусиятларга эгалигидадир. Умумий ранглар ёрқин, тиниқ (тўқ сариқ ва қора ранглар устунлиги сезилади), расмлар яратувчанлик, тантанаворлик рухи хос бўлган жиҳатлари билан ажralиб туради.

Ижодкор учун инсонни тадқиқ этишда ўзидан олдин ибратомуз умр кечирган машҳур тарихий шахсларнинг ҳаёти ва тажрибаси жуда қўл келади. Чунки ҳар бир тарихий шахс, айниқса, тарихий ижодкор шахс қисматида тарихнинг уч таркибий қисми – ўтмиши, ҳозири ва келажаги бир бутун уйғунликда яшайди. Ўтмишнинг ибратомуз томонлари, машҳур тарихий шахслар ҳаётини тадқиқ этиш бевосита тарихий тараққиётнинг талаб ва эҳтиёжлари билан амалга ошириладиган ғоявий-эстетик жараён бўлиб, бу ҳол мамлакатимиз ва халқимизнинг бугунги куни учун алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Туркистон тарихида қомусий олимлар, машҳур саркардалар, давлат арбоблари, босқинчиларга қарши курашган халқ қаҳрамонлари қўп бўлганлигини таъкидлаб, уларнинг фаолиятини

ўрганиш ҳамда элимизга ибрат қилиб қўрсатиш муҳим таълимий ва тарбиявий аҳамият касб этишини кўп бора эътироф этган [69, 29]. Зеро, тарих аждодлар тўплаган тажрибани бизга етказиш орқали бугунни теранроқ англашимизга, келажак сари событ қадам ташлашимизга ёрдам беради. Шунинг учун бўлса керак барча халқлар адабиётида ўтмиш ва машхур тарихий шахслар ҳакида кўплаб бадиий асарлар битилган, миниатюра санъати асарлари яратилган.

Мамлакатимиз мустақиллиги туфайли аждодларимизнинг қадимий маданий мероси, маънавий қадриятларини тадқиқ ва тарғиб қилишга кенг имкониятлар туғилди. Шундай асарлардан бири «Зафарнома» ва «Бобурнома»дир. Улар нафақат ноёб тарихий қомусий ёдгорлик, балки тарихий ҳодисаларнинг миниатюра талқинининг ёрқин намунаси сифатида муҳим таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган манбалар ҳисобланади.

Бу тарихий манбалардан миниатюра санъати асарларини танлашда қуйидаги талабларга риоя қилинади:

1. Ўрганиладиган асарлар тарихий жараён қонуниятларини яхшироқ тушуниш ва ўзлаштириб олишда ўқувчиларга ёрдам бериши ва тарихнинг асосий босқичларини акс эттирган бўлиши зарур.

2. Бу тарихий миниатюра санъати асарлари ҳажм ҳамда мазмун жиҳатидан катта ва мураккаб бўлмаслиги, уларга таъриф берилган парчалар танлаб олинниши лозим.

3. Танланган миниатюра санъати асарлари ва улардан олинган парчалар ўқувчиларга тушунарли бўлиши керак.

Тарихий миниатюра санъати асарлари ўқувчилар таълим-тарбиясининг энг муҳим воситаси сифатида уларнинг ҳиссиёти, онгига таъсир этиши билан кенг педагогик имкониятга эга. «Тарихий расмларнинг вазифаси фикрга далил бўлиш, уни ёрқин тасаввур этишга ёрдамлашиш, унга энг кўп даражада аниқлик ва равшанлик киритишдан иборат. Тарихий воқеа-ҳодисаларни таҳлил этиш ва улардан тегишли хулосалар чиқаришда тарихий расмларнинг ғоят муҳим педагогик аҳамияти ва имконияти ҳам мана шунда», – деб таъкидлайди С. Садиев [117, 165-166].

Тарих дарсларида ўқувчиларнинг яхши билим олишида миниатюра санъати асарлари намуналаридан фойдаланиш қуйидаги вазифаларни ижобий ҳал этиш муҳим омил ҳисобланади:

- тарих фанида тарихий миниатюра санъати асарларидан кенг фойдаланиш;

- ўқувчиларнинг тарихий миниатюра санъати асари юзасида мустақил фикр юритиши, тасвирнинг мазмуни, композицион моҳиятини ҳис эттиши;

- ўқувчилар расмдаги воқеанинг ўзига хос хусусиятларини англаши;

- ўқувчиларнинг тарихий миниатюра санъати асарларини идрок этиш орқали дунёқарашини юксалтириш.

Тарихий миниатюра санъати асарлари орқали ўқувчиларни тарих фанини севишга ўргатишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- ўқувчиларда тарихий миниатюра санъати асарларига нисбатан қизиқишини уйғотиш;

- муайян хулосаларни чиқара олиш кўникмаларини ҳосил қилиш;

- тарихий миниатюра санъати асарларидаги қаҳрамонларнинг ҳаёти, фаолияти, турмуш тарзи, ўй-хаёллари, руҳий кечинмаларни тушуна олиш;

- ижобий қаҳрамонлардан намуналар олиш, уларнинг ички кечинмаларини ўқувчиларга моҳирона, таъсирчан ҳолда етказиб бериш, уларнинг ҳаёти ва фаолияти жараёнини ўрганиб чиқиш, қийинчилик ҳамда муаммолар ечимини топишга интилиш кўникмасини ҳосил қилиш;

- ўқувчиларни миниатюра санъати асарларига, айниқса, тарихий миниатюраларга қизиқишини ошириш, ўқувчилар тафаккурида ўзликни англаш, тарихий хотирага садоқатни шакллантириш;

- миллий қадриятларимизни унутмаслик, тарихий меросимизни асрраб-авайлаш, ватанга садоқат туйғусини камол топтириш;

- миллатимизга хос бўлган иймон-эътиқод, инсоф, диёнат, ҳалоллик, меҳр-муҳаббат, шарм-ҳаё каби фазилатларни юксалтириш;

- ўқувчи-ёшлар қалби ва онгига миниатюраларда тасвирланган тарихимизнинг очилмаган қирраларини сингдириш.

Мазкур вазифаларни ижобий ҳал этиш мувафақияти қуидаги омилларнинг инобатга олиш асосида таъминланиши мумкин:

- тарих ўқитувчиларининг тарихий миниатюра санъати асари тўғрисида етарли маълумотларга эгалиги;

- манбаларимизда етарли миқдордаги тарихий миниатюра санъати асарлар захирасининг мавжудлиги;

- ўқувчи-ёшларда бадиий асарларни ўрганиш, қаҳрамонлар ҳаёти ва фаолиятини билишга қизиқиш ва эҳтиёжнинг мавжудлиги;

- ўқувчиларда тарихий («Зафарнома» ва «Бобурнома») асарларга нисбатан қизиқиш ортириш ва ғояларни тарғиб этишга йўналтирилган фаолиятни йўлга қўйиш;

- оиласда китобхонлик фаолиятини ташкил этишга имкониятлар яратиш.

Юқорида келтирилган омиллар тарих фанини ўқитиши самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятларини кенгайтиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Тарихий миниатюра санъати асарлари орқали ўқувчиларни тарихимизни яхши англашга, аждодларимиз кимлигини билишга ўргатиш, уларда ватанимизга бўлган садоқатни шакллантириш, тарих фанига нисбатан қизиқишни уйғотиш, шунингдек, ғояларни ўзлаштириш, ўзлари севган тарихий шахслардан ўrnак олиш, яхши фазилатлар, ватанпарварлик, ботирлик, меҳнатсеварлик, фидойилик, мустаҳкам иродалилик сифатларини шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик методини ишлаб чиқиш муҳим педагогик аҳамият касб этади. Ватанимиз тарихини ўрганишда тарихдаги ҳамма манбалардан-меъморчиликдан тортиб, ёзма манбаларгача фойдаланилади. Шулар ичida миниатюра санъати асарлари ўзгачадир. Сабаби, меъморчилик намуналарини, улар қолдирган меҳнат қуроллари ва жанг қуроллари ўқувчиларда тасаввур уйғотади, бундан ташқари, қадимий ғорлар ва идишларга чекилган расмлар уларнинг ҳаёт ва турмуш тарзини миниатюралар орқали тасвирий образларда кўрсатиб беради. Кейинчалик китобларнинг пайдо бўлиши улардаги воқеаларга ишланган расмлар шу давр

манзарасини аниқ ва равшан очиб беради. Бундан кўриниб турибдики, улар ҳақиқий тарихдан гувоҳ берувчи манбадир. Биз уларни таълим тизими, ўқувчилар ҳаётига олиб кира олсак, улар ҳақида тарих манзарасини яққолроқ кўра олиш имкониятига эга бўлардик. Бу, ўз навбатида, тарих фанини ўқитиш самарадорлигини оширишнинг муҳим дидактик имкониятидир.

Идрок ва тасаввурлар тарихий ҳодисаларнинг аввало ташқи томонини, шу ҳодисаларнинг сезги органларимизга бевосита таъсир этадиган белгилари ва хоссаларини акс эттиради. 7-8синф ўқувчиларининг тушунчалари тизимида ифодаланадиган тарихий ҳодисалар моҳияти ўқитувчи раҳбарлигида фикр юритиш йўли асосида билиб олинади. Тушунчанинг таърифи ёки тарихий қонуниятнинг қисқача баёнини эслаб қолиш мумкин, лекин улар абстракт – мантиқий тафаккур натижасидагина онгли суратда ўзлаштирилади. Кўпгина психологлар ўқувчилар билимларни ўзлаштириш жараёнида анализ ва синтез асосий фикр юритиш операциялари деб ҳисоблайдилар. Шу маънода миниатюра санъати асарларини мазмунига қўра таҳлил қилиш, мулоҳаза юритиш учун бой манба саналади.

Анализ бутун бир нарсани фикран қисмларга бўлиш ёки унинг айрим хоссалари ёхуд томонларини фикран ажратиб чиқишидир. Синтез эса буюмлар ёки ҳодисаларнинг фикран қўшиш ёхуд уларнинг белгилари, хоссалари, томонларини фикран бир-бирига қўшишидир. Ушбу таърифда анализнинг икки турини, шунга мувофиқ равишда синтезнинг ҳам икки турини таъкидлаб ўтишимиз айниқса муҳимдир. Анализнинг биринчи тури бутун бир нарсани қисмларга бўлиш бўлса, иккинчиси бутун нарсанинг муҳим хоссалари ва белгиларини ажратиб чиқишидир. Анализнинг ана шу икки турини ўрта аср миниатюрасини анализ қилишга доир энг оддий бир мисолда изоҳлаб берайлик.

Анализнинг биринчи турида биз айрим қисмларни – манзара, кийим, қурол-яроғлар ва шу кабиларни фикран ажратиб чиқамиз. Иккинчитурда манзара қайси воеа ва даврни кўрсатаётганлиги ва шу сингариларни аниқлаймиз. Юқорида келтирилган атрибуллар миниатюра санъати асарларида яққол тасвир сифатида ифодаланганд

Тарих ўқитиши давомида ўқувчилар ўзаро боғланган ҳодисалар комплекси билан ёки бир қанча белги ва хоссаларга эга бўлган ҳодиса билан кўпинча бир йўла танишиб борадилар. Комплексни аввал қисмларга бўлиб чиқиб, ҳар бир қисмни алоҳида ҳамда бошқа қисмлар ва ҳодисалар билан боғланган ҳолда кўриб чиқиш ва ўрганиш йўли билангина билиб олиш мумкин. 7-8синф ўқувчилари миниатюра санъати асарларидаги тасвиirlар ва воқеаларни ёки шахс ўртасидаги нисбатни тушуниб олмагунларига қадар дарсни тўлиқ ўзлаштира олмасликлари мумкин.

8-синфдаги 1-чи «XV аср охири –XVI аср бошларида Хурросон ва Мовароуннаҳрдаги сиёсий вазият» ва 4-чи «Заҳириддин Муҳаммад Бобур –буюк давлат арбоби» мавзуларида Бобур тасвиirlанган миниатюра асари билан ишлаш жараёнида анализ ва синтезнинг қандай боришини кузатиб чиқайлик. Биз сурат – миниатюра санъати асари билан ишлашда мавзуни ўтаётганда фойдаланадиган миниатюранинг номини ўқувчиларга айтмасдан, суратни таҳлил этишдан бошласак, суратда тасвиirlанган Бобур Мирзо тимсолига қараб, ўқувчилар тасаввuriда XVI аср кўз олдига келади. Ўқитувчининг кўрсатмаси билан ўқувчилар суратда тасвиirlанган Бобурнинг кийим-боши, хатти-харакатларини кўради. Суратдаги Бобурнинг ўйчанлиги, умидсизлиги, тақдирга тан бериш ҳиссиётлари ўқувчиларда эмоционал таассурот уйғотади. Ўқувчилар юқорида кўрсатиб ўтилган ҳамма белгиларга қараб Бобур ва шу давр ҳақида маълум тасаввурга эга бўладилар ҳамда Бобурнинг ахволини аниклайдилар. Анализ шу билан якунлангач синтез жараёнига ўтилади. Ўқувчилар суратда тасвиirlанган шахс Бобур эканлигини билишди. Суратда табиат манзараси, таҳтда ўтирган ҳолда Бобурнинг ватанидан узокдалиги уни юрт соғинчини ҳис қилаётганлигини акс эттиради.

Абстракциялаш, яъни ҳодисаларнинг айrim муҳим белгилари, хоссалари ва боғланишларини фикран ажратиб чиқиш ҳамда аҳамиятсиз ва тасодифий нарсаларни фикран айrim ҳолда тасаввур этиш анализнинг давоми ҳисобланади. Абстракциялаш бўлмаса битта ҳам тушунча таркиб топа олмайди.

Абстракциялаш анализнинг олий шакли ҳисобланса, умумлаштириш синтезнинг олий шаклидир. Умумлаштиришда ҳодисаларнинг абстракциялашган белгилари, хоссалари ва боғланишлари фикран бирлаштирилади. Педагог Ю.А. Самариннинг гёзишича, анализ ва синтез ҳамда уларнинг олий шакли – абстракциялаш ва умумлаштириш асосида бошқа ҳар хил тафаккур операцияларини ҳам бажариш мумкин [119, 11]. Шундай қилиб, билиб олинаётган ҳодисаларнинг ташқи хоссаларини қайд этишдан бошлаб, то уларнинг ички тузилишини кўриб чиқишигача билиш жараёни содир бўлади. Ундан кейин эса ҳодисанинг айрим элементларини ўқувчилар тушуна оладиган ҳамма боғланиш ва муносабатлари билан бирга, бир бутун қилиб қайта қўшилади. Ўрганилаётган тарихий ҳодисалар ўртасидаги боғланиш ва муносабатларни кўрсатиб бориш йўли билан ўқувчиларда тарихий билимлар тизими шаклана боради. Бу тизим тарихга оид тасавурлар ва шулар асосида ҳосил бўлган тушунчаларни ташкил этади. Ҳодисалар ўртасидаги боғланиш ва муносабатлар қанчалик кўпроқ ҳар томонлама очиб берилиб, уларнинг маъноси қанчалик чуқурроқ тушуниб етилгани сари тарихий билимлари шунчалик юқорироқ даражада тизимлашиб, ҳар бир ҳодисанинг тарихий жараёнидаги ўрни ва роли шунчалик аникроқ англаб борилади.

Ўқитишда материални тушуниб, эсда олиб қолиш мақсадини кўзлаш ўртасида зиддият бўлиши мумкинлиги ва унинг зарарлиги ўрганилаётган материални ўзлаштириш учун қандай билиш фаолияти зарурлигига боғлиқ бўлади. Педагог С.А. Смирнов тарихий материал сифатида изоҳли материал ва ҳикоя қилинадиган материал бўлиши мумкин, деб уларни бир-биридан фарқ қилиб кўрсатади [120, 254]. Ҳодисаларни тасвирлаш ўқувчиларда уларни эсда сақлаб қолишга қаратилган жуда яққол ифодаланган мақсад туғдиради. Изоҳли материал эсда олиб қолишга қаратилган жуда яққол ифодаланган мақсад туғдирмайди, лекин агар шундай мақсад ўқувчиларнинг материални тушуниб олишларидан аввал пайдо бўлган бўлса, у ҳолда материални тушунишга зарарли таъсир кўрсатиши мумкин. Дарсликка киритиладиган материал ҳар иккала мақсадни баравар даражада пайдо қиласи ва бу ҳол материални

тушунишга салбий таъсир этиши мумкин. Матнда ўқувчилар диққатини ўзига тортадиган хронологик саналар ва янги номларнинг анча кўп бўлиши материални тушуниб олишни қийинлаштиради. Шулардан тарих фанини ўқитиш учун муҳим холосалар чиқариб олиш мумкин. 7-8 синф ўқувчиларининг тарих ҳақида жиддий ўйлашлари учун мўлжалланган, ўзлаштиришни талаб этадиган материал ўқувчилар учун янги бўлган саналар, номлар, терминлар ва бошқа маълумотлардан имкон қадар холи қилиниши керак. Агар бу маълумотларни билиш зарур бўлса, ўқувчилардан шу маълумотларни чуқур ўйлаб кўришни талаб этишдан аввал уларни мазкур маълумотлар билан таништириб чиқиш лозим. Ўқувчилар материални тушуниб олганларидан кейин уни эсда сақлаб қолишга қаратилган вазифаларни тавсия этиш мумкин.

1.2. Ўзбекистон тарихи фанини ўқитиш самарадорлигини оширишда тарихий мавзудаги миниатюра санъатига оид материалларнинг таҳлили

XXI асрнинг бошида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги энг муҳим воқеалардан бири халқнинг ижтимоий онгida миллий ўзликни англаш жараёни жамият ҳаётини қайта қуришнинг устувор йўналиши – Ўзбекистонда таълим тизимини жамиятнинг бугунги кундаги ижтимоий талабига мослаштириш – модернизациялаштиришда тарихий қадриятларимиз ва манбаларга янгича ёндашув учун қулай шароит яратди. Аслида бу жараён мамлакатимизда таълим мазмунини ислоҳ қилиш борасида 1998 йилдан бошланган таълимий ислоҳотнинг мантиқий давоми бўлиб, айниқса, тарих таълими мазмунини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, умумтаълим мактабларида тарихни ўқитишни қайта қуриш, ўқувчи-ёшларнинг тарихий билимларини такомиллаштириш жамиятнинг интеллектуал салоҳиятининг таркибий қисми, инсон сиёсий маданиятининг муҳим манбай ҳисобланади. Шу боис, Ўзбекистон умумтаълим мактабларида тарих курсларининг мазмунини танлаш тамойилларини ва мураккаблашган тартиби ҳамда мақсади ҳақидаги анъаналарни жамиятимизнинг таълимий эҳтиёжлари тузилмасида яна бир бор

синовдан ўтказиб олиш зарур бўлди. Тарихий ҳақиқатнинг қарор топаётганлиги мамлакатда ижтимоий ҳаётни демократлаштириш, халқларнинг миллий жиҳатдан ўзини англаши ўсганлиги, жамиятда тутган ўрни ва тарихий ролини яхши тушуниш, тарих фанининг замонавий илмий ютуқлари мактабларда тарихдан билим бериш жараёнида қайтадан ва янгидан идрок қилинмоқда.

Умумтаълим мактабларида тарих ўқитиш тизимида тарихнинг бошланғич курси алоҳида рол ўйнайди. Бу дастлаб ўқувчиларни тарих фани билан таништириш, ўз юрти ўтмишини билиш билан белгиланади. 7-синф ўқувчилари моҳияти жиҳатидан кичик ёшдан ўсмирлик ёшига ўтаётган болалардир. Улар психологик жиҳатдан эмоционал таъсирга берилувчи бўладилар. Бу ёшда абстракт тарихий тушунчаларни умумлаштириш қийин кечади. Шунинг учун бу даврда ижобий маънода ўқувчиларга эмоционал таъсир этувчи манбалар, омиллардан фойдаланиш зарур. Шу маънода миниатюра санъати асарларидан тарихни ўқитиш жараёнида фойдаланиш муҳим дидактик аҳамият касб этади. Айни пайтда таъкидлаш жоизки, тарих дарсларида миниатюра санъати асарларидан фойдаланишда мантиқий алоқадорлик тамойилига амал қилиш зарур. Шу билан бирга ўқувчиларни тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари билан таништиришда миниатюра санъати воситалари индуктив тамойил бўйича танишиш ва номаълум материаллар, тарихий факт ва воқеалар асосида тасвирланган бўлиши талаб этилади. 13-14 ёшдаги ўқувчиларнинг билиш қобилиятлари тарихий воқеаларни конкретлаштиришни талаб қиласди. Уларни конкрет давр одамларининг ижтимоий типлари ёрқин тавсифномасини умумлаштирувчи образ мисолида қандай бўлгани, нима билан шуғуллангани, уни ўраб турган атроф-муҳити ҳақида кўрсатиши керак бўлади.

Тарих фанида расм солиш ва расмлардан фойдаланиш жараёнини тарих ўқитиш методикасининг турли аспектларини тадқиқ этган олимлар –М.В. Андреева, Н.В. Андреевская, Е.В. Агibalova, В.Н. Бернадский, А.А. Вагин, И.В. Гиттас, В.Г. Карцолова, Н.И. Касабуцкий, И.Я. Лerner, П.С. Лейбенгруб, Д.Н. Никифоров, И. Стражевва бошқалар бу жараёнда амал

қилиниши талаб этиладиган педагогик тамойиллариға асосланиши лозимлигини таъкидлаб ўтганлар. Бу тамойил ўқувчиларнинг диққат-эътиборини дарсда ўтилаётган нарсага ҳар томонлама жалб этишдан иборат. «Бирор нарсанинг бола ёдида пухта ўрнашиб қолишини истаган педагог,— деган эди К.Д. Ушинский,— боладаги сезги аъзоларининг мумкин қадар кўпроғини – кўз, қулоқ, овоз, ҳаракат сезгиларининг ишлаши ўрганилаётган материални эслаб қолиш учун иштирок эттиришга ҳаракат қилмоғи лозим» [132, 111]. Демак, тарих фанини ўқитишида тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш ёрдамида ҳам юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Педагог В.С. Мурзаев эса «Сиз ўқувчилар ўкув материалларни пухта ўзлаштириб олсин десангиз, ўқувчиларнинг сезги аъзоларидан имкон қадар кўпроғини ўрганилаётган нарсага жалб этишингиз керак. Кўриш аъзолари орқали ўқувчилар кўргазмали куролларни яхши эслаб қолишади»,— деб ёзган эди[93, 57].

Методист, тарихчи олим Н.М. Ремеев бошланғич тарихдан танланган мазмунини ўзлаштириш тамойилларини тубдан ўзгартиришнинг муҳим вазифаси – дастур ва дарслик материалларини ўқувчиларнинг ёшига қараб, яъни ўқувчиларнинг қобилияти, уларнинг билимларини қай йўсинда қабул қилиш имконияти ва қизиқишини ҳисобга олган ҳолда танлаш зарурлигини кўрсатади.

Мамлакатимиз хукумати тарихнинг тарбиявий ролиниengl, Xalq taъlimi vazirligi va Ўзбекистон Fanlar akademiyasi зиммасига Ўзбекистон халқлар тарихининг янги дастури дарслик ҳамда қўлланмаларни яратиш вазифаларини юклади. Бу дастур, дарслик ва қўлланмалар яратилди ҳам. Республикаизда амалга оширилаётган тарих таълими амалиёти, шунингдек, дарсларда ўқитувчиларимиз маъruzalariдан шу нарса кўриниб турибдики, улар, асосан, дарсликлардаги маълумотлардан фойдаланиш билан чекланиб қолмоқдалар, қўшимча манбалардан эса кам фойдаланмоқдалар, яъни улар ўз имкониятлари даражасидагина ҳаракат қилишмоқдалар. Шу ўринда «Расмларда ватан тарихи» (Тузувчи X. Содиков, рассом А. Маҳкамов) китобини эслаб

ўтишимиз жоиз. Айни пайтда умумтаълим мактабларида тарих фанида миниатюра санъати асарларидан фойдаланишни амалга ошириш муҳим педагогик муаммолардан бири ҳисобланади.

Тарихий миниатюра санъати манбаларидан умумтаълим мактабларида фойдаланишни амалга ошириш натижасида тарихий ҳодисаларнинг бир ёқлама талқинидан қутилиб, хилма-хил фикрлаш, тафаккур юритиш, шунингдек, тарих фанида шаклланган бир томонлама қарашлардан халос бўлишда ижобий таъсир қилувчи самарали воситага айланади. Зоро, доно ҳалқимизнинг «юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал», деган ҳикматли мақолининг амалий ифодасини миниатюра санъати асарлари воситасида амалга ошириш мумкин. Ҳаёт синовларидан ўтиб сайқал топган бу сўзлар замирида тарих ва ҳаёт ҳақиқати ётади. Демак, миниатюра санъати манбалари ўлкамизнинг ўтмиш фожеасини ҳам, баҳтли тақдир, кечмишларини ҳам тарих ҳақиқати, ашёвий далиллари сифатида ўзида намоён қиласди. Шундай экан, бу манбалар тарих мулкидир, гап шу мулкни таълим-тарбиянинг мазмунига қандай олиб киришдадир. Бу ўқитувчиларнинг миниатюра санъати соҳасидаги билимлари, фанга нисбатан фидойилиги ва, қолаверса, ижодкорлигига боғлик.

Ўзбекистон умумтаълим мактабларида тарих фанини ўқитиши самарадорлигини оширишда қуйидаги таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифалар ҳал қилинсагина эришиш мумкин:

- тарихийликни тарбиялаш – ўқувчилар ўтмиш ва бугунги кунга оид воқеаларни бир-бирига боғлиқ ҳолда тушуниш ва баҳолаш, ижодий фикрлаш, илмий объективликка интилиш, мамлакат бўйлаб ва бутун жаҳон тарихидаги миниатюра санъати асарларини, тарихий жараёнларни таҳлил қилиш қобилиятини шакллантириш, тарихий манбаларни мустақил ўрганиш асосида шахсий хulosалар чиқаришга интилиш;

- ўқувчиларда тарихдаги муаммоларни англаб этиш қобилиятларини ҳосил қилиш, умумтаълим мактабларида тарихни ўрганиш, ўқувчиларда тарихий воқеа ва шахсларга маънавий баҳо бериш компетенциясини ҳосил қилиш;

- Ўзбекистоннинг маданий бойликлари, халқимизнинг ижтимоий-диний анъаналари, тарихий ва маданий ёдгорликларни тарғиб қиласиган ва улардан фахрланадиган, қадими ёдгорликларни муҳофаза қилишда фаол қатнашадиган ватанпарварларни тарбиялаш;

- турли мамлакат ва халқларнинг тарихини биладиган, бошқа миллатларнинг маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўладиган, халқларнинг ўзаро маданий таъсири ва ўзаро муносабатининг прогрессив аҳамиятини тушунадиган эътиқодли байналминалчиларни миллатлараро муомала маданияти соҳибларини тарбиялаш ва бошқалар.

Тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларининг дидактик самараси шунда намоён бўладики, улар дастлаб ўқувчининг тарихий тасаввур доирасини тўлдиради ва кенгайтиради. Тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари орқали ўтмиш ўқувчилар онгига жонли гавдаланади, улар ўтмишни бевосита визуал тасаввур қиласидилар, теранроқ, образли ҳис қиласидилар.

Айни пайтда таъкидлаш жоизки, ўқувчилар тарих дарсларида ўзлаштирилаётган тарихий мавзудаги миниатюра асарлари, хусусан миниатюранинг мазмун-моҳиятини, лугавий маъносини тўғри талқин этишлари лозим.

Санъатшунос ва философ Н. Ойдинов, педагог олим А. Сулаймонов томонидан миниатюра санъатининг бир неча маъносининг қуйидагича таърифланиши келтириб ўтилган:

- умумий маъноси – қадимдан қўлёзма китобларнинг бош ҳарфларини ранглаш, нақшлаш учун ишлатиладиган қизил бўёқ (киновар);

- ўрта асрларда яратилган қўлёзма китобларига ишланган кичик лавҳа ёки китобнинг бутун бетига ишланган иллюстрация шаклидаги кичик ўлчамдаги мўъжаз рангли тасвир (рангтасвир);

- кичик ўлчамдаги рангтасвир асари, ҳар хил материалга (суюкка, металга, матога) нозик, нафис қилиб ишланган иш (асар) [122, 40-41].

Бироқ таҳлил этилган манбалар асосан санъатшунослик йўналишида бўлганлиги учун бир қарашда мазкур тадқиқотга

алоқаси йўқдек туюлиши мумкин. Аслида, тарих дарсларида фойдаланиладиган миниатюра асарлариға қўйиладиган педагогик талаблар тизимида, биринчи галда, реал тарихий воқелик акс эттирса, қўшимча параметрлар сифатида танлаб олинаётган миниатюра асарлари юксак савиядаги бадиий-эстетик қийматга эга бўлиши талаб этилади. Юқоридаги таҳлиллар, шунингдек, қуида келтирилладиган фикрлар бу борада тарихий санъатшунослик нуқтаи назаридан ўзига хос методологик асос вазифасини ўтайди. Бу билан тарих дарсларида фойдаланиладиган миниатюра асарларининг юксак бадиий эстетик савияси билан муайян педагогик талаблар асосида таълимий юкка эгалигини ифодалаш мумкин бўлади.

Шу даврда яшаб ўтган миниатюрачилар Мир Саид Али, Беҳзод ва Хўжа Абдус Самад, Мансур, Даствантх, Абу Ҳасан, Бишан Дас, Говардхан, Маноҳар, Читарман, Ҳанҳар, Ануҷчатар, Мир Хошим, Фарруҳ Бек, Қалмиқ, Муҳаммад Мурод Самарқандий, Давлет Муҳаммад Самарқандий, Муҳаммад Нодир Самарқандий, Шер Али, Муҳаммад Сиёҳ Қалам томонидан қўплаб миниатюралар яратилган.

Санъатшунос Н. Ойдинов «миниатюра» атамаси қўлёзма китобининг таркибий бадиий-график қисми бўлиши, барча элементлари, хоҳ у қийин лавҳа бўлсин, хоҳ бутун бетни, айrim ҳолда икки қўшни бетни эгаллаган иллюстрация, нақшинкор тасвирларга нисбатан қўлланган ибора», – деб таъкидлайди [106, 41].

Бошқа бир ўринда Н. Ойдинов миниатюра санъати ҳақида: «миниатюрачи рассомлар ижодида инсон қиёфаси, табиатнинг, турли жониворларнинг кўринишлари юксак дид, ўта маҳорат билан ишланган», – деб ёзади [106, 49].

Муаллиф ўзининг бошқа бир асарида «Миллий миниатюра санъати мероси дейилганда, қўп ҳолларда шарқ ҳалқлариға хос, жумладан, туркий ҳалқлардаги миниатюра санъати анъаналари тушунилиши сир эмас.

Миниатюра санъатини ҳар жиҳатдан ўрганиб, уни давр руҳи билан сингдирилган ҳолда маҳорат билан намойиш қилган рассом Чингиз Аҳмаровнинг ижодий фаолияти алоҳида ўрин тутади.

Кейинги авлод вакилларидан Наманган вилоятида Шомахмуд Муҳаммаджонов, Ниёзали Ҳолматов, Ғайрат Камолов, Тоир

Болтабоев, Аброр Турсунов, Шорасул Шомаҳмудов, Дилбар Тўлаганова, Темур Саъдуллаев, Содик Раҳмонов, Дедашев Бахтиёр, Шарофат Абдумуталипова, Жўрабоев Бехзод, Ортиқали Қозоқов ва бошқа кўплаб рассомларимиз бу анъаналарни бойитиб, ўзига хос равишда давом эттириб келишмоқда. «Ўтмиш миниатюра санъатига хос жиҳатлар, бу яратган санъат асарларининг ишланиш услублари билан янада бойиди ҳамда давр кайфияти билан йўғрилди», – деб қайд этади [106, 191-192].

Санъатшунос олим Г. Пугаченкова миниатюра санъати китобат ва полиграфия санъатининг бир тармоғи сифатида шаклланганлигини қайд этиб, бу санъат кенг миқиёсда Бағдоддан то Самарқандгача, кейинроқ Дехлигача бўлган худудларда юзага келганлигини айтади [109, 6-7].

Миниатюра санъати асарларининг дарслардан ташқари кам ўрганилиши ўқувчиларни қизиқтириш учун педагогик жиҳатдан тор ёндашганлигимиз билан изоҳланади. Лекин бундай ёндашиш ўқувчиларнинг тарихий тасаввурларига салбий таъсир қиласи. Шунинг учун тарих курсини уйғунлаштириш масаласида доимо илмий-педагогик фикр юритилади. Бу масала кейинги йилларда юқори синфлар учун муҳим аҳамият касб эта бошлади.

Дарсда ва дарсдан ташқари ўқишида миниатюра санъати асарлари воситасида таълим самарадорлигини оширишда яхши самара берувчи метод ва воситалар ҳамда уларнинг педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини таъминлаш жараённинг муҳим дидактик шартларидан биридир.

«Тарихий билим холис асосга қурилган ва ижобий мазмун касб этганда миллат, биринчидан, ўзининг тарихий илдизларини теран англаши, ўтмишда рўй берган жараёнларни таҳлил этиш, улардан зарур хulosалар чиқариш, реал воқеликни келтириб чиқарган сабаблар, омилларни чуққурроқ англаш орқали эртанги куннинг оптималь йўлларини белгилаш имконига эга бўлиши миллий тарихий хотира ривожига таъсир кўрсатишига асосланган» [112, 12].

Тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари хилма-хил бўлади. Булар дарақ, хабар тарзидаги асарлар бўлиб, ўз даврига тааллуқли воқеа ва ҳодисалардан иборатдир. Тарихий мавзудаги

миниатюра санъати асарларини ўрганишнинг қийинлиги ва осонлиги унинг тўғридан-тўғри мазмунига, қандай хилда эканлигига боғлиқ. Тарихий китобларга чизилган миниатюра санъати асарлари устида ишлаш муайян даражада мураккаблиги билан ажralиб турди. Дарак тарзидаги ва адабий характердаги миниатюра санъати асарларини бошқаларга нисбатан англаш осонроқ бўлиб, дарак билдирувчи шаклдалиги ўзлаштириб олиш учун қулайдир. Шунинг учун ҳам тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланишни зарур деб ҳисоблаш билан бирга қайси хилдаги санъат асарларини, нима учун ва қай йўсинда ишлатиш ҳам педагогик муаммо ҳисобланади.

Тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларисиз ўқувчиларда мазмунли тасаввур яратиб бўлмайди. Ўқитувчининг сўзи, ҳужжатлардан олинган парча ёкиёзувчининг тарихий романдаги бадиий тасвиirlари қанчалик ёрқин ва равshan бўлмасин, ўқувчилар онгода ўтмиш замонлардаги ҳаёт тўғрисида тўғри ва аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун сўзнинг биргина ўзи кифоя қилмайди. «Тасаввурнинг тўла бўлиши учун ўқувчига манзарани фақат оғзаки гапириб қўя қолмай, балки унга ҳақиқий манзарани тақдим қилиш керак» [76, 59].

Тарих ўқитишда тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланишдан асосий мақсад ўтмиш тўғрисидаги тасаввурларга муқобил келадиган ва тўла қимматга эга бўлган ҳақиқий манзаралар яратишдан иборат. Шунинг учун тарих таълими дарсликларида баён этилган ўтмиш воқеалар кўз олдига келтиришга ёрдам берадиган суратлар билан таъминланган бўлса, унинг таълимий қиммати ҳам ортади. Француз методист-тарихчиси Э. Лависс шу фикрни тасдиқлаб, «Ҳар бир тарих китоби суратлар билан таъминлансин», деган талабни илгари сурди [76, 59]. Тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари ўтмиш тўғрисида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам бериб, ўтмишни тушунишни ҳам енгиллаштиради. Бу фикрни Э. Лависс «Ўқувчилар кўриб турганлари учун тушунадилар», –деб қайд этган [76, 60].

Ўқувчиларда тарихий миниатюра санъати асарларига қизиқишининг мавжудлиги ҳам муҳимдир. Бу ўсиб бораётган онгнинг

янгидан-янги нарсаларни кўриб, таассурот олишга бўлган кучли талаби билан боғлиқ бўлади. Одатда ёш китобхон китоб билан танишишни унинг суратларини кузатишдан бошлайди.

Демак, тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари тарих фанини ўқитишда ўтмиш ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш учун зарур манба бўлиб, ўтмишни тушунишни енгиллаштиради, ўқувчиларнинг тарихий билимларининг мустаҳкамланишига ёрдам беради. Муҳими, баён қилинган тарихий маълумотлар тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларида ўз ифодасини топганлиги учун уларга нисбатан ўқувчиларда қизиқиш ошади.

Бу таълим-тарбиявий вазифалар комплекси ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик рухида тарбиялаш ва қасб-хунарга қизиқишини кучайтиришнинг энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Тарихий таълим ўқувчиларда юксак ғоявийликни шакллантириш, тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларининг афзалликларини тушуниш бу асарларни асрлаб-авайлашни ҳис қилиш, тарихга тўғрича ёндашиш, фаол ҳаётй мавқеда туриб иш тутиш, билимни мустаҳкамлаш ва уюшқоқликни шакллантиришнинг муҳим омилларидан биридир [107, 16].

Жамият томонидан таълим-тарбия тизими олдига қўйилган бундай масъулиятли вазифа педагогика фанининг ривожланишига ўзининг катта таъсирини кўрсатади. Ана шундай ривожлантириш йўналишларидан бири фаол таълим эканлиги эътироф этилган. Фаол таълим деганда биз таълим-тарбия жараёнининг асосий обьекти ва субъекти ҳисобланган таҳсил олувчи (ўқувчи) тингловчиларнинг онгли ва фаол иштироки, мустақиллиги ва ижодий қобилиятларини таъминловчи омиллар тизимини тушунамиз. Ҳар қандай фаолиятда, шунингдек, ўқув-билиш фаолиятида ҳам фаоллик ўз-ўзидан пайдо бўлмай, балки поляқ олими В. Оконь таъкидлаганидек, «Таҳсил олувчилар фаоллигининг асосини ўқув материалининг айни пайт ва келажак учун муҳим ва зарурлигини англаб етиш, уни мукаммал ўзлаштиришга хоҳиш-истак, қизиқиш, қўйилган ўқув муаммосининг ечимини топиб, интеллектуал қониқиши ҳосил қилиш кабилар ташкил этади» [108, 73]. Бундай шахснинг фаоллиги маълум эҳтиёжларни уйғотиш орқали вужудга келиши маълум бўлади.

Таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш, уларда мустақиллик ва ижодкорлик қобилиятларини таркиб топтириш, узлуксиз таълим тизмининг барча бўғинларида, шунингдек, ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълимида ҳам энг долзарб муаммоларидан биридир. Чунки таҳсил олувчиларнинг онгли фаоллиги, мустақиллиги ва ижодкорлиги, уларнинг ўқув-билиш фаолияти натижасининг сифатини характерлайди.

Миниатюра санъати асарлари ўқувчиларда юқоридаги сифатларни шакллантиришнинг муҳим омили сифатида эътиборлидир.

Педагогика назарияси ва амалиётида жуда кўплаб фаоллаштириш омиллари қайд этилган. Ана шундай муҳим омиллардан бири бизнинг назаримизда ўқув материалини долзарблаштириш ҳисобланади.

Таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган долзарблаштириш тушунчасининг луғавий маъноси ўқув материалини айни пайт ва келажакда зарур ва муҳим аҳамиятга эга эканлигини таҳсил олувчилар онгига етказиб, уни ўрганишга ҳис-туйғу, қизиқиш уйғотувчи ва фаол ўқув билишга ундовчи омил деб эътироф этилади. Педагогика нуқтаи назаридан олиб қараганда, долзарблаштириш ўқув материалини таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирилиши зарурлигини қўрсатса, психологик жиҳатдан материални ўзлаштиришга уларда эҳтиёж туйғусини уйғотади. Миниатюра санъати намуналарини тарихий манба сифатида ўрганишга нисбатан онгли эҳтиёжни юзага келтириш ўқув материалини сифатли ўзлаштиришнинг муҳим шартларидан биридир. Бошқача сўз билан айтганда, тарих таълимини тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари воситасида ташкил этиш ўқувчиларда тарихий тафаккурни ўстиришнинг муҳим омилларидан биридир. Зеро, тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари мазмуни, шакли, мавзуси ва ғоясининг бирлигини ўзида ифодаловчи асосий воситадир. Масалан, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида Амир Темурнинг ҳарбий юришлари ва курдирган иншоотлари, унинг ёшлигидаги жасурлиги ҳикоя қилинади. Тарихий фактлар ҳеч вақт ёзувчининг ўзига тобе қилиб қўймайди, балки унга шу фактдан

туртки олишга, унинг моҳиятини очишга, давр руҳининг бадиийлигини қашф этишга олиб келади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари вақт ва муҳитнинг бадиий талқини, тарихнинг турли қирраларини бадиий бўёқлар ёрдамида ўқувчилар кўз ўнгидаги янада ёрқинроқ чизилишига, тарихий воқеалар мазмунини тўлалигича эсда сақлаб қолишга ва ўқувчиларга ўтмишнинг ибратомуз воқеалар асосида тарбия беришга хизмат қиласди.

Афсуски, мактабларда миниатюра санъати асарлари ҳамда улардан фойдаланишга оид методик манбалар йўқ. Чунки, таъкидлаб ўтганимиздек, тарих дарсларида миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш бўйича маҳсус ишлаб чиқилган методик тавсиялар, ўқув қўлланмалар ҳам йўқ. Шунинг учун ҳам тарих дарсларида миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш педагогик муаммо ҳисобланади.

Тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари воситасида тарихий мавзуларни тушунтиришдан кўзда тутилган мақсадлар, тарих курсининг мазмуни, ўқувчиларнинг билими ва мустақил ишлашга тайёргарлик даражаси хилма-хил бўлгани каби улардан фойдаланиш методикаси ҳам хилма-хилдир. Шунингдек, тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларини тушунтиришда бирон методни асос қилиб олиш ҳам етарли эмас. Шунинг учун «Ўзбекистон тарихи» дарсларида тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш жараёни ҳам долзарб муаммо ҳисобланади.

Демак, «Ўзбекистон тарихи» фанини ўқитишида тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг тизими ва мазмуни ишлаб чиқилмаганлиги, ўқитувчилар учун миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш усуллари хусусида методик тавсиялар етарли эмаслиги, умумтаълим мактабларида тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларининг йўқлиги, миниатюра санъати асарларидан тарих дарсларида фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги, илмий-методик жиҳатдан асосланмаганлиги каби кўплаб педагогик муаммолар мавжуд. Бу

муаммоларни ҳал этиш маҳсус педагогик илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни талаб этади.

Ўзбекистон тарихи таълими самарадорлигини оширишда тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш бўйича амалга оширилган тадқиқот ишлари қўлланиладиган миниатюраларнинг педагогик таҳлили уларнинг тарих таълими билан алоқадорлигини асослаш учун назарий ва амалий замин яратади. Зеро, тавсия этилаётган манбалар – Ш.А. Яздийнинг «Зафарнома» ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарларига ишланган миниатюралар ўша давр тарихининг тасвирий талқини сифатида ўқув материалини визуал тарзда тақдим этиш воситаси сифатида ўқувчиларнинг тарихий билимларни ўзлаштириш даражасини сезиларли даражада ортишига хизмат қиласди.

Тарих дарсларида миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш жараёнини дидактик принциплар нуқтаи назаридан тўғри ташкил этиш учун муаммонинг педагогик назария ва амалётдаги ҳолатини таҳлил этишни тақозо этади. Таҳлиллардан келиб чиқиб соҳага оид ибратни амалиётлар, илгари сурилган илмий ғоялар бугунги кун талаб ва эҳтиёжлари учун нечоғлик мувофиқлигига ойдинлик киритилди. Хусусан, тарих дарсларида фойдаланадиган миниатюра асарларидаги воқеликлар тасвири тарих дарсининг мазмунига мослигини таъминлаш, турли манбалар тадқиқига оид тадқиқотларнинг тарих, санъатшунослик, адабиётшунослик фанлари нуқтаи назаридан ўрганиш натижасида миниатюраларнинг фанлараро алоқадорлик принциплари асосида қўлланиш тартибларини белгилаш учун илмий-амалий асос вазифасини ўтайди.

**II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎҚИТИШДА
МИНИАТЮРА САНЬЯТИ АСАРЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК
АСОСЛАРИ.**

**2.1. Ўзбекистон тарихини ўқитишида миниатюра санъати
асарларидан фойдаланишнинг педагогик асослари.**

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги» Конунининг 12-моддасида «...умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажмини бериши, ўқувчиларда қобилият амалий тажриба кўникмаларини ривожлантириши, дастлабки тарзда касбга йўналтириш ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам бериши» [3, 3-4], шунингдек «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг учинчи босқичида бажариладиган вазифаларда таълим сифатини ошириш ва янги педагогик технологияларни қўллаган ҳолда сифат ва самарадорликка эришиш белгилаб берилган[5, 14]. Бугун оламдаги маълумотлар кўлами шунчалар кенгки, уларни ўзлаштириш борасида ўқувчилар фаолиятида муайян мураккабликлар юзага келмоқда. Бу муаммони ечишда янги инновацион технологиядан фойдаланиш жуда қўл келади. Зоро, улар ўқув фанларини ўқувчи онгига осон ҳамда тезроқ сингдирилишида муҳим дидактик восита вазифасини ўтайди. Шундай дидактик воситалар сирасига муайян фан мазмунига қўшимча тарзда киритиладиган материалларни келтириш мумкин. Тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларини Ўзбекистон тарихи ўқув фани учун соҳанинг дидактик талабларига мос келувчи қўшимча материал сифатида эътироф этиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, таълим тизимида анъанавий ўқитиши мазмуни ва методларини модернизация қилиш ва замонавий инновацион усуллардан фойдаланиш давр талабига айланиб бораётган замонавий шароитда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шундай инновацион педагогик технологиялардан бири – қўргазмалилик принципи бўлиб, уларни янги усулларда тақдим этиш таълим сифатини оширишга хизмат қиласи. Миниатюра санъати асарларидан қўргазмалилик принципи асосида фойдаланиш тарих

таълимининг дидактик имкониятлари тизимида алоҳида эътиборга моликдир.

Ўзбекистон тарихини ўқитишнинг асосий вазифалари ўқувчилар тафаккурини ўстириш, уларни миллий ифтихор, халқлар дўстлиги, ватанпарварлик, ўз халқи тарихи ҳақида тўғри ва объектив тасаввур ҳосил қилдириш, Ўзбекистоннинг жаҳон тарихидаги ўрнини кўрсатишдан иборат. Бу борада ҳам тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари, жумладан, Шарқ миниатюра санъати намуналари ўзининг халқаро илмий ҳамда бадиий нуфузи билан ўзига хос тарбиявий таъсири кучига эга. Зоро, айнан миниатюра санъати намуналари дунёнинг энг нуфузли музей, галерея ва кутубхоналарида сақланади.

Умумтаълим мактабларида «Ўзбекистон тарихи»ни ўқитиш вазифалари:

- тарих фани юзасидан ўқувчилар билимининг Давлат таълим стандартлари даражасида бўлишини таъминлаш;

- ўқувчиларнинг миллий онги, сиёсий илмий-назарий дунёқарашини шакллантириш; ўтмиш ва ҳозирги замондаги воқеа-ходисаларга илмий холислик ва тарихийлик тамойилларига амал қилган ҳолда муносабат билдиришга қодир ҳамда умуминсоний қадриятлар асосида ёндашадиган эркин фикрли баркамол инсонни тарбиялаш;

- ўқувчиларда мустақил ижодий фикрлаш, тарихий тафаккур, билим олишдаги фаоллик, мулоҳоза юритиш, зийраклик, ўз билимини бойитишига бўлган иштиёқ ва талабчанлиликни ривожлантириш, уларга тарихий материални таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида мантиқий хулосалар чиқаришда кўмаклашишдан иборат. Бу вазифаларни ҳал этишда Шарқ миниатюра санъати намуналари, шубҳасиз, муҳим ўқув материали функциясини бажариши мумкин.

Ватанимиз ҳақидаги маълумотлар турли тарихий даврлардан буён сақланиб келинмоқда. Бу манбалар ўзига хос миллий-тарихий мерос бўлиб, бой тарихий қимматга эга. Ана шундай тарихий мерос тизимида тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари икки томонлама – ҳам таълимий, ҳам тарбиявий аҳамият касб этади.

Унинг таълимий аҳамияти шундаки, улар аввало реал тарихий воқеаларнинг объектив тасвири сифатида ўқувчиларнинг тарихий билимларини мустаҳкамлашга хизмат қиласа, бошқа тарафдан бу манбалар нафақат тарихий воқеа ва ҳодисанинг объектив ва реал тасвири, балки санъат асари сифатида ўқувчиларни бадиий-эстетик жиҳатдан тарбиялашга хизмат қиласи. Қолаверса, миниатюра санъати асарларини миллий санъат турининг тарихий негизи, унинг ижодкорларини эса юксак бадиий савиядаги жаҳоншумул асарларнинг ижодкорлари сифатида англаш орқали ўқувчиларда ватанпарварлик фазилатларини тарбиялаб боради.

Ҳар қандай дарсда дарслекнинг ўрни катта, албатта. Айниқса, тарих дарслиги ўқувчини ўрганилаётган даврга яқинлаштиради, миниатюра санъати намунаси эса ўқувчилар билими, уларнинг монологик нутқини ривожлантиришга, тарихий саналарни хронолик тарзда жойлашув тартибини ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини эсда тутишга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, фанлараро боғлиқликни таъминлайди.

Тарих фани дарсларида миниатюра санъати асарларидан фойдаланиб, дарсларни ташкил этиш ва Давлат таълим стандартларини бажариш учун ўқитувчи-педагоглар олдига:

- дарснинг мақсади ва мазмун-моҳиятини чуқур англаб этиш;
- дарс жараёнини тўғри ва аниқ манбаларга асосланиб ташкил этиш;
- мавзууни ўзлаштириш ва ўргатиш нуқтаи назаридан педагогик фаолиятга эга бўлиш;
- фанлараро интеграция қоидаларини пухта эгаллаш;
- давр ва замон тушунчаларини аниқ манба, воқеа ва ҳодисалар билан мутаносиблигини таъминлаш;
- мавзуга оид қўшимча маълумотлар ва манбаларни боғлай билиш салоҳиятига эга бўлиш;
- миниатюра санъати асарлари ва асори-антиқаларкаби тарихий қимматга эга бўлган санъат асарлари ҳақида маълум билимга эга бўлиш;
- тарихий давларга оид бўлган миниатюра санъати асарларининг мазмунини реал тарихий воқеликлар билан изоҳлаш;

-миниатюра санъати асарларининг ижодкорлари, уларнинг маънавий, бадиий-эстетик меросидан хабардор бўлиш;

-дарс жараёнида мавзуга тегишли тарихий миниатюра санъати асарлари орқали ўқувчиларда муайян тарихий воқелик ҳақида образли тасаввур ҳосил қилиш, аниқ далиллар асосида фикр билдириш ва даврни изоҳлай олиш;

-дарслик билан бирга унда берилаётган изоҳли иллюстрация манбаларидан фойдаланиш ва мавзуга тегишли бўлган жойларда қўллай билиш каби талаблар қўйилади.

Мазкур талаблар асосида тарих дарсларини ташкил этиш, инновацион педагогик технологиялар – тарихий мавзудаги миниатюра санъати намуналари орқали ўқувчида билим, қўникма ва малакаларни оширишга йўналтирилган вазифаларни бажариш омили бўлиб хизмат қиласи.

Тарих фанини ўқитиш муаммоларига оид илмий-методик манбаларнинг таҳлилидан аён бўладики, бу борада турлича қараш ва ёндашувлар мавжуд. Жумладан, А. Саъдиев тарих дарсларида қўлланилиши мумкин бўлган методлар сирасига кўргазмалиликка алоҳида эътибор қаратади. Бу ғоя А.А. Вагин ва П.В. Гораларнинг тадқиқотларида ҳам илгари сурилган, яъни оғзаки баён усули, кўргазмали таълим усули, матн билан ишлаш усули бўлса, П.В. Горанинг назарияси бўйича, оғзаки ўқитиш услубини икки турга бўлган ҳолда, яъни оғзаки таълим услуби ҳамда таълимнинг амалий усуллари тавсия этилган [117, 129].

Бундан шу нарса аён бўладики, анъанавий тарих ўқитиш усуллари орасида кўргазмали таълим услуби оғзаки ўқитиш усулидан кейин энг оммавий усул саналар экан. Демак, тарих ўқитишда кўргазмали таълим услуби ўқитишнинг, айниқса, тарих ўқитишнинг энг асосий воситаларидан бири ҳисобланади.

Бу илмий-методик ёндашув тадқиқ этилаётган муаммонинг ечими, тарих таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили эканлигини тавсифлайди. Зоро, ахборот, маълумот олиш жараёнида инсон сезгиларининг ўрни ҳал қилувчи роль ўйнайди. Хорижий манбаларнинг таҳлилига кўра биз ахборотни ўзимизга 10%-таъм билиш – оғизда, безлар орқали, 1.3%-ҳид сезиш

– бурун орқали, 3.5%–тана билиш – тери сезгиси орқали, 11%–эшитиш – қулоқ орқали, 83% – кўриш – кўз орқали қабул қилас эканмиз.

Хитойликларда «Мен эшитаман ва унутаман, мен кўраман ва тушунаман, мен бажараман ва хотирамга келтираман» – деган нақл мавжуд экан. Бу бизнинг тадқиқотимиз нуқтаи назаридан тарих таълимининг визуал имкониятларидан оқилона фойдаланиш муҳим эканлигини яна бир бор таъкидлайди. Зеро, биз материалларни сезги органларимиз орқали идрок этамиз ҳамда фаолият воситасида ўзлаштирамиз. Шу далилларга асосланиб, тарих таълимида миниатюра санъати асарларидан фойдаланиб, таълим самарадорлигини ошириш учуниш самарадорлигини шу кўринишида тақдим этиш мумкин.

Демак, тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари тарихий миллий-маънавий қадрият сифатида таълим жараёнида қўлланилиши мақсадга мувофиқ. Бу омил, ўз навбатида, соҳанинг давлат таълим стандартлари доирасида муайян педагогик талабларга мос келиши керак. Аввало, бу талаб бевосита ўқитувчи шахсига қўйилади.

Тарих ўқитувчиси дастурда берилган ҳар бир мавзунинг мазмуни, моҳияти, ҳар бир тарихий даврнинг ўзига хос хусусиятлари, тарихий воқеа-ҳодисаларнинг сабаб ва оқибатларини мукаммал билиши, ўқувчиларга пухта билим беришда педагогик маҳорат ва қобилиятга эга бўлиши ҳамда бу жараёнда қўшимча материаллар, жумладан, тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш технологияларини билиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи президенти И.А. Каримов Тошкент шаҳрида Амир Темур ҳайкаларининг очилишига бағишлиланган тантанада сўзлаган нутқида «Амир Темур давлати қурилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида Шарқу Ғарб давлатларига ўrnak ва андаза бўлди. Меъморчилик, миниатюра санъати, мусиқа, шеърият бекиёс ривож топди, халқимизнинг кўп анъаналари такомилга етди. Амир Темурнинг маданият ва дин аҳлларига кўрсатган чексиз меҳр-муруввати айниқса ибратлидир»— деб таъкидлайди [65, 52].

Бошқа ўринда «... буюк боболаримизнинг маънавий олами хусусида фикр юритганда, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида алоҳида тўхталишимиз табиийдир. Чунки азму шиҷоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди. Илму-фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди», [65, 56] – деб баҳо беради.

Низомиддин Шомий бир ўринда ўзининг «Зафарнома» асарида: «Амир Соҳибқирон ақли дониши, комил зеҳнили ва тажрибали бўлган ...», [103, 56] – деб Амир Темурга баҳо берган бўлса, бошқа ўринда: «... энг ҳимматли улуғ амир, яъни даргоҳи илоҳийга мансуб бандаларнинг сораси ва меҳрибон Аллоҳнинг (ердаги) сояси, давлат эгаси дину дунё қутби, соҳибқирон Амир Темур қўрагон» [103, 56] – деб таъкидлайди.

Юқорида келтирилган фикрлар Ўзбекистон миниатюра санъатида этalon сифатида эътироф этилган ҳамда Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиевнинг портретида ҳам ўзининг миниатюра инъикосини топғанмазкур асарга қўшимча тарзда Жавлон Умарбеков (Бобур), Тўра Қурёзов (Жалолиддин Мангуберди), Рустам Худойберганов (Амир Темур), шунингдек, Неъмат Кўзибоев, Жавлон Умарбеков каби рассомлар томонидан яратилган Амир Темур образи репродукцияларидан, бошқа мавзуларда Ортиқали Қозоқов (Сароймулхоним) Алишер Алиқулов (тарихий мавзудаги туркум картиналар) асарларидан фойдаланиш, шубҳасиз, ўқувчиларнинг тарихий тафаккурларини ортиради. Бу манбаларга ҳайкалтарошлар Э. Алиев, И. Жабборов, Р. Миртоҷиевларнинг Амир Темур, Бобур, А. Навоий, Ибн Сино, ал-Фарғоний каби тарихий шахсларнинг ҳайкалларини қўйиш тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларининг нақадар бой дидактик имкониятга эгалигидан далолат беради.

Амир Темур саройида етти йил яшаган машҳур тарихчи ибн Арабшоҳ ўзининг «Ажойиб ал-мақдур ат-тарихи Таймур» (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) асарида Амир Темур портретини шундай ифодалайди: «Темур баланд қадли, узун бўйли, тик қоматли, гўё у қадимий паҳлавонлар авлодларидан бўлиб, кенг пешонали,

катта бошлиғоятда кучли ва салоботли, ажойиб бўлалик, ранги оқу қизил юзли, лекин доғсиз, буғдой ранг эмас, қўл оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, пойчалари семиз, қадди-қомати камолига етган, серсоқол, ўнг оёқ-қўли заҳмдор, икки кўзи бамисоли икки шам бўлса-да, шодлиги билинмас, йўғон овозли эди; у ўлимдан қўқмас, ёши саксонга (ҳақиқатда етмишга) етган бўлса-да, изтиробсиз, вазмин, бадани тўла ва пишиқ, худди зич (қалин) тош мисоли қаттиқ эди. У ҳазил, мазах ва ёлғонни ёқтирмас, ўйин-кулгию, кўнгил хушликка майлсиз, гарчи (сўзда) ўзига озор етадиган бирон нарса бўлса ҳамкию, кўнгил хушликка майлсиз, гарчи (сўзда) ўзига озор етадиган бирон нарса бўлса . У ҳазил, мазах ва ёлғонни» [64, 65].

Бошқа ўринда эса: «У (яни Амир Темур) бехато (нишонга урувчи) фикрли, ажойиб фаросатли, мислсиз (даражада) баҳтли, улуғворлиги (ўзига) мувофиқ, қатъий азм билан сўзловчи, бошига кулфат тушганда ҳам ҳақгўй эди», – деб таъкидлайди [64, 65].

Шарафиддин Али Яздий Темур портретини қуидаги назмий ифодалайди:

Ишлат бақувин, мардлик қувватин,
Кўкларга кўтарди шону-шавкатин.
Ўзгага муҳтоjemас унинг таъбири,
Ҳайрли ишлардир йўриғи бори [136, 21].

Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарида Амир Темур ҳаёти, фаолияти ва вафоти тўғрисида қуидаги маълумотларни келтиради: «Қозонсултонхон салтанати замонида подшоҳлик тонги Аллоҳ тақдир этган уфқдан ёриша бошлади ва шаҳоншоҳлик юлдузининг тангри иноятлари авжида порлай бошлади. Етти юз ўттиз олтинчи йил йигирма бешинчи шаъбонда сесанба кечаси (9 апрель, 1336 йил), яни мўғуллар даврий йил (ҳисоб)ининг бошланиши бўлган сичқон йили Кеш (шахри) атрофидаги (бир) дилкаш жойда, пок шаърий қоидага мувофиқ ул дилпарвар нўённингнигоҳида бўлган покиза Такина хотуннинг чодиридан ҳазрат Соҳибқироннинг вужуд офтоби баҳтли чиқиш уфқида кўринди ҳамда унинг оламни ёритгувчи янги ойи саодат буржидан узлуксиз ёғду тарата бошлади»[136, 26].

«... ва ўттиз беш ёшида салтанат тахтига ўтирди ва мақоми аслини пойтахт қилди. Ва ўттиз олти йил юруб, оламни мусаххар қилди. Чигатайхоннинг улусини ва Хулогухоннинг улусини ва ўзга улуг мамлакатларни мусаххар қилди. Нечуккум, шарқ қилиб турбиз. Ва салтанат ва подшоҳлиқни андоқ қилдиким андан артуқ хаёл қилса бўлмас. Ва шундоқ салтанат ҳаргиз киши қилмағон турур. Анинг учунким андин бурун ҳар подшоҳлик оламни забт қилдиб турур, анинг учун ўзгалар бориб иш қилғон турурлар» [136, 27].

«Кеч бўлганда, намошом ва хуфтон орасида товуш калимасини неча қатла айтиб, жонини тобшурди. Бу воқеа чоҳаршанба куни, шаъбон ойининг ўн еттинчисида, тарих саккиз юз еттида (18.02.1405) воқиа бўлди ва ул ҳазратни муборак ёши етмиш бирда эрди, мувафақ адади алиф лом-мим ким Куръоннинг аъзам сураларидан турур. Ва подшоҳлиги ўттиз олти эрди. Ва ҳазратнинг салтанатининг адади билан мувофиқ эрдиким, ул ҳазрат ўғлонлари ва набиралари ўттиз олти эрди» [136, 297]. Аниқ тарихий манбада келтирилган Амир Темур ҳақидаги таъриф Малик Набиевнинг «Амир Темур» картинасига ўхшашлиги билан эътиборлидир. Бу борада ҳам Амир Темур ҳаётлик давридаёқ воқеалар шоҳидлари томонидан ёзилган асарлар тарихий манба сифатида муҳим аҳамиятга моликдир. Улардан бири юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сиdir. Яздий Амир Темур ҳаётини пухта билган, унинг саркардалиги ва давлатчилик қобилияти, диний ва дунёвий фанларга муҳаббати ҳақидаги мустақил тушунчага эга бўлган. Шу сабабли у воқеаларни ҳаққоний яратган ва Амир Темур фаолиятига холисона баҳо беришга ҳаракат қилган.

Айнан шу жиҳатлар «Зафарнома»га ишланган миниатюра асарлари Ўзбекистон тарихи дарсларини, биринчидан, объектив тарзда, иккинчидан, визуал вариантларда ёритиш имконини беради. Бу муҳим визуал дидактик омил воқеликни объектив тарзда тасвиirlанишига кафолат. Зеро, юқорида таъкидлаб ўтган шарҳларда Амир Темур образининг тавсилотлари ўзининг батафсил аксини топган. Шунингдек ушбу асарда Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар, ҳарбий юришлари, давлатни

бошқариш ва ифода этиш усуллари, бошдан кечирган воқеа-ходисалар ҳамда ўша давр ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақидаги маълумотлар кенг баён этилган. «Зафарнома» асарига ишланган миниатюраларда мемуар типидаги манбанингсюжетлари тасвирий образларда талқин этилганлиги боис ўқувчиларда тарихий давр тўғрисида тасаввур пайдо бўлишида бир мунча қулайликлар яратади, шахсий фикрни шакллантиради ҳамда ўқувчидағи билимлар кенг қамровли бўлишига замин яратади.

Ўқувчилар мавзуга оид кўрсатилган миниатюра санъати асарини кузатар экан, уларда билимга бўлган қизиқиши ортади, тарихга оид тасаввурлари кенгаяди, қолаверса, қўшимча манбаларни излаб топиш компетенцияларининг шаклланишига олиб келади.

XIII - XIV аср бошларида Чингизхоннинг Ўрта Осиёга қилган истилоси, халқларимизнинг мўғул босқинчилариға қарши кураши мавзусига бағишлиланган дарсда босқинчи Чингизхоннинг Ўрта Осиёни босиб олиши ва унинг сабаблари, жанг тасвирини тўлиқ очиб беришда қўшимча манбалардан фойдаланиш яхши самара беради. Бу мавзуни ўрганаётганда Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асаридан фойдаланиш, мавзуни ўзлаштиришни янада осонроқ кечишини таъминлайди.

Худди шундай фикрларни Заҳириддин Мұҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари ҳамда унга ишланган миниатюраларга нисбатан ҳам билдириш мумкин. «Бобурнома»нинг 2008-йилги нашрига сўз боши ёзган таниқли бобуршунос олим Ваҳоб Раҳмонов «Бобурнома»нинг котиби Бобурнинг улуғ подшоҳларга хос саккиз шахсий фазилатини қайд этганлигини ёзади [42, 4]. У қудратли подшоҳнинг (яъни Бобурнинг С.Х) яхшиликларини айтган билан ва ёзган билан тугатиш маҳолдир. Лекин қисқаси буни, саккиз асл сифат унинг зотига хос эди: бири бу ким – иқболи баланд эди; иккинчиси – ҳимматли инсон эди; учунчиси – вилоят олмоқ эди; тўртинчиси – вилоят сақламоқ эди; бешинчиси – маъмурлик; олтинчиси – Аллоҳ бандаларига фаровонлик ниятли; еттинчиси – лашкар қўнглини қўлга олмоқ; саккизинчиси – адолат қилмоқ.

Заҳириддин Мұҳаммад Бобур ва унинг мемуар, ўлмас асари халқимизнинг ёрқин ва ишончли тарихининг зарваракларидан

бўлиб, «Бобурнома» асари тўғрисида бир қатор тадқиқотчи ва олимлар фикр билдиришган.

Академик В.В. Бартольд «Бобурнома» – ўзбек прозасининг XVI асрдаги нодир ёдгорлигидир», – деб ёзган бўлса, академик В. Зоҳидов «Бобурнома»нинг 1960 йил нашрига ёзган кириш сўзини бундай якунлаган эди.«Ҳеч шубҳа йўқки, биз Бобур ва бошқа тарихий буюк шахсларнинг бой ва кўп қиррали меросидан давримизнинг муҳим вазифаларини бажаришда бизга ёрдам берадиган ҳамма яхши нарсаларни олишимиз ва фойдаланишимиз лозим, буни қилмоқдамиз ҳам», – дебёзади [42, 11]. Шу билан бирга «Бобурнома» араб алифбосида, яъни эски ўзбек тилида ёзилгани, асарда тахминан 36 йиллик воқеалар қаламга олинганлиги, асарда 1494-1524 йилгача бўлган воқеалар тасвирланганлиги, воқеалар силсиласи Бобур вафотидан 16 ой олдин (1529йил августда) узилганлиги, бундан ташқари, турли йиллардаги воқеалар узилишлари 16-17 йилни ташкил этиши ва шундай қилиб ҳозирги «Бобурнома» 20 йилга етар-етмас воқеалар баёнидан иборат эканлигини айтади.

«Бобурнома» асарига оид маҳсус асар ёзган Ансориддин Иброҳимовнинг «Бобурнома» буюк асар рисоласи «Бобурнома» тўғрисидаги асарлар орасида ўз илмийлиги билан ажралиб туради. [65, 80] Ушбу рисолада муаллиф «Бобурнома»ни Франция, Германия, Англия, Америка, Россия, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Япония ва Ўзбекистонда ўрганилиши ва унинг қўлёзма нашрлари, таржималари ва танқидий матнлари ҳақида илмий фикрларни баён этган. Сайдбек Ҳасановнинг «Бобурнома»ни 2002 йилги нашрига ёзган сўз бошисида «Бобурнома»да [44, 3-16] 1605 нафар киши, 1151 жой, 277 қавми-қабила, насаб, 414 ҳайвон ва ўсимликлар, 40 та китоб рисола, 18 та мақол ва ҳикмат, 94 та шеърий ҳикмат берилганлигини қайд этиб ўтган.

Шунингдек, Шоҳ асар «Бобурнома»да илмий маълумотларнинг бехад кўплиги ва улар ҳозирги тармоқлашган фанларнинг элликка яқин соҳаларига мансублигини инобатга олсак, «Вақое-Бобурнома»ни қомусий энциклопедик асар дейиш мумкин. Чунончи:

1. «Бобурнома» – тарихий асар...
2. «Бобурнома»—адабиётшунослик асари...
3. «Бобурнома»—тилшунослик асари...
4. «Бобурнома»— санъатшунослик асари...
5. «Бобурнома»— набототга оид асар...
6. «Бобурнома»— ҳайвонот олами ҳақидаги қимматли маълумотлар манбаидир, деб баҳолайди.

«Бобурнома»да юқорида келтириб ўтилган йўналишларни қамраб олган мураккаб композицион ечим ҳамда тарихий илмий манба сифатида эътироф этиладиган миниатюра асарларининг тарих дарсларидағи тадбиқи ҳам ўқувчиларга комплекс таъсир этиш имкониятларини оширади.

Камолиддин Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тўғрисида «Бобурнома»да берилган маълумотлар аҳамиятлидир. Бир ўринда «Бобурнома»да: «Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирида бекнинг сайи ва эҳтимоми била шундок машхур ва маъруф бўлдилар»— дейилса, бошқа ўринда: Мусаввирлардин Беҳзод эди, Мусаввирлик ишини бисёр нозук қилди. Вале соқолсиз элнинг чехрасини ёмон очадир. Ғарғабини кўп улуғ тортадир. Соқоллик кишини яхши чехрали, кушойлик қиласур[44, 154].

Яна Шоҳ Музаффар эди, тасвири кўп нозук қилур эди, таъширни худгузаро нозик қилур эди [44, 164].

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, «Бобурнома» нафақат тарихий воқеликлар, балки шу воқеликларни юксак маҳорат билан тасвирлаган мусаввирлар ҳақида ҳам муҳим маълумотлар беради. Қолаверса, бундай таъриф улар яратган миниатюраларнинг ҳаққонийлиги билан ҳам изоҳланади. Шуларга асосан эътироф этиш ўринлики, миниатюра санъати асарлари замонавий шароитдаги тарих таълими учун мукаммал ўқув-иллюстратив материал вазифасини ўтайди. Демак, «Бобурнома» асарига ишланган миниатюралар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Агар 1960-йилги «Бобурнома» асарига 4 та миниатюра, 2000-йилги нашрида 8 та миниатюра илова қилинган бўлса, 2008-йилги «Бобурнома» асари нашрига ишланган миниатюралар рангли китоби алоҳида жилд шаклида чоп этилди. Унда 100 дан ортиқ миниатюралар берилган.

Натижада Ўзбекистон тарихи дарсларида тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш имконияти сезиларли даражада ортади.

Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарига ишланган миниатюра асарларида сюжетли тасвирлар, воқеа-ҳодисани акс эттирувчи чизгилар дарснинг тарихий ҳужжат тарзда ўтишига асос бўлади.

«Зафарнома» асарига ишланган «Соҳибқироннинг юриши», «Темур Малик», «Жалоллиддин Мангуберди»[136, 21] каби қаҳрамонлар сиймосини ифодаловчи миниатюра санъати асарлари ижодкор педагогнинг иш усулини бойитади ва дарсдан кўзланган мақсадларга эришишни таъминлайди.

«Зафарнома» асарига ишланган миниатюраларнинг машҳурлари Камолиддин Беҳзод қаламига мансубдир. Манбаларда Камолиддин Беҳзод асарлари рўйхатида шу асарга ишланган миниатюралар дастлаб санаб ўтилади. Маълумки, бу қўлёзма 1467-йилда машҳур хаттот Шер Али томонидан кўчирилган. Камолиддин Беҳзод ўша қўлёзма китобни кейинроқ гўзал миниатюралар билан безаган. Ғарб ва Шарқ тарихчи ва санъатшуносларнинг фикрича, бу китоб ўзининг илмий тарихий ҳамда бадиий безаклари жиҳатидан шарқшунослик, тарих ва санъатшунослик фанлари учун анча эътиборлидир. Мазкур қўлёзма асарнинг «такдири» қизиқ, Ҳиротда бўлган Ҳусайн Мирзо келганида инқирозга учраган, уни Ҳиндистон саройига олиб кетишади. Сўнгра бу китоб бир неча йил, подшоҳ Акбар саройидаги улкан китобхонанинг энг нодир асарларидан бири бўлиб, унга алоҳида зебу-зийнат беришган. 1746-йилда Эрон подшоҳи Нодиршоҳ қимматбаҳо ўлжа сифатида ўзи билан бирга Ҳиндистондан Эронга олиб келади. XIX асрда эса «Зафарнома»ни европалик санъатшунос доктор Шулву ўзи билан бирга Европага олиб кетади. Мазкур қўлёзма асар ҳозир Балтимор шаҳридаги Уолтер санъат галлериясидаги коллекцияда сақланмоқда. «Зафарнома»га Камолиддин Беҳзод томонидан ишланган миниатюраларни 1930-йилда инглиз санъатшунос олими Томос Арнольд Лондонда илмий шарҳлар билан нашр этган, деб таъкидлайдилар.

Тарих дарсларида асосий мавзудан четланмаган ҳолда юқорида келтирилган маълумотлар ўқувчиларга икки йўналишда ижобий таъсир этади. Биринчидан, юқоридаги маълумотлар тарихий мавзудаги миниатюра асарларини накадар юқори даражадаги нуфузга эга эканлигидан далолат беради. Иккинчидан, мазкур миниатюралар реал тарихий воқеаликнинг тасвирий эквиваленти сифатида ўқувчиларнинг тарихий билимларини мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Машхур санъатшунос олима Г. Пугаченкова ўзининг «Среднеазиатские миниатюры» асарида «Зафарнома»га ишланган бошқа бир муаллифнинг миниатюралари ҳақида маълумот беради. Олиманинг таъкидлашича, «1628 йил Самарқандда «Зафарнома» асарига Муҳаммад Мурод Самарқандий томонидан ишланган миниатюралар ҳажми жихатидан аҳамиятли бўлиб, уларнинг ҳар бири бир варақни эгаллайди ва бажарилиш жихатидан жуда таъсирлидир. Рассомнинг услубини «борокка» услуби дейиш мумкин. Бу миниатюралар асосида «Амир Темурнинг Тўхтамишга қарши юришига бағишлиланган миниатюрада жанг тасвири, мураккаб ракурслар, фигуralарнинг кесими, манзара тасвири, ўтлоқзор ва қирликдаги дарахтлар, уларнинг шох ва барглари, осмондаги булут жуда яхши ифодалаб берилган» [109, 17-18, 34-35].

Миниатюраларда акс эттирилган бу тафсилотли тасвиirlар ўқувчиларнинг тарих ҳақидаги тасавурлари, билимларини мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Юқорида келтирилган тафсилотлардан хulosа қилиш мумкинки, таъриф, талқин, тасвир қанчалик мукаммал бўлмасин, улардан фойдаланишда муайян педагогик талабларга амал қилиш лозим. Жумладан, тарих фани ўқитувчиси қуйидаги методик ёндашувларга асосланиши зарур.

Тарих дарсларида миниатюра санъати асарларидан фойдаланишда ўқитувчи ҳам маълум тартибларга амал қилиши лозим:

- дастур ва ўқув қўлланма бўйича ўрганиш кўзда тутилган тарихий воқеаларни жонли тарзда баён этиш;

- тарихий арбоблар, халқ оммаси вакилларининг образлари, улар тутган ўрни ва ролини кўрсатиш;

- тарихий воқеалар ривожланишида реал манзарани гавдалантиришга ёрдам берадиган парчаларни, асарларни танлаб олиш;

- мавзуга оид қўшимча деталлар ва маълумотлар бериш ва бошқалар.

Тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланиб, дарснинг «дидактик қурилиши»ни қуидагича ташкил этиш мақсадга мувофиқ:

- ўқитувчи ушбу асарнинг тасвирига оид маълумотни асосли, таъсирчан тарзда баён қилганидагина ўқувчилар онгida тарихий воқеа тасаввур сифатида ҳосил бўлади. Ўқитувчи бунга маълум вақтажратиши лозим;

- мавзуда ўрганилиши назарда тутилган тарихий даврга оид воқеа содир бўлган жой ва вақтни тўғри белгилаш ва унга мос иллюстратив материал – миниатюра намунасини танлаш;

- тасвир тўғрисида иккинчи даражали маълумотларни берар экан, асосий фикрга устувор тарзда аҳамият бериш;

- яхлит тарихий воқеаларни индуктив ва дедуктив методлардан фойдаланган ҳолда тушунтириш, яъни дарснинг якунида умумлаштириб хулоса чиқариш ва бунга далиллар келтириш.

Тарих дарсларида миниатюра санъати намуналаридан фойдаланишининг ўзига хос педагогик асослари мавжуд бўлиб, тарих ўқитувчиси уларга қатъий амал қилиши талаб этилади. Бу, биринчи навбатда, методик кетма-кетликда ўз аксини топади.

1. Мавзуга ёки синфда ўтиладиган дарсларга тегишли тарихий асарлар рўйхатини тузиш ва улар орасидан манбага ишланган миниатюра асарларини алоҳида ажратиб олиш.

2. Иложи борича «Зафарнома», «Темурнома», «Бобурнома», «Шоҳнома» каби манбалардан энг йирик асарларни танлаб олиш.

3. Юқоридаги асарларга кимлар миниатюра чизганлигини ва уларнинг энг аҳамиятлиларини тавсия этиш.

4. Ўқувчиларга миниатюра санъати ва унинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунча бериш.

5. Буюк ватандош миниатюрачи рассом Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музахҳиб, Чингиз Аҳмаровлар ижоди ва фаолиятлари тўғрисида алоҳида ахборот бериб бориш.

6. Ўзбекистон музейларида сақланаётган тарихий асарлар ва миниатюралар ҳақида маълумот бериш.

7. Ўзбекистонда яратилган машҳур миниатюра альбомлари, тўпламлар, атласлар ҳақида тушунча бериш.

Ўзбекистон тарихи дарслари учун танлаб олинадиган миниатюра асарлари дидактика талабларга ҳам мувофиқ келиши лозим, яъни улар қўйидаги параметрларга эга бўлиши лозим.

- илмий билимларнинг етакчи роли;
- умуминсоний қадриятларни билиб олиш;
- тарбияланувчи шахснинг илмий дунёқарашини шакллантириш;
- тарихнинг жамият қурилиши тажрибаси билан боғлиқлиги;
- таълимнинг бир мақсадга қаратилганлиги;
- таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларига мувофиқлиги;

- дидактик принципларига амал қилиниши ва ҳ.к.

«Ўзбекистон тарихи» дарсларида фойдаланиладиган миниатюра санъати асарларига нисбатан қўйиладиган дидактик талабларга кўра тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларини танлашда ва улардан фойдаланишда қўйидагиларга эътибор бериш лозим:

- ўқувчиларнинг ёши, билими ва малакаси ўсиб борган сари предмет ва тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларига нисбатан қизиқишининг ортиб бориш динамикаси;

- ҳар бир дарс учун танланган тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларининг илмийлиги, тарихий воқеаликка мувофиқлиги жиҳатдан талабга жавоб бериши;

- муайян синф ўқувчиларининг тарихий билим даражаси, қизиқиши ва эҳтиёжларига мос бўлиши;

- тарихий материал (ўқув матни) билан тарихий мавзудаги иллюстратив материалларнинг оптималь нисбатининг таъминланиши ва б.

Юқоридагилар инобатга олинмаган ҳолда ўқувчининг дикқат-эътибори асосий объект – тарихий мавзуни ўзлаштиришдан чалғишига олиб келиши мумкин.

Айни пайтда дидактик имконият ҳамда «таълимий юк» нұқтаи назаридан тарих дарсларида фойдаланиладиган тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари устида мустақил ишлай олишлари учун ўқувчилар:

- миниатюра санъати асарини түғри таҳлил қилишлари ва тушунишлари;

- ундан тарихий билим ола билишлари;

- сўзлаганда тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланиб, ҳикоя қила олишлари;

- тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларини тарихий далил сифатида англай олиши учун тушунарли мазмундаги визуал материал бўлмоғи керак.

Ўқитувчи тарих дарсларида тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланишда кундалик дарсга тааллуқли материаллар билан бир қаторда аввал ўтилган тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари материалларини тизимли тарзда такрорлаб борсагина тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш жараёни самарали кечади.

Тарих дарсларида тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларини тушунтиришда ўқитувчи раҳбарлигига жамоа бўлиб ишлашни ташкил этиш самарали йўллардан биридир. Дарсда миниатюра санъати асарларини кўргазма сифатида қўллаш ўқувчилар нутқи ва мантиқий фикрлашини ривожлантиришда мухим роль ўйнайди. Кўргазмали қуроллар ёрдамида мавзуни ўқувчилар онгига яхши сингдириш учун танланган тасвирлар синфнинг исталган бурчагидан яхши кўриниши ва ёрқин рангли бўлиши лозим.

Тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари билан ишлаш жараёни кузатиш ва таҳлил қилишдан иборат бўлади. Ўқитувчи ундан кўргазмали қурол сифатида фойдаланар экан, ўқувчини фақат умумий кўринишга эмас, асадаги тарихий таҳлил учун зарур бўлган деталларга ҳам эътиборини қаратиши керак. Бу ўқувчиларнинг

тариҳ қонуниятларини англашига олиб келади, уларнинг олган билимларини мустаҳкамлаш ва тўлдиришга ёрдам беради.

Тариҳий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланишда ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳам инобатга олиши лозим. Тариҳий мавзудаги миниатюра санъати асарларини тушунтириш вақтида ўқувчиларнинг барчаси мавзуни муҳокама қилишда иштирок этишини назорат қилиш зарур, шунинг учун иложи борича ўрганилаётган миниатюра санъати асарини дикқат билан кузатишга ҳаракат қилиш керак. Шундагина ўқувчи мавзудан узоқлашмасдан берилган топшириқقا дарс давомида эътиборини жалб қиласди. Кўргазмали қуроллар ўқитувчининг сўзда бажариши қийин бўлган ишини амалга оширади. Шу маънода тариҳ дарсларида ўқувчиларнинг суратга қараб жавоб беришларини қўллаш жуда фойдалидир.

13-14 яшар ўқувчига тариҳ курсидан маълум бўлган атама, одатда, онгида аниқ тариҳий образ – тасаввурни вужудга келтиради. Ҳатто, ҳайкалторошлиқ, миниатюра, ва ҳ.к. тушунчаларни ифодалаган пайтда кўпинча ўқувчининг онгида дарсликдан ёки тариҳий мазмундаги суратдан ўзлаштириб олган типик образ пайдо бўлади. Инсон онги мавжуд бўлган тасаввурларни айрим элементларга бўлиб чиқиш ва кўз олдига келтириш йўли билан янги комбинациялар ҳосил қилиб, аввал номаълум бўлган образларни яратиш қобилиятига эгадир. Ўқувчилар онгида мавжуд бўлган айрим тасаввурлардан қадимги замон ва ўрта асрлардаги ҳаётнинг яхлит манзараларини «чизиб чиқадилар».

7-8- синф ўқувчиларининг узоқ ўтмишдаги ҳодисалар тўғрисида аниқ тасаввурлари кам бўлганидан, кўпинча, етишмайдиган тариҳий тасаввурларни ҳозирги ҳаётдан олинган образлар билан тўлдириб борадилар. Шу сабабдан ўқувчилар онгида тариҳий воқеликни замонавийлаштириш ҳоллари юз беради; қадимий меҳнат ва ҳарбий қуроллар, ҳозирги кундаги кийим-бош ва шу кабиларни қадимги замонга кўчиришда ифодаланадиган бундай замонавийлаштириш ҳоллари методик адабиётда қайта-қайта кўрсатиб ўтилган. Бунда сўзлардан ташқари, шартли белгилар ҳам жуда муҳим ҳисобланади.

Тарих фанидаги шартли белгилар орасида тарихий ва табиий-географик хариталарга ёзилган изоҳлар айниқса катта аҳамиятга эгадир.

Харита объектив суратда мавжуд бўлиб турган (ёки илгари мавжуд бўлган) воқелик, географик мұхит, халқлар яшаган жойлар, савдо йўлларини, географик кашфиётлар, айрим тарихий воқеалар, жараёнларни шартли белгилар билан акс эттиради. Лекин шуниси мұхимки, ўқувчилар картадан шартли белгилар орқали воқеликни – денгизлар, дарёлар, қирғоқлар тузилишини, шаҳарлар, каналлар, ҳарбий юришлар майдонини, давлат чегаралари ва ҳоказоларни тасаввур қила олсаларгина дарс самарали ўтишига ёрдам беради. Харита устида иш олиб бориш жараёнида изоҳнинг шартли белгилари орқали тарихий воқеликни тасаввур қила олишга ўқувчиларни ўргатиш билан бирга, бунга тегишли тарихий ҳодисаларни акс эттирувчи сурат, фотосурат ҳамда миниатюра санъати асарлари ва манбалардан ўқиши ёки тинглаш билан уйғунлаштириб олиб бориш зарур.

Оғзаки ва ёзма шаклда ҳикоя қилиш ва тасвирлаб беришда миниатюра мисолидаги материаллар ва шартли белгилардан фойдаланган ҳолда узвий суратда уйғунлаштириб бориш натижасида ўқувчиларда қадимги замон ва ўрта асрларга доир образлар галерейсини яратиш ва ўша даврлардаги тарихий жараённи тасаввурлар тизимида акс эттириш учун материаллар тўпланади.

Билимни мустаҳкамлаш учун дарсда бир неча асардан фойдаланиш мумкин. Миниатюра санъати асарларидан керагидан ортиқ фойдаланиш ўқувчиларда дарсни қабул қилиш даражасини пасайтириши мумкин. Турли хил кўринишдаги, бир-бирига маъно жиҳатидан мос келмаган тасвирлар эса янги мавзууни ўрганишни қийинлаштиради ва ўқувчи онгига чалкашликлар келтириб чиқаради.

Таъкидлаб ўтилганлардан аён бўладики, «Ўзбекистон тарихи» дарсларида қўлланиши мумкин бўлган миниатюра санъати асарларига оид маълумотлар кўп. Бироқ, улардан мақсадга мувофиқ тарзда оқилона фойдаланиш лозим. Зеро, дарс ўлчангандан маълум муддат – 40-45 дақиқани ташкил этади. Шу даврда маълум тарихий

мавзуларда дарс ўтиш жараёнида санъат асарларидан фойдаланишни бир тизимга, тартибга келтириш ёки педагогик технологиялардан фойдаланиш лозим бўлади. «Илм фанда, таълим-тарбияда тизимлар назариясини татбиқ этиш зарур, зеро уни ўз маънавиятининг таркибий қисмга айлантира олган киши ҳар қандай муаммоларни тез ва осон тушуниб олади, саклайди, уларни татбиқ этишда янглишмайди» [98, 27].

Худди шу муаллиф «педагик технологиянинг муҳим биринчи хусусияти унинг тизимлар назарияси қонуниятларидан келиб чиққанлигига эканлигини таъкидлайди». Яъни, шу асарда: «Ўқув жараёнининг технологияси алоҳида олинган битта дарсга, битта мавзуга ёки ўқув жараёнининг бир қисмига ва бутун ўқув предметига тузиб чиқилиши» тавсия этилади [98, 28].

Педагик технологияни яратишнинг бир неча тамойиллари мавжуд:

- муайян дарс, мавзу, ўқув предметида кўзланган мақсадни шакллантириб олиш;
- умумий мақсаддан келиб чиқиб, дарсни ёки ўқув предметини модулларга ажратиб, ҳар бир модулдан кутилаётган мақсадни ва модуллар ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар тизимини аниқлаб олиш;
- модуль ичida ечиладиган масалаларнинг ҳар бири бўйича тест саволларини тузиб чиқиш;
- мақсадлар аниқ бўлиб, тест ва саволлар тузилганидан кейин мақсадларга эришиш усуллари сақланиб, уларни ишлатадиган аниқ жойларини белгилаб олиш;
- тизимли ёндашув тамойилига биноан дарс қисмлари орасидаги зарурий боғлиқликларга ва фанлараро алоҳида эътибор қаратиш» [98, 28].

Эътиборли жиҳати шундаки, юқоридаги компонентларнинг ҳар бири учун миниатюра санъати намуналари ўқув элементи бўлиши мумкин. Объектив суратда мавжуд бўлган олам, табиат ва инсоният жамияти буюмлар, одамлар, ҳодисалар, ранглар ва шаклларнинг бутун конкрет хилма-хиллиги образларда акс этади. Шунга кўра билиш фаолияти жонли, эмоционал жиҳатдан таъсирли нарсалар

ўқувчиларни реал воқеликни ҳамма вақт ҳис қилиб боришига имкон беради.

Бу борада санъат асарларини бадиий таҳлил қила олиш жараёни тўғрисида тасаввурга эга бўлиш ва уни ўқувчиларга тушунтириш ҳам муҳим таълимий аҳамиятга эга. Бунда композиция сюжети, тузилиши, ранги, тасвирий-ифодавий воситалари муҳим ўрин тутади. Композиция – жойлаштириш, ижод қилиш натижасида санъатнинг алоҳида қисмларини мантиқан бир бутунликка келтиришни англатади [112, 29-30].

Тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари орқали ўқувчилар тарих дарсида ўтилган мавзуни қандай ўзлаштирганлигини аниқлаш учун санъат асарларини таҳлил қилиш, асарда қандай тарихий воқелик тасвирланганлигини шарҳлашни вазифа сифатида бериб, натижани баҳолаш орқали ўқувчининг ўқув материалини ўзлаштириш даражасини аниқлаш мумкин. Бу ҳолатда қўйиладиган вазифа ўқувчи мавзуни тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари ғояси асосида очишдан иборат бўлади. Шу тариқа ўқувчиларда тарихий воқелик билан миниатюра мазмуни ўртасидаги алоқадорликни англаш малакаси ҳосил бўлиб, бир вақтнинг ўзида бир неча ўқувчини ҳам баҳолаш имконияти вужудга келади.

Шу ўринда К.Д. Ушинскийнинг куйидаги сўзлари аҳамиятга моликдир. «Гапиртириш қийин бўлган синфлар (бундай синфлар бизда жуда кўп) сурат ёрдами билан жуда тез сухбатга киришиб кетадилар, муҳими шуки, эркин равишда ҳеч бир кишининг мажбурловисиз ҳам гапириб кетадилар» [132, 78].

Ҳар бир дарснинг мақсади, аввало, ўқувчиларда тарихий ходисалар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш ва уларни мустақил равишида таҳлил қилиш натижасида хulosалар ясаш, ўқувчиларда шахсий фикрни уйғотишидир. Ҳар бир ўқувчини баҳолашда дарс мавзусининг қай даражада исботланганлиги, далилларга таянганлиги, тарихий мавзудаги манбаларга асосланганлиги бош мезон бўлмоғи лозим.

Машхур педагог В.А. Сухомлинский турли соҳалар ва тарбия шакллари ўртасидаги узвий ўзаро алоқа ҳамда ўзаро боғлиқликни

таъкидлаб, мазкур жараёндаги энг муҳим нарса педагогик таъсирларни уйғунлаштириш муаммоси деб ҳисоблайди [124, 129].

Тарбиянинг энг муҳим қонуниятларидан бирини ифода этувчи бу муаммонинг моҳияти, – деган эди у, – қуидагилардир: шахсга таъсир этувчи ҳар бир воситанинг педагогик самараси бошқа таъсир воситаларининг қанчалик ўйланганлиги, мақсадга йўналганлиги, самаралилигига боғлиқдир. Шахсга қўрсатиладиган исталган таъсир, агар юзлаб бошқа таъсирлар бўлмаса, ўз кучини йўқотади.

Шу маънода Ўзбекистон тарихини ўқитишда тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш таълимий аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, тарбиявий аҳамиятга ҳам эгаки, бу, айниқса, эстетик тарбия воситаси бўлиб хизмат қиласи, яъни тарих дарсларида миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш таълим ва тарбияни комплекс тарзда олиб бориш имконини беради.

Ўзбекистонда эстетик тарбия муаммосининг таникли татқиқотчиларидан бири профессор С. Файзулина ўқувчилар ўртасида олиб бориладиган эстетик тарбиянинг муваффақияти қуидаги омилларга боғлиқлигини таъкидлайди:

1. Ўқувчилар санъатни чуққурроқ тушунишга, ўрганишга, ҳис қилишга интилишлари учун ўзига хос тарғибот-ташвиқот ишларини ўтказиш.

2. Эстетик тарбияга оид истиқболли режанинг мавжудлиги.

3. Эстетик тарбияда мусиқа, тавсирий санъат, адабиёт ва шу каби воситалардан фойдаланиш.

4. Ўқувчиларнинг ҳаваскорлигига, уларнинг санъатга оид сұхбатларини тайёрлаш ва ўтказишда фаол иштирок этишларига чақириш [129, 37]. Масалан, тарихий шахс ёки воқеликка бағишенган тематик кечада миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш орқали, биринчидан, тадбирни юқори савияда ўтказиш таъминланса, иккинчидан, қўшимча манбалар (бизнинг мисолимизда тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари) воситасида илмий, маънавий ҳамда бадиий-эстетик тарбия жараёни кечади.

5. Ўқувчиларда санъатга қизиқиши сингдириш мақсадида қўрсатиладиган кундалик ва кўп қиррали фаолият.

Тарих дарсларида миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг яна бир муҳим жиҳати мавжуд. Бу омил эстетик тарбия хусусиятлари билан бир қатор муштаракликларда ўз аксини топади. Бу борада педагог олима С. Файзулина ўз тадқиқотида эстетик таълим ва тарбия беришнинг қўйидаги тамойилларини қайд этиб кўрсатадики, улар миниатюра санъати асарларидан тарих дарсларида қўлланилганлиги боис бизнинг тадқиқотимиз нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятлидир.

1. Ғоявий эстетик йўналганлик.
 2. Илмий ва назарий билимларнинг амалиёт билан алоқаси.
 3. Онглилик ва эмоционалликнинг ўзаро таъсири.
 4. Эстетик таълим ва тарбиянинг бирлиги.
 5. Эстетик тарбия ва эстетик фаолиятнинг кўпқирралиги.
 6. Ўқувчиларнинг таълим-тарбия жараёнидаги фаоллиги ва мустақиллиги.
 7. Тизимлилик, изчиллик, ворислилик.
 8. Жамоавий меҳнат шароитида шахснинг ёши ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш.
 9. Эстетик тарбиянинг касбий йўналганлиги.
 10. Эстетик тарбиянинг оммавийлиги, умумийлиги [129, 59].
- Бу жиҳатлар тарих таълимини ҳам қизиқарли бўлишига салмоқли ҳисса қўшиши мумкин.
- Демак, тарих дарсларида ёки умуман дарсларда миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш жараёнига ҳам бир неча педагогик талаблар қўйилади:
1. Дарсда фойдаланилаётган ёки қўлланилаётган миниатюра санъати асари Ўзбекистон умумтаълим мактабларининг концепцияси ва ДТСга, ўқув дастурлари талабларига мос келиши.
 2. Асадаги тарихий воқеа тасвирининг реаллиги ва объективлиги.
 3. Миниатюра санъати асарининг мазмуни ўқувчилар ёши ва онгига мослиги.
 4. Асарнинг намойиш этиш учун қулай параметр ўлчамларда бўлиши, яъни 10x10 см дан кам 100x100 см дан кўп бўлмаслиги.

5. Асарни синф хонасида жойлаштиришнинг қулайлиги: (уни осишга, ёпиширишга, қўйиб қўйишга, кўрсатишга қулайлиги).

6. Асарнинг полиграфик параметрларининг сифатлилиги (рангларнинг ёрқинлиги, тозалиги ва б.)

7. Асарни янги дарсда олинган билимларни мустаҳкамлашга ва бойитишга хизмат қилиши.

8. Асар тўғрисидаги маълумотнинг илмийлиги, рақам ва далилларга асосланганлиги, тушунарлиги.

9. Миниатюра ва амалий санъат асарлари мазмуни ва композицион ечимдаги деталлар (қурол-аслаҳа, безаклар, кийимбош ва б.) тарихий ҳақиқатни миниатюраларда ифодаланган эквиваленти эканлиги.

10. Миниатюра санъати асарлари намуналарини бошқа манбалар билан алоқадорлигини, жумладан, тарихий билимлар, замондошлар хотиралари, мемуар асарлар, солномалар ва б.

11. Синф кесимида ўқувчиларнинг муайян ҳолатларда алоҳида индивидуал-психологик хусусиятларига мослиги.

12. Аниқ бир мавзу учун танлаб олинган миниатюра санъати асарини айнан шу мавзунинг мазмуни, таълимий ва тарбиявий мақсад ва вазифаларига мослиги. Бу омил тарих дарслари учун муҳим омил саналади ҳамда миниатюра санъати асарларига қўйиладиган умумий педагогик талаблар билан бир қаторда хусусий характердаги талаблар мавжудлигини англаради.

13. Асар композицион қурилиши, сюжетига кўра таҳлил учун қулайлиги. Одатда миниатюра санъати бўйича ўқувчиларнинг саводхонлик компетенциялари тизимида ўқувчиларнинг миниатюра санъати асарининг мазмуни, композицияси, рангшунослик ечимлари каби параметрлари таҳлил этилади. Бу параметрларни тарих таълими мақсади ва вазифаларига монанд тарзда таҳлил қилиш орқали ўқувчилар тарихий воқеликни миниатюра мисолида тасвирланишининг моҳиятини очиб беради.

Тарих дарсларини тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланиб ташкил этиш ўқувчилар фаолиятини янада қизиқарли қилиш билан бирга, уларнинг билиш фаолиятларини, жумладан материал, далил, сана, номлар ва бошқаларни ўрганиш

самарадорлигини оширади. Улар ёрдамида тарихий маълумотни эслаб қолиш, қайтариш, мустаҳкамлаш каби таълимий жараёнлар осон, онгли, фаол тарзда кечади. Бу каби дарс ўтиш ўқувчиларда бошқа тарихий мавзулар ва фанларни ўзлаштиришга ёрдам берувчи тарихий мантиқни шакллантиради.

2. 2. Ўзбекистон тарихини ўқитишда тарихий миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг мазмуни, методикаси ва дидактик имкониятлари

Умумтаълимнинг барча соҳаларида қўшимча манбалардан фойдаланиш муҳим дидактик восита сифатида алоҳида эътиборга молик. Ўзбекистон тарихини ўқитишда бу омил, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари ўқувчилар учун реал тарихий воқеа ёки ҳодисани теран англашда ишончли манбадир. Бу, ўз навбатида, ўқув жараёнини муайян дидактик имкониятларни яратувчи педагогик талаблар асосида ташкил этишни тақозо этади.

Агар ўқитувчи шу педагогик талабни эътиборга олмас экан, ўзи ва ўқувчи ўртасида кўз илғамас «психологик тўсиқ» пайдо бўлади. Натижада ўқув-тарбия жараёнига салбий таъсир қиласди. Бунинг учун ўқитувчи психология ва педагогика фанлари ютуқларидан, тарих фанини ўқитишининг методологик асослари, янги методлари, жумладан тарих таълимини бойитиш, унинг дидактик имкониятларини кенгайтириш борасида изланишлар олиб бориши лозим. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда таълим жараёнига таълимнинг интерфаол методлари татбиқ этилмоқда. Демак, таълим жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш – ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро алоқа, муносабатларни янада кучайтириш, фаоллаштиришни англатади. Шу маънода Ўзбекистон тарихи дарсларида миниатюра санъати асарлари, хусусан, «Зафарнома» ва «Бобурнома» асарларига ишланган миниатюралардан фойдаланиш, биринчидан, таълим жараёнини фаоллаштиради. Зоро, айнан миниатюра санъати асарлари ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги алоқани фаоллаштиради. Иккинчидан, тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари тарих дарсларини самарали ташкил

етиш имкониятини дидактик жиҳатдан бойитади. Шу ўринда ўқитувчиларнинг тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан самарали фойдаланишлари учун тарих дарслари жараёнида ўқувчилар билан ишлаш йўллари, уларнинг мазмуни ва амалга ошириш шакллари қандай бўлиши керак, деган ҳақли савол туғилиши табиийdir.

Тарих фани ўқитувчиси фаолиятидаги муҳим жиҳатларидан бири – ўқитувчининг ўқувчиларга яқинлиги, яъни унинг педагогик тактикані тўғри ташкил қила олишидир. Зоро, барча педагогик натижалар каби тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларини ўргатишда ҳам ўқитувчи ўқувчининг энг яхши ва меҳрибон устози ҳисобланади. Шу ёндашув миниатюра санъати асарларини тарихий манба сифатидаги татбиқи жараёнида ҳам сақланиши лозим.

Ўқувчиларнинг тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларини ўрганишнинг масъулиятли босқичи – ўқитувчининг янги ўқув материалини баён қилишнинг мос йўлларини излашидир. Янги дарс самара бериши, дарсда ўқитувчи кўзлаган мақсадига эришиши учун бу жараён ўз ичига қуидагиларни олиши керак:

- мавзуга оид мисоллар келтириш;
- методик тизим компонентларини, энг аввало, дарсда баён қилинадиган тарихий тушунчалар (фоялар, қонуниятлар, воқеалар, фактлар ва ҳ.к.)ни таҳлил қилиш, уларни асосий ва иккинчи даражали қисмларга ажратиш керак. Шунинг учун ҳам бу жараён дидактиканда дарслик матнининг тушунчалар жиҳатидан таҳлили деб юритилади. Бунда ўқитувчи дарсда таҳлил қилиши, уларни асосий ва иккинчи даражали қисмларга ажратishi керак. Шунинг учун ҳам бу жараён дидактиканда дарслик матнида келтирилган тушунчаларнинг алоқадорлигини аниқлаб, ўзаро боғланиш ўрнатади, ўқувчиларга бериладиган йўналтирувчи саволлар тизимини тузиб чиқади;

- тарих дарсида ўрганилиши зарур бўлган далиллар, тушунчалар маълум мантиқий кетма-кетликда ва изчилликда баён қилинади. Шунинг учун ўқитувчи, биринчи навбатда, нимани аввал, нимани кейин баён қилиш йўлларини белгилаб олади. Шу ўринда, тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларини дарс (ўқув материали

баёни)нинг қайси қисми (босқичи)да қандай шаклда тақдим этилишининг дидактик ҳолатини олдиндан режалаштириш лозим. Шунингдек, ўкув тизимида ҳам миниатюра санъати асарларининг ўрни аниқ белгиланган бўлиши талаб этилади. Бу матнни мантиқий тадрижий жиҳатдан таҳлил қилиш услуби миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг дидактик имкониятлари, тизимида ўқувчиларнинг тайёргарлик даражалари, имкониятлари, ёш хусусиятлари қатъий тарзда эътиборга олиниши ҳам миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг дидактик имкониятларини оширади.

Дарсда муаммоли вазият яратишфандараро алоқани амалга ошириш йўлларини, уйга бериладиган вазифанинг ҳажми ва характеристини белгилаб беради. Бу тадбирда ҳам ўқувчиларда мустақил тарзда мавзуга монанд миниатюра санъати асарини топиш ҳамда мазкур асарни ўрганилаётган мавзу билан тарихий мантиқий боғлиқлиги ҳақида мустақил мушоҳада юритишга ҳаракатидан тарихий мантиқий боғлиқлиги ҳақида мустақил мушоҳада юритишга ва характеристини белгилаб беради ва миниатюра санъати асарларини топишда ўзига хос изланишни амалга оширади, яъни тарихий факт ҳақида мушоҳада юритади. Иккинчидан, ўқувчи топган манба ҳақиқатдан ҳам муайян мавзуга мос келиши мумкин. Бу омил ўқитувчига қўшимча дидактик қулайлик яратади. Учинчидан, бу жараён ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида мулоқотни фаоллаштиради. Қолаверса, ўзига хос қизиқтирувчи омил сифатида бошқа ўқувчиларни ҳам фаол бўлишга ундейди. Шу мақсадда у ўқувчиларни бирдек дарсга жалб қилиш, уларни янги материал мазмунига қизиқтириш йўлларини излаб топиш учун дарслик матнини психологик жиҳатдан таҳлил қиласди.

Ўзбекистон тарихини ўқитиш борасида изланишлар олиб борган методист олим, педагог С. Маҳкамов илмий тадқиқот ишида тарих таълими узвийлигини таъминлашнинг олти шаклини ажратиб кўрсатади:

1. Хронологик (ретроспектив) алоқалар янги мавзуни тушунтиришда Ўзбекистон ва Жаҳон тарихидан илгари маълум

бўлган ўқув материалларига таяниб, ўқувчиларга мурожаат қилиниши.

2. Истиқболдаги алоқалар. Келгусида тизимли равишда ўрганиш кўзда тутилган материалларга олдиндан мурожаат қилиш.

3. Синхрон алоқалар. Мазмунан бир-бирига яқин бўлган икки мавзуни ўрганиш бир вақтга тўғри келиши.

4. Ахборот берувчи алоқалар. Алоқанинг бу турига тарихий факт ва тушунчалар даражасидаги алоқалар киради. Ахборот берувчи алоқаларнинг ўзи яна қуйидаги турларга ажратилади:

- назарий жиҳатдан – тарих синфлар курашидан иборат эмас, балки у инсоният жамияти тараққиёти тўғрисидаги фан эканлиги. Инсон тарихни яратувчиси, иштирокчиси, инсон доимо олдинга интилади. Айнан шунинг учун ҳам тадқиқ этилаётган тарихий манбалар «Зафарнома» ва «Бобурнома»га ишланган миниатюраларнинг бош сюжети тарихий воқеа бўлса, асосий фигуранлари инсонлар бўлган;

- тарихий фактлар билимларнинг энг оддий турларидан ҳамда таҳлил қилиш ва умумий хулоса чиқариш учун манба, материал ҳисобланиб, мураккаброқ билимлар таркиби, бирликлари, тарихий тушунча, ғоя, назария, қонуниятларини ўзлаштиришда самарали восита бўлиб хизмат қиласи;

- тарихий тушунчалар, инсонни тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларини ўрганишда предмет ва ҳодисаларнинг умумлаштириш усулларидан бири бўлиб, унинг ёрдамида нарсаларнинг умумий, муҳим белгилари, объектив воқелик, ҳодисаларни билиб олади;

5. Методологик характердаги алоқалар. Бу алоқалар ўқувчиларнинг умумжаҳон ва ватан тарихи бўйича тарихий фактларни ўрганиши натижасида тарихий воқеликни англаш, жамият тараққиётининг яхлит моҳиятини тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари орқали идрок этиш орқали шаклланган, умумлашган, тасаввури кенг тушунчаларда, дунёқарашга оид тарихий ғояларда акс этади.

6. Фаолият йўсинлари алоқалари. Бу алоқа кўникма ва малакалар тизимида амалга оширилади (масалан, ижодий фикрлаш,

ўқув-коммуникатив, ташкилий-библиографик ва х. кўникма ва малакалар). [86, 17] Мазкур ривожлантирувчи таълимнинг марказида шахсни таълим-тарбия воситасида мақсадга эришишига йўналтирилган умумий ва интегратив қобилият ва тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларини ўрганиш ётади.

Ўзбекистон тарихини ўқитища тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланища дидактиканинг оддийдан мураккабга тамойилидан фойдаланилса, унинг имкониятлари кенгаяди. Худди шундай фикрни тарих таълим жараёнида фойдаланилаётган методларга нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Бундай методик усулларни ушбу илмий муаммола нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқ:

- кўрсатиш (мисоллар, далиллар келтириш ва х.к воситасида намойиш этиш);
- топшириқ ва мисоллар (мантиқий, муаммоли ва х.к.) бериш;
- таққослаш, тарихий экспурсия, мозийга назар ташлаш;
- ўтмишга саёҳат;
- турли жадваллар тузиш;
- жаҳон тарихи билан мавзуларни боғлаш орқали таҳлил қилиб умумлаштириш;
- янги педагогик технология асосида кўшимча манбалардан фойдаланиб, дарс ўтиш, умумлаштирувчи ва такрорлаш дарсларида ушбу алоқаларни қўллаш.

Бундай шакл ва усуллар орқали дарс ўтишдан асосий мақсад иккала тарих курсини боғлаш мумкин бўлган мавзу материаллари мазмунини узвий алоқадорликда ўраганища ёрдам бериш билан бирга ўқувчиларнинг яхлит илмий дунёқараши, тарихий билимлар тизимини шакллантириб, таълим самарадорлигига эришишdir.[86, 16]

Дарс – таълимнинг асосий шакллари экан, у илмий, тизимли, тушунарли, онгли ва фаол бўлиши, билимлар мустаҳкам ўзлаштирилиши ҳамда ўқувчининг шахсий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда ташкил этилиши дарс олдига қатор дидактик талаабларни қўяди.

Жумладан, ҳар бир дарсда: аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда пухта режалаштириш; аниқ ғоявий, мафкуравий йўналишга эга бўлиш; мактабнинг ижтимоий муҳити имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалиёт билан алоқадорликда, кўрсатмали воситалар билан жиҳозланиши; характеристига мос усул, услуг ва воситалардан самарали фойдаланиш; дарс жараёнида ўқувчи ва ўқитувчи ўзаро фаол муносабатда бўлиши; ўқувчи пассив тингловчига айланмаслигини таъминлаш; машғулотларни бутун синф ва ҳар бир ўқувчи билан, уларнинг шахсий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда олиб бориш; дарснинг мазмуни ва характеристига қараб халқимизнинг бой маънавий мероси ва қадриятларидан самарали фойдаланиш.

Профессор Н.Мўминов раҳбарлигида муаллифлар гурӯҳи дидактик тамойилларга тўхталиб, уларга:

- таълим-тарбияда таълим олувчининг дикқатини берилаётган билимга қаратиб, унинг жараён охирига қадар сақлаб туриш;
- ҳар қандай объектив ҳақиқатни илмий асослаб бериш;
- билим беришда ўқувчининг имконияти ва хусусиятидан келиб чиқиб кўпроқ кўргазмали воситалардан фойдаланиш ҳамда мутаззамлилик ва давомийликни таъминлаш;
- ўқув жараёнини меҳнат жараёни билан қўшиб олиб бориш;
- таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларнинг фаоллиги ва онглилигини таъминлаш;
- таълим ва тарбия тизимли, изчил бўлиши ва улар бирлиги тамойиллари киради [101, 175].

Юқоридаги умумтаълим мактабларида ўтилаётган дарсларга қўйиладиган дидактик талаблар ва тамойиллар Ўзбекистон тарихи дарсларида тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш учунҳам қўлланилди. Навбатдаги муаммо миниатюра санъати асарларининг дидактик имкониятлари нималардан иборат, улардан фойдаланган ҳолда қандай натижаларга эришиш мумкин каби саволларга жавоб олишдан иборат.

Миниатюра санъатининг таълимий ва тарбиявий имкониятларини тадқиқ этар экан, А. Сулеймонов бу ҳолатни қўйидагича талқин этади:

«... Темурнома дарсларини самарали ўтказиб, ўқувчиларни тарихдан олган билимларини уларнинг шахсий эътиқодларига ўсиб ўтишини таъминлашда Темур мавзуларига бағишлиланган Шарқнинг машҳур рассоми, миниатюра санъати бобида тенги йўқ мусаввир Камолиддин Беҳзоднинг, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сига ишлаган миниатюралари айниқса эътиборга моликдир. Амир Темур даврининг алоҳида характерли лавҳалари ниҳоятда жозибали тасвирланган. [Сулаймонов А. Ўзбекистон тарихини ўрганиш жараёнида миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш // «Халқ таълими» журнали. 2009. – 5-сон. – 107-б.] Шунингдек, муаллиф Темурийлар даври тарихини ўрганишда «Зафарнома»га бошқа мусаввирлар томонидан ишланган миниатюралар тарихий манба сифатида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди.

Ўзбекистон тарихини ўқитишида тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг дидактик имконияти кенглиги шундаки, биринчидан, у кўргазмали таълимнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Иккинчидан, ўқувчининг кўриш сезгисига таъсир этиб, унга мавзу ҳақида кўпроқ маълумот беришнинг қулай дидактик имконияти юзага келади.

Учинчидан, ўқувчида буюк тарихий шахслар тимсолини, буюк асарлар мазмунини теран тушунишга, англашга имкон беради.

Тўртинчидан, ўқувчи эътибори ва диққатини жамлашга, дарсга қаратишга, турли хаёлларини йиғиб олишга ундейди.

Бешинчидан, ўтилган мавзу, олинган ахборот-маълумотни мустаҳкамлашга асос бўлади.

Олтинчидан, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида ўзаро мулоқот, саволжавобга асосланган коммуникатив қулай ҳолат юзага келади.

Еттинчидан, ўқувчининг дунёқараши, билимлар кўлами тарихий атамалар, шунингдек, санъатга оид атамлар луғати билан бойитилади.

Саккизинчидан, ўқувчилар миниатюра санъати ҳам тарихий вазият ва воқеликнинг бевосита инъикоси эканлигини тушуниб этишларига ёрдам беради.

Тўққизинчидан, тарих дарсларида қўлланилган миниатюра санъати асарлари орқали ўқувчи миллатимиз, халқимиз санъатининг дунёдаги ўрни ва нуфузини англаб етади.

Ўнинчидан, ўқувчиларда миниатюра санъати асарлари воситаларида буюк сиймолар, уларнинг образларини яратиш санъаткор боболаримиз билан фахрланиш туйғусини шакллантиради.

Ўн биринчидан, ўқувчиларнинг мамлакатимизда мавжуд санъат хазиналаридан: галереялар, музейлар, кўргазма залларига ташриф буоришиларига, улардан эстетик завқ олишга рағбат бўлувчи замин яратади.

Ўн иккинчидан, ўқувчи санъатни, санъат асарни билган, севган киши ватани, халқининг севимли фарзандига айланишини юракдан ҳис этади ва ҳ.к.

Тарих фанини ўқитишининг кўргазмали методи ва тарих таълимининг амалий методи воситасида ўқувчиларда ўтмиш тўғрисида аниқ ва тўғри тасаввур ҳосил бўлиб, улар амалий жиҳатдан зарур малакага эга бўладилар. Ўқувчиларга эшитиш, кўриш ва сезги органлари орқали таъсир этиш тарихий ҳодисаларни тасаввур қилишларига ёрдам беради. Натижада уларнинг билим ва малакалари чуқурлашади ва мустаҳкамланади. Бунинг учун таълимнинг кўргазмали методи жуда катта таълимий аҳамиятга эга.

Тарихий материаллар шундай қуриладики, бунда биринчи дарсда асосий ҳолатга йўналтирилган, ўзлаштириш мажбурий бўлган назарий материаллар баён қилинади. Кейинги дарсларда эса ўқувчилар уларни таҳлил қилиб, таққослаб, умумлаштириб, янги далилларга танқидий кўз билан баҳо бериб, қўллай бошлайдилар.

Тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларини ўрганишда фалсафа, психология, тарих, санъатшунослик, адабиётшунослик ва педагогика фанларининг ҳамкорлиги ўзига хос дидактик талаб бўлиб, бу омил тарих таълими жараёни самарадорлигининг ортишини таъминлайди. Бунда ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини ташкил қилиш масаласи катта аҳамиятга эга. Шу сабабли биз мавжуд адабиётлар, тарихий мавзудаги миниатюра санъати

асарлари, уларнинг моҳияти, шаклланиш хусусиятлари ва имкониятларини ўрганиб чиқдик.

Тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларини бадиий-эстетик жиҳатдан талқин этиш ўқувчиларнинг тарихий жараёнларни идрок этишларининг қуидаги таълимий ва тарбиявий асосларини мустаҳкамлайди:

- миллат тарихи билан боғлиқ воқеаларни билиш жараёни онгли тарзда кечади;
- халқнинг моддий ва маънавий хазинасидан хабардорлик даражаси ортади;
- миллатнинг тарихан шаклланган урф-одатлари ҳақидаги билимлари мустаҳкамланади;
- анъана ва қадриятлар тарихи, уларнинг мазмуни ва моҳияти ҳақидаги тасаввурлари кенгаяди;
- диний ва миллий ўзликни англаш ҳисси ортади;
- тарихий хотира ва онгни юзага чиқариш ва уни шакллантириш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш каби таркибий қисмлардан иборат.

Мазкур таркибий қисмларнинг педагогик воситалар билан алоқадорликда, ўқувчилар онгига сингдирилиши уларнинг тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларини ўрганиш жараёнини назарий ва услубий жиҳатдан бойитади.

Ўқувчининг Ўзбекистон тарихи дарсларида тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларини ўрганиш бу – мактаб ўқувчисининг ўз халқи, миллий давлатчилиги тарихини билиш эҳтиёжидан келиб чиқувчи фикрлаш кўникмаси ва малакаси, таҳлил, синтез, таққослаш, умумлаштириш, аналогия, тарихийлик, илмий билиш усулларидан фойдаланиш каби таркибий компонентлардан иборат мажмуидир. Ушбу таъриф мамлакатимиз мактабларида тарих таълимининг бевосита мақсади ҳисобланмиш – ўқувчиларга тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларини ўргатиш орқали тарихий жараёнга яхлит ҳодиса сифатида, тизимли ёндашиш (ўтмиш, бугун, келажак), уларда тарихий билимлар воситасида ижодий ёндашув малакаларини ҳосил қилдириш ҳамда ўқувчилар қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш билан уйғунлашади.

Тарих таълими жараёнида тарихий тушунчани тарихий воқеа билан уйғунлаштириш натижасида ўқувчилар унинг назарий моҳиятини англаш имкониятига эга бўладилар. Тушунча тасаввурни уйғотади, бу эса воқеа ва ҳодисаларга ўқувчиларнинг ўз муносабатини билдириш имконини беради ва уларни қайд қилишга замин ҳозирлайди. Мазкур вазиятларда тасаввур қилиш, объект ва субъектнинг умумий ўзаро муносабати ва алоқаларини тушуниш жараёни кенгаяди. Бунда ўқувчилар тарихий материални ўзлаштириш учун қуидаги амалий фикрлашга асосланган вазифаларни бажарадилар:

- тарихий тушунчалар тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларининг асоси, манбаи сифатида шаклланади. Тарих фанини сифатли ўзлаштириш тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларини яхши билишга олиб келади;

- тарихга оид билимларни ўқиши, ўрганишда нафакат умумий воқеа-ҳодисалар, балки унда тарихга оид тушунчалар, мисоллар, далиллар, фактлар, хукм ва холосалар ҳам иштирок этади. Бу омил ўқувчининг тарихий билимларини янада бойитишни таъминлайди.

Ўтказилган илмий тадқиқот иши бу борада истиқболда олиб борилиши зарур бўлган илмий тадқиқот ишларининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек, ўқувчиларда тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларини ўрганишни таъминловчи умумий методикани тавсия этиш имконини беради.

7-8 синфларда «Ўзбекистон тарихи» дарслиги асосида ўқувчилар ватанимиз худудида IV асрдан бошлаб XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган тарихий даврни ўрганадилар.

7-синфда V–XV асрлардаги ватанимиз тарихини ўрганиш ўқувчиларнинг илк феодализм, феодализмнинг ривожланган даврини, бир қанча давлатларнинг юртимизда пайдо бўлганлиги, халқимизнинг босқинчиларга қарши кураш мавзуларини ўрганиш жараёнида тарихий фактлар, хронологик саналар ва номлар билан бирга, тарихий ривожланишнинг баъзи умумий қонуниятларини ҳам тушуниб оладилар. Шу сабабдан 7-8 синфда ватанимиз тарихини мазмунан тўла ва илмий-назарий жиҳатдан ёритиш имконини беради.

Ватанимиз тарихига доир тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарларини ўрганиш ўқувчиларнинг тарихий тараққиёт даражасини чуқурроқ тушуниб олишлари учун билим олиш манбасини кенгайтиради.

Миниатюра санъати асарлари ҳақида ҳам маълумот бериш, ҳам кўрсатиш орқали ўқув материалини тафаккурда идрок этиш, уларни онгли, пухта ва ишончли ўзлаштириб олиш диққатнинг барқарор ва турғун бўлишига сабаб бўлади.

Ўқитувчи дарсларда кўргазмалар ёрдамида воқеанинг манзараси, иштирокчиларининг типик образларини ўқувчилар кўз ўнгида гавдалантиради. Улар хаёлан воқеанинг иштирокчиларига айланадилар. Бинобарин, кўргазмали қуроллар ва фан-техника воситалари таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи баёнининг таянчи, ўқитиши самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласди. Бироқ кўргазмали қуроллар мавзуга мослаб танланиши лозим. Ўқитувчи томонидан ўрганиладиган мавзунинг мақсади, таълим ва тарбиявий вазифалари, мазмуни синф ўқувчиларининг умумий тайёргарлигига қараб монолог, диалог, қисқача баён ёки хикоя шаклида, тушунтириш, мунозара юритиш, маъруза ва бошқа шаклларда амалга оширилади.

Ўқув ва методик қўлланмалар, тарихий ҳужжатлар, бадиий ва тарихий асарлар ўқитувчи ва ўқувчилар учун билим манбаи бўлиб хизмат қиласди. Ўқитувчи шу тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари устида тизимли иш олиб бориши, ўрганиши ва дарсда улардан тўғри фойдалана билиши лозим. Шундагина ўқитувчининг баёни ўқувчиларга тушунарли бўлади, уларга ғоявий-сиёсий жихатдан кучли таъсир кўрсата олади. Шунингдек, ўқувчиларни миниатюра санъати асарлари устида ишлашга ўргатади. Санъат асарлари устида ишлаш дарсда ўқувчилар фаолиятини фаоллаштиради, уларнинг тарихий билимларини чуқурлаштиради, тарихий факт ва воқеаларнинг моҳияти, ўзаро алоқаларини тушуниб олишга, дунёқарашида тарихни шу давр нуқтаи назари асосида тушунишга ёрдам беради, тарихий воқеларга одилона баҳо беришга ўргатади. Ўқувчилар ҳар хил санъат асарлари устида меҳнат қилиб,

мустақил ишлаш малакасига эга бўладилар ва тарихий тадқиқот ишлари билан танишиб борадилар.

Ўзбекистон тарихини ўрганишда, бир неча бор таъкидлаб ўтганимиздек, тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларининг роли каттадир, чунки улардан нафақат дарсда, балки дарсдан ташқари машғулотларда ҳам фойдаланиш мумкин бўлади. Бу омил миниатюра санъати асари намуналарини тарихий манба сифатида узлуксиз ўрганиш учун қулай таълимий муҳитни юзага келтиради. Албатта, бу жараёнда ўқувчиларга мустақил фойдаланиш имконини бериш керак. Тарих фанини ўқитишида фойдаланиладиган санъат асарларини қуидаги икки турга:

- ўрганилаётган даврнинг тарихий мавзуда тасвирланган миниатюра санъати асарлари;
- замонавий рассомлар томонидан ишланган тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларига бўлиш мумкин.

Тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларида тасвирланган тарихий ҳодиса ва воқеалар ўша даврда яшаган шахслар ва ҳозирги замон рассомлари томонидан чизилган бўлиб, улар ўтмишни ўрганишда турли даврлар нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда яратилган иллюстратив тарихий романлар, тарихий мавзуларда ёзилган қисса, ўрганилган давр хақидаги бадиий асарлар, беллетристик асарларга ишланган расмлар туркумига киради. Бу асарлар – тарихий манбалар, мемуар хужжатлар, илмий текшириш ишлари ва монографияларни ўрганиш асосида тузилган бўлиб, уларда ўтмиш воқеалар бадиий тасвирлар ва бадиий образлар орқали ифодаланади.

Ўзининг сюжети, композицион тузилишига кўра миниатюраларга ўхшаш бўлганлиги учун улардан ҳам тарихга оид материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Миниатюра санъати асарларидан тарих дарсида фойдаланишда кўпроқ дарс материалини хulosалаш ва умумлаштириш учун асос сифатида фойдаланиш мумкин. Беллетристик асарлар ўқув материалига аниқлик киритиш билан бирга ўқитувчи баёнининг образли ҳамда мароқли бўлишини таъминлайди. Масалан, Чингизхоннинг Ўрта Осиёга бостириб келишини Шарафиддин Али

Яздый ўзининг асарида тўлалигича баён қилиб берган. Ўқитувчи бадиий адабиётдан, аввало, ўзининг баёнида дарс мавзусига оид қўшимча материал сифатида фойдаланади. Тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари ўқув материалига аниқлик киритади, тарихий воқеликни конкретлаштиради, ўқувчилар қўз ўнгида ўтмиш ва ҳозирги ҳаётий воқеаларнинг тўлиқ ва ёрқин манзарасини гавдалантиришга, уларнинг тарихий тасаввурлари тизимининг мукаммал бўлишига ёрдам беради, ўқитувчи баёнининг ишончли, эмоционал ва қизиқарли бўлишини таъминлайди.

Тарих фанини ўқитишида миниатюра санъати асарлари таълимий аҳамият билан бирга катта тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Тарихий шахслар ва арбобларнинг эзгу ишлари, илм-фанни ривожлантиришга қўшган ҳиссаларини ҳикоя қилишда уларнинг сиймоларидан фойдаланиш тарих таълими жараёни учун самарали воситалардан биридир. Ўзбекистон тарихи дарсларида тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг тарбиявий аҳамияти шунда намоён бўладики, ўқувчиларда бу шахсларга нисбатан ифтихор, ғуур, миллий ўзликка нисбатан хурмат каби фазилатлар уйғотади.

Масалан, Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиев яратган «Амир Темур» портретини олайлик, бу ҳақда И. Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида шундай ёзади: «Мен иштирок этган навбатдаги йиғилишда ана шундай муҳокамалардан ўтган вариант устида фикр алмашдик. Унда Амир Темур таҳтда шоҳона либосларда, қўлларини қилич устига қўйиб, ўйчан бир қиёфада ўтирас эди. Мен умрининг кўп қисми ҳарбий юриш ва сафарларда, эл-юрт ташвишида ўтган инсоннинг қўллари, бармоқлари, гавдаси қандай бўлиши, юз кўзлари қандай маъно англатиши зарурлиги ҳақида ўз мулоҳаза ва таклифларимни айтдим. Шундан сўнг Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиев ана шу фикрлар асосида портретни қайта ишлади ва бутунлай бошқа сиймо – бугунги кунда бутун халқимизга яхши маълум бўлган Соҳибқироннинг шундай қиёфаси пайдо бўлди. Айнан ана шу сиймо кейинчалик юрагимда Амир Темур бобомизга атаб барпо этилган барча ҳайкаллар учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Бугунги кунда пойтахтимизнинг Амир Темур хиёбонига, Самарқанддаги Кўксарой, Шаҳрисабздаги Оқсарой майдонига хоҳ эрта тонгда, хоҳ кечқурун – қачонки бориб қараманг, чиндан ҳам Соҳибқирон сиймосида доимо нур жилваланиб турганини кўришингиз мумкин», – деб ёзади [70, 151–155].

«Малик Набиевнинг «Амир Темур» (1991) портретидаги оқ зарин, олтин безакли либосда оқ ранг билан уйғунлашган нур ёруғликка чиқиш рамзи сифатида намоён бўлган» [102, 61].

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, буюк аждодимиз тимсолининг ёрқин бўёқларда ифодаланиши барча қатори ўқувчи-ёшларга ҳам миллий ғуур ва ифтихор туйғусини бағишлийди. Ушбу ҳолатни 7-синфда «Миниатюра санъати» [102, 144] мавзусини ўтиш жараёнида қўллаш ва кўриш мумкин. Хусусан, бу ҳолат Улугбек, Навоий, Шайбонийхон, Бобур портретларида ҳам акс этган.

Миниатюра санъати асарларининг ривожланиш тарихи билан боғлиқ равиша бир қанча асосий ҳолатлар, муҳим фикрлар устида тўхтаб ўтишга тўғри келади. Ўқувчиларни буюк маданий бойликларимиз билан таништирас эканмиз, бу маданиятни яратувчиси ҳалқ эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу ҳалқ ўзининг ўтмишдаги ҳаёти қанчалик оғир бўлишига қарамай, фаолияти жаҳон аҳамиятига молик бўлган ўз арбобларини яратди. Форобий, Улугбек, Навоий, Камоллиддин Беҳзод ва Бобур каби буюк алломаларимиз бунга мисолдир ва уларнинг сиймоси ҳақли тарзда Ўзбекистон тарихидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган. Сиймолари Ўзбекистон тарихига ҳамоҳанг тарзда ҳам тарихий, ҳам замонавий миниатюра санъатида ўзининг бетакрор талқинига эга.

Ўқитувчи Бобурнинг ҳаёти ҳақида гапирганда, унинг лирикаси, билимга ўта чанқоқ бўлганлиги, меҳнатни севганлиги ва сабрматонати ҳақида ҳикоя қиласиди. Ундаги мана шу хусусиятлар машхур билим эгалари сафидан жой олишиги сабаб бўлганлигини таъкидлаш зарур. Бобурнинг мазкур фазилатларини талқин этишда миниатюра санъати асарлари муҳим аҳамият касб этади. Одатда, ўқувчилар ўтмишга ҳозирги замонга қарагандай қарайдилар, гоҳида уларга тарих шу кеча-кундузда бўлиб ўтгандек.

Тарих фанини юзаки ўқитиши, кўпинча ўтмишнинг жонли тасвирларини қуруқ схемалар билан алмаштириб юборилиши натижасида ўқувчилар гарчи тарихий масалаларда бир қанча фактлар ва назарий тушунчаларга эга бўлсалар-да, улар бутунлай ёки қисман ўтмиш ҳақидаги тўғри тасаввурга эга бўлмай қоладилар.

Тарихнинг аниқ ва ҳаққоний манзарасини, мазмунини ўқувчилар онгига етказиш ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Шунинг учун ҳам тарихий арбобларнинг ҳаёти ва фаолияти билан танишиш ўқувчилар учун тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларини тўла тушунишга, маълум бир тарихий даврнинг ва ижтимоий муҳитнинг хусусиятларини билиб олишга ёрдам беради. Дарҳақиқат, ўқувчиларга маълум бир тарихий ҳодисани фақат умумий сўзлар билангина тушунтиришга қанча уринмайлик, ўқитувчининг гапларини ўқувчи тушунса ҳам, бу гапларнинг асл маъносини ҳар доим ҳам тўла англаб ета олмайди. Натижада уларнинг хотирасидан тезда чиқиб кетади. Чунки уни эслаб қолувчи таянчга эга бўлмайди. Агар бу ҳодисалар ўқувчиларга миниатюра санъати асарлари орқали жонли мисоллар билан тушунтириб берилса, ўқувчининг қизиқиши ортади. Масалан, ўқитувчи XIV аср бошларида ватанимизни мўғул босқинчиларига қарши курашида халқимизнинг жасорати, ватанпарварлиги ва бошқалар ҳақида қанчалик батафсил гапирмасин, бу умумий гапларнинг ҳеч бири ўқувчилар онгига чукур сингмайди, юзаки ўтиб кетади. Агар Нажмиддин Кубро ҳамда Жалолиддин Мангубердининг қаҳрамонлиги, юрт озодлиги йўлида қурбон бўлишини ёрқин миниатюра санъати асарлари орқали кўрсатилса, ўқувчиларнинг тасаввурида ҳақиқий манзара ҳосил бўлади. Ўқитувчи ўқувчиларга миниатюра санъати асарлари орқали тарихни жонли тарзда гавдалантиrsa, тарих ўқувчиларнинг назарида узоқ ўтмиш, қуруқ афсона бўлиб қолмайди, балки объектив реалликка, том маънодаги билимга айланади. XVI асрнинг 40-йилларида Мансур ибн Усмон Кўҳистоний томонидан ёзилган «Абулхайрихон тарихи» асарига номаълум рассом томонидан ишланган «Жалолиддин жасорати» номли миниатюра асарида Жалолиддин Мангубердининг Чингизхон босқинига қарши кураш эпизоди

тасвирланган миниатюра Амударё тасвири орқали иккига ажратилган. Бир томонда бутун бошли мўғул жангчилари, бошқа томонда ягона Жамолиддин тимсоли ифодаланган. Пейзаж тасвири орқали майда ўтлар билан кўм-кўк рангли мўғул аскарлари, от эгар-жабдуқлари тасвирланган бўлса, қарши томонда яшил ўтлоқзор, қайсики бу ерда ёлғиз шаҳзода ва унинг оппоқ қордек оти тасвирланган [105, 13-26].

Шундай бир ҳодиса машхурки, устоз Бехзод суврат чизилган саҳифани буюк Мир Алишернинг фирмавс монанд, осмон зийнатли мажлисига келтирди.

Сўнгра Мир мажлисда ҳозир бўлганларга қараб деди:

- Азизларнинг ҳозирича бу муҳим саҳифа таърифи ва тавсифи учун нималар келди.

Мир Алишернинг устози ва Хурсон аҳлининг машхур кишиларидан бўлган мавлоно Фахриддин бундай деди:

- Маҳдумлар! Кўз олдимдаги очилган раъно гулларни, қўл чўзиб узсан-у, дасторимга санчсан!?

Мир Алишернинг дўсти ва уламо соҳиб Доро бўлса:

- Менда ҳам шундай истак бор эди. Аммо қўл чўзсан, дарахтлар учидаги қушлар хуркиб, учиб кетмасин, деб андиша қилдим, –дейди. Хурсоннинг хуштаъб аҳлидан ва пешволаридан бўлган Мир Алишер билан доимо тегишиб, қочирим сўзлар айтиб юрадиган мавлоно Бурҳон:

- Мен мулоҳаза билан қўлимни тортиб, тилимни тиймоқчиман: агар сўз қотсан, мабода Ҳазрат Мир Алишер аразлайдилар ва юзларини буруштириб, қошларини чимирадилар, –дейди. Нозик табиатчан Мир унга «Латифатарош» деб лақаб қўйган Хурсонлик хушомадгўй (кишилардан) мавлоно Бадахший бўлса:

- Эй мавлоно Бурҳон, агар беодоблик ва густоҳлик бўлмаганда, сувратдаги Мир (Алишер)нинг қўлларидағи асони олиб бошингга солар эдим, –дейди.

Ҳазрат Мир Алишер сухбатни якунлаб:

- Азизлар яхши сўзлар айтишиди ва маъно дурларини (жуда) маъқул сочишди. Агар мавлоно Бадахший ўша номаълум ишни раво кўрмаганларида ва дағаллик қилмаганларида, мен (сувратда

тасвирланган) табоқлардаги олтинларни дўстларнинг бошларидан сочмоқчи эдим, – дейди.

Шундан сўнг Алишер Беҳзодга эгар жабдуқли от ва муносиб тўн, мажлис аҳлининг ҳар бирига (эса) ҳашаматли либос иъном қилади [146, 24]. Буни бошқа бир расмда, Ҳазрат Алишер Навоийнинг Камолиддин Беҳзод чизган сувратини олайлик: «Сувратда тасвирланишича, ораста боғча турли-туман дaraohтлар билан қопланган ва дaraohт шоҳларида хушсуват турли-туман қушлар. Ҳар тарафда ариқчалар шилдираб оқиб ётибди. Очилган зангори гул туплари ва (унинг) орасида Мир (Алишер)нинг ёқимли хушсувати. У асога таянган (холда) турубди. Ёнида сочиқ (Одатини ижро этмоқ учун), зар тўла табоқларни кўйган» тасвирда ҳам илғашимиз мумкин. [105, 24-25].

Шундай қилиб, тарих фанини ўқитишида ҳар бир мавзу, боб ва бўлимларга мос бўлган миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқиши даражасининг ортишига замин яратади. Бунинг учун миниатюра санъати асарлари етарли.

Тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларини танлаш ва акс эттириш усули ҳақидаги масалалар санъат асарларининг харakterига қараб фарқланади. Маълум даврга оид бўлган типик тарихий ҳодисаларни ойдинлаштириш учун тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан самарали фойдаланиш мумкин. Баъзи бир тарихий шахслар ҳақидаги маълумотларни дарс давомида ана шу мақсадлар учунгина киритиш керак. Масалан, ўқувчилар Бобурнинг ўз юртидан кетишини тасаввур қилишлари учун умумий таассуротлар кетма-кетликда ёки пойма-пой фактлардан фойдаланиш йўли билан эмас, балки бутун манбани, айтайлик, Бобурни мажбур қилган шароитлар, хоинликлар, шаҳзодалар ўртасидаги низоларни ёритиш учун ҳам миниатюрасанъати асарларидан фойдаланиш бирмунча қулайлик яратади.

Тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари ўз хусусияти жиҳатидан турлича бўлиб, улар устида ишлаш методикаси ҳам шунга боғлиқдир. Санъат асарлари маълум бир тарихий арбобнинг муайян бир қуршов ичида, маълум ҳаракатни қилиб турган

вазиятида тасвиirlанган бўлиши мумкин ёки санъат асарида бу арбоб фаолиятининг ижтимоий аҳволи ва қиёфасини ёки бўлмаса унинг ташқи кўринишинигина гавдалантириши мумкин.

Ўзбекистон тарихини ўқитишида тарихий миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг мазмуни ва методикасини белгилашга комплекс ёндашиш талаб этилади. Зоро, миниатюра санъати орқали ўқувчиларда миллий тарихимизга муносабат тарбияланар экан, бу муносабатнинг моҳияти, шаклланиш хусусиятларини фалсафа, психология, тарих, педагогика фанлари нуқтаи назаридан ўрганиш, хулосалар чиқариш ва улардан фойдаланиш лозим бўлади. Шундагина ушбу жараённинг самараси таъминланади.

Ўқувчи тарихий воқеалар, атроф-муҳитдаги объект (предмет, жараён ва ҳодиса)ларнинг моҳиятини билиб олиш асосида уларни бир-бири билан ўзаро таққослайди, натижада улардаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатларини аниқлайди. Тарихий тафаккур жараёнида анализ ва синтез йўли билан тарихий фактларнинг туб моҳияти очилади, уларнинг муҳим аломатлари ёки белгилари ойдинлашади.

Тарих дарсларида миниатюра санъати воситалари билан тарихий мавзулар юзасидан мулоқот қилиш бир қатор тарбиявий муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Хусусан, ўқувчида иродани шакллантиради, бағрикенглик каби фазилатларни тарбиялайди. Дарсларда тарихий муаммолар, тортишувлар, муҳокамалар ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантиради, уларни жамоа билан алоқа қилиш санъатига ўргатади.

Тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари орқали буюк алломаларимиз билан танишиш, уларнинг жаҳон маданиятида тутган ўрнини ўрганиш натижасида ўқувчиларда ўз шахсий имкониятларини чамалаш, аниқ мақсадга йўналтирган тарзда фойдаланиш каби жараёнлар кечади. Ўқувчи ўзини шу тарихнинг бир бўлаги сифатида қабул қилиб, ўз тарихини ўзи яратиш фикри асосида тарбияланади. Шу тариқа ўқувчи шахс сифатида шакллана боради, фикрлаш қобилияти ривожланади, ўз фаолиятини баҳолаш, қарорлар қабул қилиш, ишига жавобгарлик ҳиссини туйиш каби фазилатлар камол топади. Шу билан бирга, бу каби методлардан

фойдаланиш, ўқувчиларда қадимий тарихий ёдгорликларни ўрганишга қизиқишини шакллантирибгина қолмай, балки уларни асраб-авайлаш заруриятини англаб етишларига олиб келади. Ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтириб, эстетик маданиятини ривожлантиради.

Дарсни тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланиб, ташкил қилиш ўқувчиларда тарихий ҳужжатлар билан жамоа бўлиб ишлаш малакасини ошириш ўқитувчига қўйиладиган асосий талаблардан биридир. Бунинг натижасида ўқувчиларда мавзуни, унга тегишли муаммони муҳокама қилиш, таҳлил қилиш, таққослаш ва тўлдириш каби қўникмалар ривожланади.

Иккинчи бобига оид материалларнинг таҳлилий натижаларини умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Биринчидан, Ўзбекистон тарихини ўқитишида тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш таълимда кўргазмалилик методининг асосий воситаси бўлиб хизмат қиласди. Натижада ўқувчиларда тарихни билиш, тарихга оид ўкув материалларини ўзлаштириш жараёни фаол суръатларда ортади.

Иккинчидан, ўқитишида миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш натижасида ўқувчиларда нафақат тарихий билимлар чуқурлашади, балки миниатюралардаги воқеликларнинг эстетик талқинини англаш орқали уларда эстетик туйғу ва дид тарбияланиб боради.

Учинчидан, тарих дарсларида тарихий миниатюралардан фойдаланиш кўргазмалилик методини қўллаш учун қулай таълимий муҳитни юзага келтиради. Хусусан, таълимда кўргазмалилик, онглилик, кетма-кетлик, узвийлик ва узлуксизлик ва изчиллик каби дидактик принциплардан тарихий миниатюраларни қўллаган ҳолда фойдаланиш мумкин бўлади. Бу омил тарих таълимида самарадор педагогик технологиялардан оптималь тарзда фойдаланиш имконини беради.

Тўртинчидан, тарихий миниатюралар, хусусан, «Бобурнома»га ишланган миниатюралар талқинининг кенг қамровлиги билан ўқувчиларда дунёқарашибни кенгайтиради. Чунончи, «Бобурнома» олимлар томонидан нафақат тарихий воқеликлар талқинига оид

манба, балки адабиётшунослик, тилшунослик, санъатшунослик, биология, зоология, география каби фан соҳаларига оид манба сифатида эътироф этилади. Бу омил ўқувчилар дунёқарашининг шакланишига хизмат қиласди.

«Ўзбекистон тарихи»ни ўрганишда тарихий миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг дидактик имкониятлари қўйидагиларда ўз аксини топади.

1. Ўқувчиларнинг ватанимиз тарихий тарракиётидаги ўзгаришларини ҳар томонлама ва чуқур тушуниб англаб олишларига ёрдам беради. Тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари тарихий факт ва воқеаларни конкретлаштиради, ўқувчилар тасаввурлари тўғри ва аниқ, ўзлаштирган билим ва малалакалари пухта, мустаҳкам ва онгли бўлишини таъминлайди.

2. Ватанимиз тарихини ўқитишда тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш таълимни реал тарихий воқеликлар, тарбия ишларини ҳаёт билан алоқадорликда олиб бориш имконини беради.

3. Ўқувчиларга таниш ва тушунарли бўлган миниатюра санъати асарлари уларнинг кўз ўнгida содир бўлган ёки бўлаётган ўзгаришларни, тарихий тараққиётнинг умумий қонуниятлари, объектив ва субъектив сабабларини тушуниб олишларини осонлаштиради.

4. Ўқувчиларнинг тарих фанига қизиқишини оширади, мустақил фикрлашга ўргатади, тарихга оид материалларни ўзлаштиришга ижодий ёндашган ҳолда ишлаш жараёнини фаоллаштиради, мавжуд билим ва малакаларини қўллай олишга ўргатади, уларга эмоционал таъсир кўрсатиши натижасида ўқув материалларининг таъсирчанлигини оширади.

**III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎҚИТИШДА ТАРИХИЙ
МИНИАТЮРА САНЬЯТИ АСАРЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК
САМАРАДОРЛИГИНИНГ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАДҚИКИ**

**3. 1. Ўзбекистон тарихини ўқитишида тарихий миниатюра
санъати асарларидан фойдаланиш юзасидан тажриба-синов
ишларининг мазмуни ва методикаси**

Тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари тарихий тушунчалар, тафаккурнинг асоси, манбай сифатида онгимизда муайян тасаввурларни шакллантиради. Тарих фанини ўрганишида тарихий атамаларнинг луғавий маъноси англашилиб, ўзлаштириб борилади. Қийин ўзлаштириладиган атамалар қаторига байналмила тарихий атамалар киради. Агар уларнинг ўзбек тилидаги луғавий маъноси билан ўқувчиларни ўз вақтида таништириб борилмаса, уларнинг билимида юзакичилик содир бўлади, яъни ўқувчилар тарихий тушунчаларнинг луғавий маъносини тушунмаган ҳолда кўр-кўрона ёдлаб оладилар. Натижада бундай атамалар тезда унутилади ва хотирада узоқ сақланмайди. Бундай ҳолатнинг олдини олишда ўқув материалларини визуал шаклда тақдим этиш муҳим роль ўйнайди. Шу маънода тарих дарсларида миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш яхши самара беради. Тарихга оид билимларни ўқиши ва ўрганиш жараёнида ўқувчиларда тарихга оид тушунчалар, мисоллар, далиллар, хукм ва хulosалар шаклланади. Натижада тафаккурнинг ўзига хос шакли – ўқувчининг тарихий тафаккури ҳосил бўлади. Таълим холис асосга қурилган ва ижобий мазмун касб этганда:

-тарихий илдизларни теран англаш;

-ўтмишда рўй берган жараёнларни таҳлил этиш орқали улардан зарур хulosалар чиқариш;

-реал воқеликни келтириб чиқарган сабаблар, омилларни чуқурроқ англаш, миллий тарихий хотира ривожига ижобий таъсир кўрсатиш каби жараёнлар кечади.

Ўқувчи-ёшларни муайян ғояга ишонтириш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, маънавий-руҳий жиҳатдан

рағбатлантиришни асосий мақсад қилиб қўйган миллий истиқлол мафкурасининг бош гояси – озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш билан боғлиқ бўлган тарихий тушунчаларнинг туб моҳиятини ўқувчиларнинг онгига сингдиришга доир кўргазмали қуроллар, таққослама ва намойиш этиладиган график, схема, жадваллар ва бошқа метод, воситалардан фойдаланиш учун қулай шароит яратишига кенг ўрин ажратиш лозим.

Ўқитувчининг ўтилаётган дарс мавзусига мос миниатюра санъати асаридан фойдаланиб амалга оширган баёни жонли ва ёрқин бўлади. Миниатюра санъати асарларидан фойдаланиб сўраш, айниқса, 7-8 синфларда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бу синфларнинг дастури умумий ва содда кўринишга эга бўлиб, таққослаш, солишириш ҳамда якунлаш учун етарлича имкониятлар мавжуд.

7-8 синф ўқувчилари яққол кўриниб турган материални анализ ва синтез қилишни, масалан, меҳнат қуролини қисмларга ажратиб кўрсатиш ва бу қуролларнинг вазифасини таърифлаб беришни осонгина уддалайдилар.

Мураккаб тарихий ҳодисаларни, хусусан, абстракт тарихий тушунчаларни анализ қилиш ва шу асосда ҳодисаларнинг характеристикасини тузиб чиқиши (ўша ҳодисларни уларнинг бир-бiri билан боғланиши ва муносабатларини олиб қараган ҳолда) улар учун анчагина қийинчилик туғдиради.

7-8 синфларда тарихни ўзлаштириш давомида ўқувчилар йўл қўядиган анъанавий хатолар ўрганилаётган ҳодисаларни юзаки анализ ва шошма-шошарлик билан синтез қилиш натижасида юз беради. Бундай хатоларнинг кўринишларидан бири ўқувчиларнинг ташқи томондан ўхшаш бўлиб кўринган тарихий объектларнинг бир-биридан фарқ қилувчи хусусиятларини кўра олмасликларири. Бу ҳол, кўпинча, бир-бирига бутунлай ўхшамайдиган ҳодисаларни бир хил деб қарашларига сабаб бўлади. Бу тарих таълимида алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган хусусият бўлиб, уни эътиборсиз қолдириш тарихий тасаввур, билимнинг ҳаққонийлигини таъминлашга салбий таъсир этиши мумкин.

Бу муаммони ечиш жараёнида, бизнингча, қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим.

Биринчидан, ҳар бир тарихий воқеани ёки санъат асарини бошқа бир шунга ўхшаган воқеа ёки асар билан қиёсий ўрганиш лозим. Чунки қиёсий усул билишнинг энг самарли усулларидан бир ҳисобланади. Ўкувчи бунда асосий эътиборни ўхшаш ва фарқли томонларга қаратади.

Иккинчидан, ўкувчига бир санъат асари ҳақида маълумот берадиганда, унинг мавжуд муқобили, яратилган вақти, муаллифи, ҳажми, тасвири, ранг ва бўёқлари, сакланаётган жойи ҳақида ҳам маълумотлар бериш керак.

Учинчидан, тарих дарсларида санъат асарлари тўғрисида маълумот берадиганда, иложи борича асар миниатюранинг рангли тасвирини экранда кўрсатиб изоҳлаш керак. Шунингдек, миниатюраларнинг рангли репродукцияларидан тарқатма материал сифатида фойдаланиш натижасида унда тасвирангтан воқелик тўғрисидаги маълумот янада мустаҳкамланади.

Ўзбекистон тарихи дарсларида тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш технологиялари, механизмларини ишлаб чиқиши бўйича тажриба ишларимиз уч босқичда амалга оширилди. Мазкур босқичлар мантиқий жиҳатдан бир муаммо – тарих дарсларида миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш масаласини комплекс ҳал этишга йўналтирилган. Педагогик тажриба-синов ишларининг биринчи босқичи (2006-2007йиллар)да тарих ўқитувчиларининг иш тажрибалари ўрганилди. Бунда асосан тарих ўқитувчилари, ёш тарихчилар иш тажрибалари таҳлил этилиб, улар ўзаро қиёсий ўрганилди. Педагогик тажриба-синовининг бу босқичи кўпроқ таъкидловчи характер касб этганлиги боис, социологик мазмунда (сўраш, аниқлаш, таъкидлаш, қиёслаш, умумлаштириш ва ҳ.к.) олиб борилди. Хусусан, умумий ўрта таълим мактабларининг 7-8 синф ўқувчиларига Ўзбекистон тарихини ўқитишда тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари, жумладан, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарларига ишланган миниатюралардан тарихий манба сифатида фойдаланиш (ёки фойдаланмаслик) ҳолатлари ўрганилди. Бунинг учун маҳсус сўров саволномалари, анкета сўровномалари, тестлари ва ҳ.к. ишлаб

чиқилди ҳамда юқорида таъкидлаб ўтилган ҳолатлар юзасидан аниқ картина (ҳолат, вазият, маълумотлар) олишга эришилди ва тегишли хуносалар чиқарилди. Натижалар мактаб ўқитувчиларининг тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларини ўрганишда қатор қийинчликларга дуч келаётганликларини кўрсатди. Жумладан, мактаб тарих ўқитувчиларининг «Зафарнома» ва «Бобурнома» асарларини ўқиганлиги ва шу асарларга ишланган миниатюралар билан қисман таниш эканликлари маълум бўлди. Шунингдек, «Ўзбекистон тарихи» дарслари ва қадимги санъат асарлари ўртасида тарихий-хронологик ҳамда мазмун жиҳатдан мантикий боғлиқлик, санъат асарларини шарҳлай олиш ҳақидаги сўровга улар берган ижобий жавобларнинг нисбати 31% ни ташкил этди. Бу кўрсаткич ёш тарих ўқитувчиларида 46% ни кўрсатди. Бунга мактаб ўқув дарсликларидан ташқари бу муаммони ечишга хизмат қилувчи ёрдамчи ўқув қўллланмаларининг мавжуд эмаслиги, бу муаммонинг етарлича ўрганилмаганлиги, фанлараро уйғунлашувнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги ва бошқа омиллар сабаб бўлган.

Тажриба-синовнинг биринчи босқичида тегишли синфлар бўйича ўқувчилар билан савол-жавоб ўтказилиб, миниатюраларни шарҳлаб бериш сўралганда, улардан аксарияти бундай асарларни эшитмаганлиги маълум бўлди. Гап 7-8синф (14-15 ёшли ўқувчи)лар ҳақида борар экан, айнан улар Амир Темур шахси ва Бобурийлар салтанати тарихини биринчи маротаба ўрганаётганлиги сабабли, уларда объектив ҳақиқатга мос келувчи аниқ тарихий образларни шакллантириш жуда муҳим вазифа саналади.

Тажриба-синов ишларининг иккинчи босқичи (2007-2010 йиллар)да тажриба-синов объектлари танланди, ишчи фараз, мақсад ва вазифалар аниқланди. Сўнгра тажриба-синов режаси тузилиб, уни ўтказиш учун ўқувчилар учун ёзма ва оғзаки сўровнома, дарс ишланмалари, мавзулар матнлари, тарқатма дидактик материаллар, тест саволлари тайёрланди. Ушбу мавзуларни ўқитишида ўқитувчиларга мўлжалланган ҳамда дарс самарадорлигини оширишда қўлланиладиган педагогик технологиялар ишлаб чиқилди.

Ўша давр тўғрисида тушунча беришда миниатюра санъати асарларининг аҳамияти тўғрисида кўп гапирилди. Аммо тасвирини танлаш ва уларни қўллаш билан ўқувчиларни тарбиявий, ривожлантирувчи, таълимий мақсадларини ҳал этиб бўлмайди. Дарс ўтишда шундай оқилона технологиялардан фойдаланиш керакки, икки ёки уч (биз бу ерда Ўзбекистон тарихи, миниатюра санъати ва тарих ўқитиши методикаси фанларини назарда тутмоқдамиз) фан ўртасида ўзаро мустаҳкам боғланиш, уйғунлашув вужудга келиши лозим. Таълим жараёнида мавзу юзасидан янги ғояларнинг вужудга келиши, эркин фикр билдиришга рафбатлантириш муҳимдир. Бундан кўзланган мақсад, ўқувчиларнинг машғулот жараёнидаги эркин иштироқини таъминлашдир.

Педагогик технологиялар тизимида ихчам, содда, қўллаш анча осонлиги билан «Кичик гурӯҳларда ишлаш», «Мунозара», «Синквейн», «Кластер» технологиялари кенг қўлланилмоқда. «Синквейн» – дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлар тизимида муҳим аҳамият касб этади. «Синквейн» методи ўқув мақсади ва вазифаларини белгилашда ўқитувчи шу методлардан фойдаланса, дарснинг сифати янада ошади.

Анъанавий методлар. Бу метод ибтидосини ilk фалсафий ва педагогик тизимлар ташкил этади. Ҳозирги даврда уларнинг 5 таси инобатга олинган. 1. Амалий. 2. Ифодали. 3. Китоб билан ишлаш. 4. Кўргазмали. 5. Аудио, видео воситали.

Мақсадга кўра методлар тизими: билим эгаллаш, малака ва кўникмани шакллантириш, билимларни амалиётда қўллаш, ижодий фаолият, мустаҳкамлаш методи, билим, малака ва кўникмаларни текшириш методи. Идрок этиш методи. Бунда билиш фаолияти характерига кўра методлар тушунириш, яъни иллюстратив ахборот – «рецептив» характерда бўлади. Уларнинг характерли хусусияти – билимларнинг тайёр ҳолда тавсия этишдир. Билимлар, идроклар, тушунчалар «рецепция» қилинади ва тушуниб олинади. Репродуктив метод-билимлар тайёр ҳолда тавсия этилади, билим нафақат баён қилинади, балки эслаб қолишга эришилади. Эвристикда билимлар мустақил равища эгалланади. Танқидий

методда муаммолар белгиланиб олинади. Билимлар тадқиқ этиш жараёнида эгалланади.

«Мунозара» методида ўқувчиларни фаоллаштириш, баҳсга барча иштирокчиларни жалб қилиш мақсадида ташкил қилинади. Маълумки, умумтаълим мактабларининг одатдаги семинар машғулотларида ўқитувчи бир неча ўқувчи билан ишлаш имкониятига эга бўлади. Синф ва гуруҳдаги ўқувчилар эса дарсни монолог шаклида ўтганлиги сабабли зерикиб қолмайдилар.

«Ақлий ҳужум» усулида ижодий вазифанинг муҳокама қилиниши ва унга баҳо берилиши ўқувчиларда миниатюралардан англашилган образлари ўша давр тўғрисида аниқ тушунча ҳосил қилишига ёрдам беради.

«Ақлий ҳужум» усули бу – босим остида ақлий куч йўли билан қабул қилинган ғояларни ҳамкорликда муҳокама қилишдир. У вақтинчалик мустаҳкамланган, жисмоний ёки руҳий чекловларнинг ўрнатилиши воситасида яратилади. Асабий зўриқишиз қатнашувчини ихтиёrsиз ва бирдан жавоб беришга мажбур қиласди. Кўп ҳолларда бу машқ тўғри ва ҳиссиётли натижа беради. Агар ундан тўғри фойдалана олинса, у жуда фойдали усолдир.

«Ақлий ҳужум» машқи қўлланилган дарс суръати назорат қилиб борилади. Бу каби машқлар аудиторияни босим билан ушлаб турилган вақтда яхши самара беради. Шунингдек, тарих дарсларида миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш жараёнида «Яшин тезлигида» усулини қўллаш ҳам яхши самара беради. Бунда барчани бирдек жалб қилиш, фаол иштирок этмаётган, у қадар сўзомол бўлмаганларга тўғридан-тўғри савол бериш тавсия этилади.

Тажриба-синов натижасида шундай хulosага келиндики, «Қарорлар шажараси» технологияси ҳам дарснинг мазмунли ва қизиқарли ўтишига ёрдам беради. Бу усул бир неча ўнлаб ўқувчиларнинг билимлари даражасини аниқлаш, уларнинг фикрларини жамлаш ва баҳолаш имконини беради. [123, 118] Тაълим жараёнида мазкур методнинг қўлланилиши муайян муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш, хulosага келишда ўқувчилар томонидан билдирилаётган ҳар бир вариант, уларнинг мақбул ҳамда

номақбул жиҳатларини муфассал таҳлил этиш имкониятини яратади. Шу боис бу методларни қўллаш кўпроқ самара беради.

Куйида шундай метод асосида лойиҳаланган бир дарсни кўриб чиқамиз.

8-синф

Мавзу: XV аср охири XVI аср бошларида Хурросон ва Мовароуннаҳрда сиёсий вазият

Дарснинг мақсади:

1. Таълимий мақсад:

a. ўқувчиларда XV-XVI асрда Хурросон ва Мовароуннаҳдаги сиёсий вазият воқеаларининг бориши ва ўша давр кечинмалари хақида тушунча ҳосил қилиш.

б. ўқувчиларнинг мавзуни чуқур ўзлаштиришларига эришиш.

2. Тарбиявий мақсад:

а. ўқувчиларда мардлик, ватанпарварлик, шиҷоат ва ватанинн улуғлаш туйғуларини шакллантириш;

б. ўқувчиларни сиёсий тангликлар ва мамлакат бирлашуви йўлидаги саъй-ҳаракатларни ўрганиш орқали ватанинн севишга ўргатиш.

3. Ривожлантирувчи мақсад: ўқувчилардатарихий воқеликни тушуна олиш кўникмаларини ривожлантириш.

Дарснинг жиҳози: 8-синф «Ўзбекистон тарихи» дарслиги, Ўзбекистоннинг сиёсий харитаси, «Бобурнома» асари ва унга ишланган миниатюралардан лавҳалар («Среднеазиатские миниатюры 16-18 веков в избранных образцах». –Ташкент: «Шарқ миниатюраси».–Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. – Ташкент: 1980).

Дарснинг режаси:

1. Сиёсий инқироз.
2. Бобур Мирзо сиёсий кураш майдонида.
3. Бобур Мирзонинг Самарқанд таҳтини эгаллаши.
4. Андижонда ҳокимият учун кураш.

Дарснинг бориши:

I. Ўтилган мавзуни тақрорлаш:

Ўқитувчи Шайбонийлар давлатининг кучайиши ва Туркистонга юришини ўқувчилар билан биргаликда савол-жавоб асосида тақрорлайди.

II. Асосий қисми.

5 X 5 X 5 инновацион педагогик метод ёрдамида билимларни ўзлаштириш.

1. Синф ўқувчилари 4 групга бўлинади. Мавзунинг умумий матни 4 қисмга бўлиниб, ҳар бир қисми групхларга берилади (мавзу китобда 4 қисмга бўлинган, шундан фойдаланилади). Групхларга матнни ўрганиб чиқиши вазифаси топширилади (5 дақиқа). Матн груп томонидан ўрганилгандан сўнг групхлар яна қайта ташкил этилади (ушбу ўринда ҳар бир групдан аввалги 4 групхнинг бир нафар аъзоси бўлиши шарт). Групхлар қайта ташкил этилгандан сўнг ҳар бир ўқувчи ўзи ўзлаштирган маълумотларни қолган ўқувчиларга маъруза қилиб беради). Шу тарзда ўқувчилар матнни ўзлаштирадилар (10 дақиқа).

2. Савол-жавоб асосида бутун синф ўқувчилари билан сухбат ташкил этиш.

Ўқувчиларга қўйидаги саволлар берилади.

- Шоҳрухнинг вафотидан сўнг Хурросонда қандай воқеалар содир бўлди?
 - Бобур Мирзонинг сиёсат майдонига чиқишига нима мажбур қилди?
 - Бобур Мирzonинг Самарқандга юриши ҳақида қандай маълумотлар бера оласиз?
 - Андижондаги воқеалар Бобур Мирзога қандай таъсир кўрсатди?

3. «Қора қути» методи ёрдамида ўзлаштирилган тушунчаларни мустаҳкамлаш. Бунда ўқувчилар жуфтликларга бирлашадилар ва уларга мавзуни ёритувчи асосий саналарни карточкага қайд этиш вазифаси юкланади (йиллар хронологик тартибда келтирилиши керак). Ўқитувчи уларни текшириб чиқади. Энг тўғри ишни доскага ёзади, сўнгра ўқувчилардан бу санада қандай воқеалар юз берганлиги сўралади.


4. Гурухларга «Бобурнома»дан олинган расмлар тарқатилади ва барча гурухлар расмлардаги воқеаларга таъриф ёзадилар.

Тайёр бўлган гурух вазифа юзасидан бажарилган ишларни тақдимот қилиб беради. Ҳар бир тақдимот сўнгида ўқитувчи фикрларни алоҳида-алоҳида таҳлил қилиб холосалайди.

III. Якуний қисм ва уйга вазифа.

Бобур Мирзо ҳақида дарсликдан тўлиқ маълумотлар олиш ва «Бобурнома» асарини ўрганиш.«Бобурнома»дан ўтилган мавзуга мос иллюстрация топиш ҳамда уларни дарс мавзусига мослигини тавсифловчи омилларни шарҳлаш.

Мазкур мавзуни ўтишда 1,2,3,4- расмлардан фойдаланилади.



Ўзбекистон тарихини ўқитишида миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг методик хусусиятларини ҳисобга олсак, унда қуйидаги холосага келишимиз мумкин:

Биринчидан, миниатюра санъати асарлари мавзуни тўлдиришга ёрдам беради. Тўғри холоса чиқаришга, бир қолипга тушиб қолишлирига йўл қўймайди, мустақил фикрлашга ундейди, дарсни босим остида ўтишига йўл қўймайди, тасвирлар ёрдамида ўқувчиларнинг иштиёқини бошланғич даврга осонгина қайтариш имконига эга бўлинади.

Иккинчидан, миниатюра санъати асарларинимавзу билан мантиқан боғлаб ўргатиш ўқувчиларни ўша даврнинг ижтимоий ҳаёти тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишилирига ёрдам беради.

Бунда ўқувчиларни гурух-гурухларга бўлиш фойдалидир. Гуруҳда ҳар бир гурух иштирокчисининг сўзларини эшитишлари ва бир-бирларидан ўрганишлари учун битта расмдан фойдаланадилар.

Якка ҳолатдан кўра жамоа бўлиб ишлашнинг тъсири нима учун юқори, деган саволга қўйидагича жавоб бериш мумкин. Ўқувчилар кўпчилик бўлганларида ўзларига нисбатан ишонч билан фикр юритадилар. Улар мустақил ҳолда ишлаётгандан кўра 3-4 дан 5-6 тагача кишидан иборат гуруҳда ўзларини кучли ҳис этадилар.

Учинчидан, миниатюра санъати асарларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш дарсни жонли тарзда ташкил этиш имконини беради. Таълим жараёнида ўқувчиларда мантиқий фикрлашни оширади. Ўқув йили охирига келиб, ўқувчилар саволларга кўргазмали қуроллар асосида жавоб бериш малакасини эгаллади.

Тарихий мавзуни ўқитишда миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш:

- ўқувчиларнинг ўқув материалларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишлирини орттириш;
- ўқув-билиш фаолиятиниянги босқичга кўтариш;
- миллий ўзликни англаш жараёнини тезлаштириш;
- таълим ва тарбия бирлигини таъминлаш;
- ўқувчилар умумий маълумотлардан асосийларини ажратиб ола билиш қўникмасини эгаллаш;
- ўрганилаётган мавзу хусусиятларини аниқлашга ёрдам бериш;
- тарихий материал ўқув материал мазмунини бойитиш орқали ўқитувчиларнинг мавзуни самарали тушунтиришларига олиб келади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, тарих ўқитувчилари кўпинча дидактик материалларни тўлдиришда ёки мустақил ишлар, режа мавзуларини ишлаб чиқишида мустақил тарзда ёндашишларига тўғри келади. Тадқиқотимиз талабларидан келиб чиқсан ҳолда, бу жараённинг самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи бир қатор амалий тамойиллар аниқланди ва тажриба-синов жараёнига жорий қилинди:

- мустақил ишлар асосида зарур билим, кў尼克ма ва малакаларни ўзлаштиришни, иккинчи томондан эса уларнинг текширилишини таъминлаш;

- топшириқлар тизимли ва тўла бўлиши керак, яъни давлат таълим стандарти ва ўқув дастурида кўзда тутилган барча тарихий тушунчаларнинг шунингдек, бир ва бир неча мавзулар ичидағи тарихий тушунчаларнинг ўзаро алоқасини акс эттириш;

- мустақил ишлар тизимиға репродуктив, реконструктив ва вариатив характердаги топшириқларни киритиш;

- кўйилган саволлар ўқувчиларнинг тарихий тафаккурини, нутқини ривожлантиришга кўмаклашадиган бўлишини таъминлаш.

Ана шу амалий тамойиллардан келиб чиқсан ҳолда тажрибатадқиқот жараёнида биз:

1. Тарих фанини ўқитишининг фаол восита ва методлари;

2. Тарихий тушунчанинг ҳажми ва мазмуни («Зафарнома» ва «Бобурнома»га ишланган миниатюралар мисолида);

3. Тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларининг таърифи, унинг мантиқий тузилиши;

4. Тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари, жумладан, миниатюра санъатини тарихга ҳамоҳанг тарзда ривожланиш босқичлари;

5. Мавзудаги содда ва мураккаб тарихий мавзудаги миниатюралар;

6. Ўқитувчининг тарих таълими жараёнида миниатюралардан фойдаланиши ва уни мос шарх, тафсилотлар билан изоҳлаши;

7. Ўқитувчининг тарихий мавзудаги миниатюра санъати материалларини реал тарихий воқелик билан алоқадорликда илмий баён қилиши;

8. Ўқитувчининг дарс тизимиға тайёргарлик кўриши, тарихий фактларни таълимий жиҳатлари билан бирга тарбиявий жиҳатларини ҳам таҳлил қилиши;

9. Ўқувчиларнинг тарих фанида мустақил ишлар тизими, уларнинг турлари ва уларга кўйиладиган педагогик ва дидактик талабларни инобатга олган ҳолда дастур ва унга мос ўқув материалларни тайёрлаб олиш ва уларни самарали жорий қилишга

эришиш. Бу жараёнда диссертацияга илова сифатида шакллантирилган дидактик материаллар асосида тайёрланган «Ўзбекистон тарихи»ни ўқитиша миниатюралардан фойдаланиш» номли методик кўлланмадан фойдаланиш тавсия этилади.

Педагогик тажриба-синовнинг якунловчи босқичи (2010-2013йиллар)да экспериментал тадқиқот натижалари таҳлил этилди, қайта ишланди ҳамда умумлаштирилди.¹ Шакллантирувчи тажриба-синов ишлари кенг миқёсда олиб борилди. Умумлаштирилган материаллар асосида диссертациянинг дастлабки варианти тайёрланиб, унинг экспертизаси ўтказилди, яъни тадқиқот юзасидан мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилди. Улар билдирган фикр-мулоҳазалар асосида тадқиқот қайта ишланиб, унга муайян даражада ўзгартиришлар киритилди ва қўшимчалар қилинди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, «Ўзбекистон тарихи»ни ўқитиша миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг қуидаги омиллари муҳим аҳамият касб этади:

Биринчидан, асар сюжетининг тарих ўқитиша қанчалик муҳим эканлиги. Иккинчидан, мусаввириларнинг тарихий воқеликни қанчалик тўғри англай олганлиги ва образли акс эттира билганлиги ва, учинчидан, асарнинг ғояси ва бу ғояни бадиий тарзда очиб бериш воситаларининг тегишли ёшдаги ўқувчиларга нечоғлик тушунарли эканлиги билан белгиланади, яъни тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарини яратган рассом, жумладан, миниатюрачи мусаввириларнинг бадиий-фалсафий мушоҳада даражаси, табиийки, мактаб ўқувчисининг дунёқараши даражасига, тарихий билимлари савиясига мос келмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам тавсия этилаётган миниатюра санъати асарлари мазмун, композицион ечим нуқтай назаридан тарих фанини ўқитиша қўлланиладиган методларга мос келиши лозим. Бу омил тажриба синов ишларининг ташкилий-педагогик асосларнинг устувор аҳамиятига молик компонентларидан бири сифатида қаралади.

Ўқитувчилар умумтаълим мактабларида педагогик тажриба-синов бошлашлари олдидан ўқувчилар билан тушунчаларга мос

¹Тажриба-синов ишларининг мазкур босқичи 2018 йилга қадар янги маълумотлар билан тўлдирилиб борилди.

миниатюралар юзасидан сўровномалар ўтказишида ва педагогик амалиётга ажратилган вакт давомида ўқувчилар билан кечалар, тўгараклар, ролли ўйинлар ўтказиш, кроссвордлар, чайнворд ва ребуслар тузиб, уларда «Зафарнома» ва «Бобурнома» асарлариға қизиқишини рағбатлантириб бордилар. Педагогик тажриба-синов якунида яна ўша ўқувчилар орасида сўровномалар ўтказилди. Кузатишларимизга кўра, ўқувчиларда тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларини тарихий жараён ва воқеликнинг тасвирий талқини сифатида идрок этиш борасидаги қўникма ва малакалари ўртacha 15% га ошганлиги аниқланди. Ўқувчилар ватанимиз тарихига оид миниатюралардан берилган саволларга асосли, аниқ, мантиқий ва холис жавоб берадиган бўлдилар. Улар «Бу тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарида қайси давр тасвирланган?», –деган саволга мушоҳадали жавоб берадиган бўлдилар; уларда тарихий матнларни мустақил мутолаа қилиш малакалари ҳосил бўлди; тарихий жараёнларнинг сабаб ва оқибатларига таҳлилий ёндашиш қўникмалари шаклланди.

Якуний муҳокама. Муҳокамани тугатиш, якуний хулосалар чиқариш учун гуруҳ фикри умумлаштирилади. Агар бу мавзу батафсил ёритилмаган бўлса ҳам ундан кўзланган мақсад миниатюра санъати асарлари орқали эришилади. Бу жараённинг асосий моҳияти мавзунинг кўз илғамас жиҳатларини асарлар орқали навбатманавбат кўрсатишдан иборат. Муҳими, қатнашувчилар фикрининг чалғиб кетишига йўл қўймаслик лозим, яъни умумлаштириш ва якунлашда ўқувчиларда кейинги мавзуларнинг муҳокамаларида ҳам қатнашиш истаги йўқолмасин. Якуний машғулотда улар ўзлари истаган ҳолда, истаган шаклда фикрларини баён этишларига эришиш муҳим ҳисобланади.

Кузатувчи бўлиб баҳо бериш – қизиқ жараён бўлиб, у қатнашувчиларнинг фикрлаш доираси қандай эканлигини, улар нималарни ҳис этаётганликларини ва мунозара натижасида нималарни англаб етганликларини текшириш имконини беради. Шунингдек, ўқувчиларга фикр баён қилишда маълум даражада эркинлик бериш керак. Зоро, эркинлик берилиши ўқувчиларнинг ўзларига бўлган ишончининг ортишига ҳамда ўқитувчига нисбатан

хурмат пайдо бўлишига олиб келади. Улар гуруҳ ва ўқитувчи олдида ўзларини тўлиқ намоён этишлари мумкинлигини ҳис қилишлари жуда муҳим. Ўқитувчи уларни эшитаётганлиги ва диққатини жамлаётганлигини ҳис қилишлари лозим. Шу тариқа ўқитувчи ва қатнашувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида уюшқоқ гуруҳ шаклланади. Натижада ўқувчиларда мавзуганисбатан нуқтаи назарнинг жонланиши юз беради, шунингдек, мавзу тўғрисидаги билимнинг ҳиссиётларига таъсир этиши ортади.

Натижаларни баҳолаш ва навбатдаги ҳаракатлар

Ушбу модулни баҳолашнинг зарур бўлган ўзига хос ва ҳиссий ўлчамлари мавжуд.

Биринчи ҳаракатнинг натижаси мавзу юзасидан образлар – ҳар бир гуруҳ образларни таҳлил қилишни ўрганиши лозим. Бу машқни бажаришнинг сифати образ моҳияти ва деталлар сони билан ўлчанади. Ўқувчилар бу билан образни ўзларига қанчалар яқин олганликларини кўрсатадилар. Образ қанчалар тасвир ва тавсифга бой бўлса, ўқувчи бу машқни шунчалик яхши ўзлаштирганлигининг белгисидир.

Энди мавзу ўз тавсифига эга бўлди. Бу модулни якунлаш баробарида навбатдаги босқичга ўтилади.

Биз тарихий воқеликни ҳозирги замон санъат воситалари билан акс эттириш тўғрисида фикр юритган эдик. Биз шартли равишда бундай санъатни даврни қайта тикловчи, яъни қайтадан гавдалантирувчи санъат деб атаемиз. Тарихий воқеликни миниатюра санъати, бадиий адабиёт (проза, поэзия, драматургия), томоша санъати (театр, кино) орқали қайта тиклаб акс эттириш мумкин.

Тарихий воқелик санъатнинг бошқа турлари ёрдамида очиб берилиши мумкин. Санъатнинг ҳар бир тури тарихий воқеликни акс эттиришда ўзига хос хусусиятга эгадир. Шу билан бирга, санъатнинг мазкур турларини тарихий воқеликни типик образларда очиб беришдан иборат умумий хусусиятлари бор. Бу типик образлар ўзининг алоҳида хусусиятларини сақлаш билан бирга ҳодисанинг муҳим белгиларини акс эттиради.

Миниатюралар ва бошқа бадиий асарлардан тарих ўқитишида фойдаланиш илмий асосда бўлиш талабига қандай қилиб жавоб бера

олиши мумкин, деган савол туғилади. Шунинг учун ҳозирги замон санъат асарларини илмий асар эмас, балки бадиий асар сифатида қабул қилиш лозим. Тарихдан дарс беришгина эмас, балки ўқувчиларнинг тарихий материални ўзлаштириши ҳам илмий асосда бўлиши лозим. Биз ўқувчилар ўзлари эшитиб ёки китоблардан ўқиб билган ўтмиш манзараларни хаёлан кўз олдиларига келтиришлари ва бу тасаввурларни талқин қилишлари мумкинлиги ҳақидаги кўрсатмага нисбатан ўқувчиларнинг фикрлари ўрганилганда, Ўрта асрлар тарихини ўқитишга оид мавзуларда шу даврдаги ижтимоий ҳаётнинг баъзи томонлари, масалан, синфий кураш ҳужжатларда, тасвирларда етарли даражада акс эттирилмаганлигини кўрсатди. Кўпгина тасвирлар эса схематиклиги ва бир бутун эмаслиги билан ажralиб туради, холбуки, тарихга доир кўрсатмали ўқув қўлланмаларга ва тарихий воқеаларнинг бадиий образлар воситасида баён қилинишига айнан 7–8синфларда эҳтиёж мавжуд.

Албатта, ўз асарларида акс эттириладиган даврни диққат билан ўрганувчилар, одатда, тарихчилар ҳамда археологларнинг кўрсатмаларидан фойдаланувчи рассом ва ёзувчилар тарихий манзараларни мактаб ўқувчиси тасаввур қилганига қараганда тўлароқ ва аникроқ гавдалантириб беради. Ўтмишдаги тарихий воқеликни гавдалантирувчи бадиий асарлардан талаб қилинадиган ўқувчиси тасаввур қилганига қараганда тўлароқ ва аникроқ гавдалантириб беради. Ўтмишдаги тарихий воқеликни гавдалантириш, илмий асосда ёритиб, баҳо беришни тақозо этади. Шу маънода, Мақсуд Шайхзода («Мирзо Улуғбек»), Пиримқул Қодиров («Юлдузли тунлар»), Одил Ёқубов («Улуғбек хазинаси»), Мирмуҳсин («Меъмор»), Мухаммад Али («Улуғ салтанат» тетралогияси), Пирмат Шермуҳаммедов (Замахшарий, Хоразмий, Беруний ва бошқа тарихий шахслар ҳақидаги тарихий ҳужжатли романлар) каби адиларнинг асарлари сюжетларидан, шунингдек, мазкур асарлар асосида яратилган сценарийлар бўйича ишланган бадиий фильмлар, масалан, Шухрат Аббосовнинг (икки қисмли романлари) театрларда саҳналаштирилган спектакллари, телевизион видеофильмлар (режиссёр Мақсуд Юнусовнинг «Бобур», «Алишер Навоий» видеофильмлари)дан фойдаланиш нафақат тарих

дарсларини, балки адабиёт, миниатюра санъати каби ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишга интегративликни татбиқ этган ҳолда масалага комплекс ёндашувни таъминлайди.

Умумтаълим мактабларида фанлар ўртасидаги ўзаро боғланишни амалда қўрсатиш кўп жиҳатдан тарих ўқитувчисига боғлиқ. Муҳими, ўқитувчи тарихни бошқа ўқув фанлари билан қандай боғлиқлигини яхши билиши, ана шу боғланишларни амалда қўрсатиш йўлларидан ўз педагогик фаолиятида қўллаши зарур. Шунингдек, қўлланилаётган ёндашув материалларни таълимий тенденцияларнинг моҳиятига кўра мунтазам такомиллаштириб бориши зарур. Унга бу ишда 7-8синфлар учун чиқарилган дастурлар, дарсликлар ҳамда бошқа қўлланмалар, шунингдек, мактабда ишлаётган ўқитувчиларнинг мазкур фанлар бўйича ўқувчиларнинг билим ва малакаларига қандай талаблар қўйиши билан танишиб бориш зарур бўлади.

3.2. Педагогик тажриба-синов ишларининг натижаси

Ўтказилган илмий тадқиқотнинг асосий мақсади Ўзбекистон тарихи дарсларида миниатюра санъати асарларидан фойдаланиб, ўқувчиларнинг тарихий билим сифати ва даражасига ижобий таъсирини назарий ва амалий асослаб беришдан иборат. Шунинг учун таълим жараёнида миниатюра санъати асарларидан фойдаланишининг ўқувчилар билим сифатига таъсирини амалий жиҳатдан асослаш мақсадида 2007–2008, 2009–2014, 2015–2018 ўқув йилларида Тошкент шаҳри Олмазор тумани №№ 133, 185, Яшнаобод тумани № 227, Тошкент вилояти Зангиота тумани № 1, Сирдарё вилояти Янгиер шаҳри №№ 4, 9, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳридаги № 4 умумтаълим мактаблари танлаб олиниб, уларнинг ҳар бирида назорат ва тажриба синфлари тузилди. Тажриба синфларида ташкил этилган машғулотларда ўқув материалини баён этиш жараёнида тарихийлик тамойилига амал қилган ҳолда мавзуга оид миниатюра асарларидан фойдаланилди, яъни мавзуга тегишли бўлган, лекин дастурда ва дарсликда ифодаланмаган тарихий материаллардан фойдаланиш масаласи ҳам диққат марказида бўлди. Ўқитувчилар тегишли мавзулар бўйича тарихий мавзудаги

миниатюра санъатига оид материаллар тавсия этилди. Мавзулар бўйича ўқув материалларини ўқувчилар қандай ўзлаштирганликларини аниқлаш учун бир неча бор назорат ишлари, савол-жавоблар ва тест топшириклари олинди.

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба якунидаги ўзлаштириш тажриба бошидаги ўзлаштиришдан юқори экан. Демак, тажриба-синов ишлари натижасида ўқувчиларнинг тарих дарсларида тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш юзасидан ўқувчилар билан олиб борилган тажриба-синов ишлари самарадор экан.

Биз юқоридаги умумтаълим мактаблари ва ўқувчилар орасида ўтказган тадқиқот ва таҳлилларимиз натижасида қўйидаги тавсияларни беришни лозим топдик:

Ўзбекистон тарихидаги миллатнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини боғловчи тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларининг ривожланишининг хилма-хил қирраларини таҳлил қилишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш;

- тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари жаҳон тарихи ва Ўзбекистон тарихи истиқболини таъминлашдаги муҳим вазифалардан бир эканлигидан келиб чиқиб, жамиятдаги тарихий билимлар, тарихий онг ва тафаккурни ривожлантиришга эътибор қаратиш;

- маданий ёдгорликлар, тарихий обидалар муҳофазасига қаратилган қонунларга тўла риоя қилинишини таъминлашга эришиш;

- ўқувчи-ёшларга келгуси авлодлар олдидаги масъулиятини ҳис қилиш кўнималарини шакллантириш.

Юқоридаги тадқиқот ишлари натижасида қўйидаги хulosалар чиқарилди:

1. Ҳозирга қадар «Ўзбекистон тарихи»да миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш муаммоси ҳақида алоҳида илмий тадқиқот ишлари қилинмаган ва маҳсус фикр юритилмаган ва бу муаммонинг

ечими илмий жиҳатдан ишлаб чиқилмаган. Мазкур тадқиқотда ушбу кемтик ҳолатни бартараф этишга ҳаракат қилинди.

2. Ўзбекистон тарихи миниатюра санъати асарларидан фойдаланилган ҳолда ўқитиш жараёнида фойдаланишнинг синов дастурлари мазмунига сингдирилиши натижасида илк бор тарих ўқитишида маълум сифат ва самадорликка эришилди. Республика миқёсида ўтказилган тажриба-синов ишлари синов дастурини ўзлаштиришдаги сифат қўрсаткичлари ўртачадан юқори, яъни тажриба синфларидан олинган натижалар назорат синфларидан олинган натижалар назорат синфлари натижаларига нисбатан 15%га ўсганлиги, тадқиқотга киритилган илмий фаразларимиз тўғрилигини қўрсатади.

3. Педагогиканинг умумий қонун ва қонуниятлари ҳамда тамойилларидан фойдаланиб, тарих таълимининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш воситасида таълим самарадорлигига эришишнинг энг муҳим илмий ва педагогик тамойиллари аниқланди ва улар тавсифланди.

4. Тарих дарсларида миниатюра санъати асарларидан фойдаланишда тизимли ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш дарс сифатини ошириш омили бўлиб, тарих фанининг таълим берувчи, тарбияловчи, ривожлантирувчи вазифаларини тўлақонли амалга оширишга хизмат қилиши ва унга самарали методик шакл, усул, воситалар орқали эришиш мумкинлиги илмий асосланди. Чунончи, тажриба-синов олиб борилган мактабдаги тажриба ва назорат синфларининг ўқув йили бошидаги натижалари билан якунидаги натижалар қиёслаб ўрганилганда, тажриба синфларининг сифат қўрсаткичи юқори бўлди, яъни ўқув йили бошидаги ўзлаштириш даражаси 55% га нисбатан унинг якунида 70% ни ташкил этган бўлса, назорат синфларида бу қўрсатгич эса 53% га нисбатан 58% га етди.

Тадқиқот жараёнида тарих дарсларида миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш орқали дарс самарадорлигига эришиш муаммосига илмий жиҳатдан тизимли ёндашувнинг амалга

оширилиши натижасида унинг самарали фаолият кўрсатиши учун мақсадга мувофиқ методик тизим ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов жараёнида 7-8 синф «Ўзбекистон тарихи» ўкув қўлланмасининг илмий муаммога оид тегишли мавзулари, тавсиялар, дарс ишланмалари, дидактик материаллар, янги педтехнологияга доир дарслар тизими синовдан ўтказилди ва уларнинг самарадорлик даражаси назорат материалларини жалб этиш орқали аниқланди. Чунончи, илмий муаммо бўйича ўқувчилар билимини аниқлаш юзасидан ўтказилган якуний тест синови натижалари назорат синфларида сифат ўзлаштириш жами 13% ни кўрсатган бўлса, тажриба синфларида бу кўрсаткич 28% ни ташкил этди.

Тажриба-синов жараёнида дидактиканинг оддийдан мураккабга, хусусийдан – умумийга, умумийдан – хусусийга, маълумдан – номаълумга, номаълумдан – маълумга ўтиш каби тамойилларидан фойдаланилди. Бу ёндашув, биринчидан, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларининг ўсишини таъминлаб, илмий муаммо юзасидан илгари сурилган ва тахмин қилинган фаразларни тасдиқлади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатди, тарихий материалларни ўрганишда ўқувчилар савиясини юксалтириб боришнинг дидактик тамойилларига амал қилинса, уларнинг мустақил мантикий хулоса чиқариш кўникмаси ривожланади ва яхлит тарихий тафаккури шаклланади.

Дарс, дарсдан ташқари машғулотларда миниатюра санъатига доир турли методик усуллар тадқиқ этилиб, ўқувчиларда тарихий билимлар ривожи, миллий мафкура, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини шакллантирувчи самарали воситалар белгиланади.

Тарих ўқитишига интеграцион ёндашиш, тарих таълимининг узлуксизлиги, изчиллиги ва узвийлигини таъминлаш билан тарихийлик тамойилини амалга ошириш ҳамда ДТС талаблари доирасида бундай боғланишларнинг ўрни ва аҳамияти илмий тадқиқот натижасида ўз амалий исботини топди.

Умуман, ушбу илмий муаммо мамлакатимиз узлуксиз таълими, фани ва ишлаб чиқаришнинг жаҳон илм-фани ва таълими билан интеграцияси рўй бераётган ҳозирги вақтда муҳим долзарблиқ касб этмоқда. Масалан, замонавий ахборот технологияларининг глобаллашув шароитида фан ва техника ахборотларини тизимлаштириш устида изланишлар олиб борилаётган бўлса, педагогикада бу тажриба ўқув предметлар материали мазмунини мужассамлаштиришнинг турли шакл ва усуллари асосида ўрганиш орқали ҳал этишга ҳаракат қилинмоқда.

